

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ТЕРМИЗ ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

**Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:821.512.133.09-31**

БАЗАРОВ СОБИРЖОН БЕКТАШОВИЧ

НОРМУРОД НОРҚОБИЛОВ АСАРЛАРИНИНГ ПОЭТИКАСИ

10.00.02 – Ўзбек адабиёти

**Филология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
илмий даражасини олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ**

**Илмий раҳбар: Насиров Азмиддин Нормаматович,
филология фанлари доктори**

Жиззах – 2021

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I БОБ. АДИБ ҲИКОЯЛАРИДА ХАРАКТЕР ВА МИЛЛИЙ РУҲ	12
1.1. Миллийлик: характер ва руҳият бирлиги	12
1.2. Адиб асарларида бош қаҳрамоннинг индивидуал табиати талқини	34
Боб бўйича хулосалар.....	
II БОБ. АДИБ ҚИССАЛАРИДА ИНСОН ВА НАБОТОТ ОЛАМИ ИФОДАСИ	60
2.1. Инсон ва набобот олами муносабатларида шахс фожиаси	60
2.2. Ёзувчи қиссаларида образ табиати ва руҳий изтироблар тасвири.....	74
Боб бўйича хулосалар.....	
III БОБ. БАДИИЙЛИК ВА ҲАЁТИЙ ТАЛҚИН	87
3.1. Образлар олами ва бадиийлик	87
3.2. Рамзларда ифодаланган ҳаёт тасвири	107
Боб бўйича хулосалар.....	
ХУЛОСА	124
Фойдаланилган адабиётлар	128

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон адабиётшунослигида бадиийлик мезонларининг тараққиёти ва изчил такомиллашуви бадиий тафаккурнинг тадрижий ривожини билан узвий боғлиқ бўлиб, янги адабий-илмий концепцияларнинг юзага келишига асос бўлмоқда. Шу боис бадиий асар оламининг ўзига хос поэтик хусусиятларини тадқиқ этиш, унга таҳлилий ёндоқиш ҳар бир халқ адабиёти, унинг тараққиёти билан узвий боғлиқдир. Бадиий асарлар поэтикасини таҳлил этиш, йиллар давомида шаклланган анъаналарнинг маълум бир ижодкор асарларида мужассамлашиши, бадиий-эстетик талқин хусусиятларидаги поэтик ўзгаришларни кўрсатиб бериш, асосида ижодкорнинг бадиий маҳоратини назарий асослаш муҳим аҳамиятга эга.

Дунё адабиётшунослигида бадиийликнинг турфа хил кўринишлари мавжуд бўлиб, асар матнидаги ифодаси, муаллифнинг бадиий муносабати, образлар оламининг танланиши ва қўйилган муаммони улар воситасида поэтик идрок этиши-ю, эстетик идеали, дунёқараши, бадиий талқин муаммолари, умуман олганда, ёзувчининг поэтик маҳоратининг ўзига хос қирралари яратилган асарлари мисолида изчил ўрганилган. Муайян ёзувчининг турли йилларда ёзган асарларидаги руҳий талқин, характер яратиш анъанасининг такомиллашуви, миллий характерининг талқини, миллий руҳ ва миллий характерларнинг юзага келиш, руҳий изтироблар талқини бўйича илмий тадқиқотлар яратиш муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги йилларида миллий асарларимизни холис ўрганишга, уларни юксак бадиият мезонлари асосида тадқиқ қилишга назарий жиҳатдан асосли ёндақиш ҳолати кузатилмоқда. Ўзбек насри бадиий тафаккуридаги янгиланишларни, воқеликни бадиий ифодалаш йўсинларини дунё адабиётшунослигидаги мавжуд етакчи тамойиллар асосида бугунги кун талабидан келиб чиқиб илмий-назарий жиҳатдан тўғри баҳолаш муҳим вазифалардан бири бўлиб келмоқда. “...Адабиёт ва санъатга, маданиятга эътибор – бу, аввало, халқимизга эътибор, келажакимизга эътибор эканини,

буюк шоиримиз Чўлпон айтганидек, адабиёт, маданият яшаса, миллат яшаши мумкинлигини унутишга бизнинг асло ҳаққимиз йўқ”¹. Демак, бадий асарлар поэтик табиатининг ўрганилиши, улардаги инсон образи индивидуал ва ижтимоий борлигининг ёритилишини кузатиш ёш авлоднинг маънавий камолотини таъминлашда муҳим аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”, 2017 йил 16 февралдаги ПФ-4958-сон “Олий ўқув юртидан кейинги таълим тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармонлари, 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3271-сон “Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб мутолааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида”, 2018 йил 5 июндаги ПҚ-3775-сон “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”, 2019 йил 29 октябрдаги ЎРҚ-576-сон “Илм-фан ва илмий фаолият тўғрисида”ги қарорлари ва мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга бу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналишига

¹ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги маърузаси Халқ сўзи. 2017 йил, 4 август.

мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон адабиётшунослигида бадий асарга ёндашув ва воқеликни англашга ёрдам берувчи бадий матн поэтикаси ҳақида бир қатор тадқиқотлар яратилган. Дунё мамлакатларининг адабиётшунос, файласуфлари: О.Кант, И.Тэнь, А.Н.Пипин, А.Н.Сакулинларнинг социологик; Сент-Бёв, А.Моруларнинг биографик; Э.Эннекен, В.Вунд, А.А.Потебня, М.М.Бахтинларнинг психоаналитик; В.В.Виноградов, В.М.Жирмунский, Ю.Н.Тинянов, Б.В.Томашевский, Г.О.Винокурларнинг формал; Р.Барт, Ю.Лотман, Д.С.Лихачев, М.М.Бахтинларнинг структурал-семиотик, шунингдек, Ф.Шлейермехер, В.Дильтей, М.Хайдеггер, Г.Г.Гадамерларнинг бадийлик ҳақидаги тадқиқотлари фикримизни асослайди¹. Истиқлол йилларида бу типдаги тадқиқотларга бўлган қизиқишнинг ортиши, бадийликка бўлган муносабатларнинг ижобий самаралари алоҳида қайд этилмоқда².

Жумладан, ўзбек адабиётшунослигида Иззат Султон, М.Қўшжонов, Н.Каримов, Б.Назаров, Б.Саримсоқов, Ў.Солижонов, Д.Тўраев, Ҳ.Каримов, Ҳ.Умуров, Д.Қурононов, Б.Каримов, И.Ёқубов, С.Мелиев, А.Сабридинов, Ш.Ҳасанов, А.Қосимов, А.Холмурадов, У.Ҳамдам, Ш.Дониёрова, Ш.Исаева, Г.Саттарова, А.Насиров, О.Шофиев каби олимлар ўз илмий тадқиқотларида поэтикага оид қарашларни баён этган.³ Ю.Оклянский, Б.Мейлах, Т.А.Кузьминская, Л.М.Леонов, Б.А.Грифцов ва М.Б.Храпченко ҳам поэтика масаласининг турли қирраларини тадқиқ этишган.

Бу илмий манбалар Нормурод Норқобилов асарларининг поэтик

¹ Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. – Москва, 1981; Его же: Введение в структуральный анализ повествовательных текстов Зарубежная эстетика и теория литературы XIX – XX вв. – Москва, 1987; Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. – Ленинград: 1972; Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. – Москва, 1991; Хализев В.Э Теория литературе. – Москва: Вишяя школа, 1999; Тамарченко Н.Д., Тюра В.И., Бройтман С.Х. Теория литературе. 2 томах. 1 том. Теоретическая поэтика. – Москва: академия, 2004.

² Расулов А. Илми гарибани қўмсаб. – Тошкент: Маънавият, 1998; Танқид, талқин, баҳолаш. – Тошкент: Фан, 2006; Раҳимжонов Н. Бадий асар биографияси. – Тошкент: Фан, 2008; Қурононов Д., Раҳмонов Б. Ғарб адабий-танқидий тафакқури очерклари. – Тошкент: Фан, 2008; Ёқубов И. Бадий-эстетик сўз сеҳри. – Тошкент, 2011; Бадий матн ва эстетик талқин. – Тошкент: Фан ва технология, 2013; Улуғов А. Қалб қандили. – Тошкент: Академнашр, 2013; Истиқлол. Адабиёт. Танқид. – Тошкент: Турон замин зиё, 2015; Каримов Б. Рухият алифбоси. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги НМИУ, 2016; Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб муаммолари. – Тошкент: Фан, 2018.

³ Парандовский Ян. Алхимия слова. – Москва, 1972; Эккерман И.П. Разговоры с Гёте. – Москва, 1981; Наркирьер Ф. Андре Моруа. – Москва, 1974; Боров Ю. Искусства интерпретации и оценки. – Москва, 1981;

хусусиятларини яхлит адабий жараён контекстида монографик йўсинда тадқиқ этишга ёрдам беради. Шу билан бирга насрий асарлар поэтикаси ҳақида назарий қарашларни илгари сурган, И.Султонов, М.Қўшжонов, Т.Бобоев, И.Ғафуров, Н.Худойбергано, О.Шарафиддинов, Б.Саримсоқов, Б.Назаров, Й.Солижонов, А.Раҳимов, Ҳ.Умуров, Н.Раҳимжонов, Ҳ.Каримов, Д.Қуроно, У.Қосимов, Б.Каримов, З.Пардаева, Ш.Дониёрова, А.Насиров, О.Шофиев¹ сингари адабиётшуносларнинг қарашлари ҳам муҳим саналади. Келтирилган манбаларда бадий асар поэтикасини таҳлил қилиш асносида Ғарб ва Шарқ эстетикаси ҳамда адабиётшунослиги илғор назарий қарашлари асосида образлар олами, истеъдод, ижодкор маҳорати акс этганлиги қисман бўлса-да, тадқиқ этилган.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация Термиз давлат университети истиқболли илмий-тадқиқот ишлари режасининг 2-сон «Бадий асар поэтикаси ва унинг ўзига хос хусусиятлари» (2017-2021 йй.) йўналиши доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади истеъдодли адиб Нормурод Норқобилов асарлари поэтикаси, хусусан, бадий образлар олами, уларнинг табиати, характер ва руҳият бирлиги, адабий макон ва замон, бадий услублари, ёзувчининг поэтик маҳоратини очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Нормурод Норқобилов ёзган бадий асарлар мисолида ўзбек насри

¹ Султонов И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1986; Қўшжонов М. Моҳият ва бадийят. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977; Ғафуров И. Танланган асарлар. – Тошкент: Шарқ, 2017; Худойбергано Н. Эҳтирос тўлқинлари. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1970; Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004; Саримсоқов Б. Бадийлик асослари ва мезонлари. – Тошкент: Шарқ, 2004; Назаров Б. Ҳаётийлик – безавол мезон. – Тошкент: Фан, 2008; Солижонов Й. XX асрнинг 80-90-йиллари ўзбек насрида бадий нутқ поэтикаси. Филол. фан. док... дисс. – Тошкент, 2002; Солижонов Й. Ҳақиқатнинг синчков кўзлари. – Тошкент: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси, 2009; Раҳимов А. Роман санъати. – Фарғона: Фарғона нашриёти, 2015; Умуров Ҳ. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Шарқ, 2002; Раҳимжонов Н. Бадийят – бош мезон. – Тошкент: Академнашр, 2016; Қуроно Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Тошкент, 2004; Қуроно Д. Адабиётшунослик назарияси. – Тошкент: Академнашр, 2018; Қосимов У. Адабиётнинг ҳаётбахш кучи. – Тошкент: ЎзМУ кутубхонаси нашриёти, 2008; Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. – Тошкент: Мухаррир, 2011; Каримов Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. – Тошкент: Фан, 2016; Пардаева З. Бадий-эстетик тафакур ривожини ва ўзбек романчилигини. – Тошкент: 2002; А.Насиров. Одил Ёкунов романлари поэтикаси. – Тошкент: Фан, 2012; О.Шофиев. Эркин Аъзам насри бадийяти. – Тошкент: Қақнус медиа, 2019.

бадий тафаккуридаги янгилашишлар, бадий асар поэтикасидаги ўзига хос жиҳатларни таҳлил қилиш;

ёзувчининг насрий асарларининг бадий хусусиятларини бошқа ижодкорларнинг асарлари билан қиёсий ўрганиш ва асосли хулосалар чиқариш;

адиб асарларидаги давр муаммоларининг бадий ифодасида, миллий характерларни яратишда ижодкор маҳоратини очиқ бериш;

ёзувчи насрида ёритилган инсон ички олами, комил инсонга хос интилишлар, шунингдек, адолат, эзгулик, ҳақиқат сингари умуминсоний ғояларнинг бадий ифодасини таҳлил этиш;

миллий наср тараққиётида адиб ижодининг ўрнини ёритиш ва жаҳон адабиётидаги етакчи тамойилларнинг таъсирини асослаш;

ёзувчи асарларидаги миллий руҳ ва миллий образларни талқинида адабий макон ва замон тушунчасининг бадий функциясини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Нормурод Норқобиловнинг насрий асарлари ҳикоя, қисса ва романлари олинди, шунингдек, миллий руҳ ва миллий образлар табиатини таҳлил этиш жараёнида, Шукур Холмирзаев, Тоғай Мурод, Шойим Бўтаев, Луқмон Бўрихон каби адиблар ҳамда жаҳон адабиётидан Чингиз Айтматов, Азиз Несин асарларига ҳам мурожаат қилинди.

Тадқиқотнинг предметини адибнинг бугунгача яратган ҳикоя, қисса, романлари билан бир қаторда, миллий наср поэтикасида намоён бўлаётган янги тафаккур тарзи, ижодий концепциялар, сюжет ва композицион яхлитлик, образлар олами, характер, руҳият, конфликт, ижодкор услубидаги ўзига хосликларни аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мавзусини ёритишда қиёсий-типологик, психологик, комплекс таҳлил, герменевтик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Нормурод Норқобиловнинг “Қуёш ботмайдиган юрт”, “Тунгги меҳмон”, “Даштда”, “Етим қолган гуллар”, “Қураш” каби ҳикоялари мисолида ўзбек насри бадиий тафаккуридаги янгиланишларда Бердибой, Анвар, Сувонқул, Холида момо миллий образлари олами ва характери, қаҳрамонларнинг мардлик, ғурур, орият сингари индивидуал табиати талқинлари ёритилган;

“Овул оралаган бўри”, “Қоялар ҳам йиғлайди”, “Ғанимлар”, “Белбоғ” каби қиссаларида инсон руҳий изтироблари ҳамда наботот олами билан муносабатлари туш, ички монолог, рамзийлик ҳамда фалсафийликда намоён бўлиши аниқланган;

адибнинг поэтик маҳорати “Дашту далаларда”, “Қорақуюн” романларида одам ва оламни идрок этиш йўсинлари, эстетик идеали, бадиий талқин имкониятларининг намоён бўлиши истиқлол йилларида тубдан янгиланган ўзбек адабиёти адабий-илмий концепциялари билан узвий боғлаб яхлит адабий жараён контекстида аниқланган;

насрий асарларининг бадиий хусусиятлари Шукур Холмирзаевнинг “Ўзбеклар”, Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади”, Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” ҳамда Чингиз Айтматовнинг “Қиёмат”, “Оқ Кема”, Азиз Несиннинг “Халоскор ит”, “Шафқатли ит” сингари жаҳон адиблари асарлари билан қиёсланиб, характер яратишдаги ижодий қиёфаси, тафаккур тарзи, ифода йўсини каби бадиий маҳорати очиб берилган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Нормурод Норқобилов насри поэтикасини ташкил этувчи композицион ва бадиий-ифодавий унсурлар тизими белгиланиб, талқиндаги етакчи тамойиллари аниқланган;

тарихий глобаллашаётган дунё кишиси ботиний оламидаги мураккаб руҳий тасвирлари бўйича адабий-назарий умумлашма хулосалар чиқарилган;

ўзбек ва жаҳон адабиётидаги етакчи тамойилларнинг Нормурод Норқобилов ижодига таъсири қиёсий-типологик тадқиқ орқали миллий образлар талқини мисолида ёритиб берилган;

адибнинг тадқиқ этилган бадиий асарлари фалсафий йўналишдаги

илмий-адабий йўналишлар учун ҳам асосли манба бўлиб хизмат қилиши аниқланган;

талқин жараёнида ёзувчининг миллий анъаналар замирида бадиий образлар яратиши, асардан асарга юксалиб бориши, инсон ва набодот оламининг диалектик бирлигини чуқур англаши ўрганилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги объектга ёндашув ва қўлланилган усулларнинг тадқиқот мақсадига мослиги, назарий маълумотларнинг илмий манбаларга асослангани, танлаб олинган муаллиф асарлари тадқиқот предметига мувофиқлиги, назарий фикр ва хулосалар психологик, герменевтик, қиёсий-типологик таҳлил методлари воситасида чиқарилгани, назарий қараш ва илмий хулосаларнинг амалиётга татбиқ этилгани, илмий натижа ва хулосалар билан асослангани кўринади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти чиқарилган назарий хулосалар, аввало, адабиётшунослик назариясини, истиқлол даври ўзбек адабиёти тарихини ёзишда, образлар ранг-баранглиги ва руҳият талқини масалаларини ўрганишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олий таълим тизимида ўзбек филологияси, журналистика факультетлари учун “Ўзбек адабиёти тарихи”, “Адабиёт назарияси”, “Адабий танқид тарихи ва ҳозирги адабий жараён” фанларидан дарслик, қўлланмалар яратиш, шунингдек, маъруза, семинар ва амалий машғулотлар мазмунини бойитишда, ихтисослик фанларини тизимли ўқитишда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нормурод Норқобилов асарларининг поэтикаси тадқиқи жараёнида эришилган илмий натижалари асосида:

Нормурод Норқобиловнинг “Қуёш ботмайдиган юрт”, “Тунгги меҳмон”, “Даштда”, “Етим қолган гуллар”, “Кураш” каби ҳикоялари мисолида ўзбек насри бадиий тафаккуридаги янгиланишларда Бердибой, Анвар, Сувонқул, Холида момо миллий образлари олами ва характери, қаҳрамонларнинг

мардлик, ғурур, орийт сингари индивидуал табиати талқинлари ҳақидаги хулосалардан 2017-2020 йилларда бажарилган ФА-Ф1-005 рақамли “Қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этиш” мавзуларидаги фундаментал тадқиқот лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 17 февральдаги 01.17/148-сон маълумотномаси). Натижада қорақалпоқ фольклоршунослиги ва адабиётшунослиги тарихини тадқиқ этишда ўзбек адабиётининг таъсири масалалари борасида муайян хулосаларга келинишига имкон берган.

“Овул оралаган бўри”, “Қоялар ҳам йиғлайди”, “Ғанимлар”, “Белбоғ” каби қиссаларида инсон руҳий изтироблари ҳамда наботот олами билан муносабатлари туш, ички монолог, рамзийлик ҳамда фалсафийликда намоён бўлиши ҳақидаги олинган хулосалардан ФА-Ф1, Г002 рақамли “Қорақалпоқ фольклори ва адабиёти жанр ва турларининг назарий масалаларини тадқиқ этиш” (2012-2016) мавзусидаги фундаментал лойиҳанинг назарий қисмида фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар Академияси Қорақалпоғистон бўлимининг 2021 йил 8 январьдаги 01.17/ 01-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳа адабиётшунослик илмида бадиий ижод жараёни, хусусан, асар поэтикаси билан боғлиқ равишда унинг бадиий-эстетик хусусиятларига оид масалалар илмий далиллар билан бойишига эришилган;

адибнинг поэтик маҳорати “Дашту далаларда”, “Қорақуюн” романларида одам ва оламни идрок этиш йўсинлари, эстетик идеали, бадиий талқин имкониятларининг намоён бўлиши истиқлол йилларида тубдан янгиланган ўзбек адабиёти адабий-илмий концепциялари билан узвий боғлаб яхлит адабий жараён контекстида аниқланган хулосалардан Х1-ХТ-19919-рақамли «Ўзбек мифологияси илмий ва унинг бадиий тафаккур тараққиётидаги тутган ўрни» мавзусидаги фундаментал лойиҳада фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2021 йил 27 январьдаги 89-03-493-сон маълумотномаси). Натижада лойиҳанинг назарий

жихатдан бойишига замин яратган;

насрий асарларининг бадий хусусиятлари Шукур Холмирзаевнинг “Ўзбеклар”, Тоғай Муроднинг “Юлдузлар мангу ёнади”, Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” ҳамда Чингиз Айтматовнинг “Қиёмат”, “Оқ Кема”, Азиз Несиннинг “Халоскор ит”, “Шафқатли ит” сингари жаҳон адиблари асарлари билан қиёсланиб, характер яратишдаги ижодий қиёфаси, тафаккур тарзи, ифода йўсини каби бадий маҳорати хусусида Сурхондарё вилоят телерадиокомпаниясининг «Бир асар шарҳи», «Маънавият қалб кўзгуси», «Адабиёт гулшани» кўрсатувлар сценарийсини тайёрлашда фойдаланилган (Сурхондарё вилоят телерадиокомпаниясининг 2021 йил 18 январдаги 19-14/7-сонли маълумотномаси). Натижада, мазкур кўрсатувлар учун тайёрланган материалларнинг мазмуни мукамаллашиб, илмий далилларга бой бўлиши таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 13 та, жумладан, 4 та халқаро ва 9 та республика илмий-амалий анжуманларда маъруза қилиниб, жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича 20 та илмий мақола нашр этилган. Шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий натижаларини чоп этиш бўйича тавсия қилинган илмий нашрларда, жумладан, 5 таси республика ҳамда 2 таси хориж журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат бўлиб, умумий ҳажми 136 саҳифани ташкил этади.

I БОБ. АДИБ ҲИКОЯЛАРИДА ХАРАКТЕР ВА МИЛЛИЙ РУХ

1.1 Миллийлик: характер ва рухият бирлиги

Ўзбек насри умумадабиётимизнинг ажралмас таркибий қисмидир. Янгича миллий-адабий тафаккур, реалистик наср ривожини XX аср бошларида калам тебратган Абдулла Қодирий, Чўлпон, Фитрат ва бошқа ижодкорларга бориб тақалади. Ижодкорларимиз янги давр адабиётида Европа адабиёти мезонлари билан ўлчаганда ҳам бадиий мукамал асарлар яратдилар; реалистик тасвир тамойилларига хос хусусиятлар улар ёзган ҳикоялар поэтикасида ҳам намоён бўлди. Ўзбек насри тарихида ҳаққонийлик, ҳаётийлик ва миллий ўзига хослик каби фазилатлар йиллар давомида ижодий жараёндан озикланиб, сезиларли даражада юксалди. 20-30 йиллар ўзбек адабиёти тажрибаси шунини кўрсатадики, миллий адабий тизимда реализм шаклланиши ва тараққиёти изчил мантиқий ривожланиш, адабий-эстетик тафаккурнинг мураккаблашиб бориши, инсонни англашга, ҳис этишга бўлган интилиш маҳсулидир. Адабиётшунос Қ.Йўлдошев қайд қилганидек: “Одам ички дунёси, рухияти, ўйларининг бадиий манзараси ва унинг ҳам ижтимоий, ҳам хусусий асослари тасвири муҳим ҳисобланади”¹. Поэтик мезонлар талабига кўра инсон рухиятидаги зиддиятларини тасвирлаш, бадиий талқин этиш замонавий насрда етакчилик қила бошлади.

Кейинги йилларда биз яшаб турган дунё тинимсиз эврилишлар, янгиланишларни бошидан кечирмоқда. Инсоният минг йиллар мобайнида кўрмаган ҳодисаларни саноқли кунлар ичида ўз бошидан ўтказмоқда. Табиий офатлар, рухий таназзуллар, табиат ва инсон бирлиги жараёнида ожизлигини англатадиган ҳодисалар рўй берди. Илоҳиётга тааллуқли сўз тимсолидаги адабиёт абадият манзиллари томон интилар экан, унда инсон зоти кўриб илғамаган, англаб улгурмаган яна бошқа оламлар ҳақида ҳам сўз юритилмоқда. Ана шу тушунчалар инсон ботиний оламига ўз таъсирини ўтказмоқда. XX аср ўзбек насри кўплаб воқеаларни, тасвир жараёнларини,

¹ Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. 70-бет.

бадий талқин тажрибаларини ўтказди. Насрий тафаккур ҳамон шаклланиш, тажрибалар қўллаш ва ўсиш жараёнида давом этаётганлиги ижодкор инсоннинг янгилик сари интилаётганидан далолат беради.

XX асрнинг 80-йилларига келиб, бадий адабиётдаги поэтик талқин хусусияти янада теранлик касб эта бошлади. Тўғри, миллий адабиётнинг 80-йилларида бўй кўрсатган поэтик хусусиятларнинг баъзи қирралари 70-йиллардаёқ кўзга ташланиб, 80-йилларнинг биринчи чорагида янада барқарорлашган эди. Давр адабиёти бу замонга келиб янгича поэтик талқин хусусиятларини намоён қилди. Айти пайтда, истиқлол даври адабиёти, хусусан, ўзбек насри узок йиллик миллий адабиётнинг мантиқий давоми сифатида ижодий анъаналардан озикланиб юксалди. Жиддий ўзгара бошлаган миллий-бадий тафаккурдаги эврилишлар янгиланаётган адабий-эстетик тафаккурнинг ҳосиласи сифатида юзага чиққанлигини қайд этиш лозим. Истиқлол даври адабиёти ягона ҳукмрон мафкура тазйиқидан қутулган, олам ҳодисаларини ва одам руҳиятини эркин англаш, изоҳлаш, бадий талқин этиш ҳамда ифодалаш имкониятига эга бўлган адабиёт сифатида майдонга келди. Адабиётнинг ҳукмрон мафкура тазйиқидан ҳалос бўлиши, олам ҳодисалари ва одам руҳиятига мансуб қирраларни янада теранроқ ифодалаш имкониятларини кенгайтириш билан бир қаторда, бадий талқин табиатида ҳам ўзгаришлар юз берди.

Атоқли Адабиётшунос О.Шарафиддинов таъкидлаганидек: “Ҳақиқий ижод эркинлиги фикрни имкон борича теран ифодалаш эркинлигидир, жамият ривожига имкон борича самаралироқ таъсир кўрсатиш эркинлигидир”¹. Шу нуқтаи назардан ҳам истиқлол йилларига келиб, миллат кишисининг руҳияти, ҳиссиёти, кўнгли бутун мураккабликлари билан бадий талқин этилди. Бадий адабиёт қаҳрамонлари ўзининг мураккаб тақдири, теран ўй-мулоҳазалари, ботиний оламидаги кечинмалари билан ўзига хос шахс сифатида ўзликни англаш йўлини излай бошлади. Шу жиҳатдан, ўзбек адибларининг ижод маҳсулларини, жумладан, истеъдодли

¹ Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004. 171-бет.

ёзувчи Нормурод Норқобилов асарларини ҳам, ундаги образлар оламини ҳам, соддагина ҳис этиш, англаш, изоҳлаш, тушунтириш ёхуд илмий қолипларга солиш мумкин бўлмай қолди. Буларни тасвир предметининг турфа хиллиги, тасвирдаги услубий изланишларнинг чуқурлашуви, кенгайиши ва жаҳон адабиётидаги етакчи тамойилларга ижодий ёндашиш ҳодисаси сифатида қараш имкони яратилганлиги билан изоҳлаш мумкин. Алоҳида ижодкорга тааллуқли бўлган бадиий мантиқ ва индивидуал теран талқинлар мураккаб кечинмаларни ифодалаш жараёнида инсон ботинидаги зиддиятларни теранроқ англашга интилиш мавжудлигини ҳам алоҳида қайд этиш зарур. Сўз санъаткорининг илк асарларига нисбатан кейинги асарларида ранг-барангликнинг қуюқлашиши, инсон руҳияти ва характерини акс эттиришдаги дадил изланишлар кўплаб ижодкорларнинг адабий-ижодий эволюциясида ўз ифодасини топди.

Дарҳақиқат, Нормурод Норқобилов ўз услубига, бетакрор тилига эга эканлигини намоён эта олган адиблардан саналади. Адабиётшунос Баҳодир Карим таъкидлаганидек: “Асарлар бўйи амалий тажрибадан ўтган ҳақиқат шуки, санъаткор муайян мавзуга қўл уриб, воқеликни маромига етказиб тасвирласа, ҳар қандай инсон қўнглига ўтиради, кўпчиликни ўйлантиради, қалбига завқ, тафаккурига юк беради”¹.

Ҳақиқатдан ҳам, таъкидланганидек, ижодкор яратган асарларда ҳаётийлик, инсон қалбидаги туйғулар мужассамлашган бўлса, китобхон қалбини ларзага солиши табиийдир. Нормурод Норқобилов ёзган асарларининг бадиий хусусиятлари ҳақида бир қатор ижобий фикрлар алоҳида қайд этилган. Бадиий талқиннинг ўзига хослиги, образлар табиатининг ҳаётийлиги ёзувчи ижодига бўлган қизиқишлар ва айрим таҳлилий ёндашувларнинг юзага чиқишига сабаб бўлмоқда.

“Инсон мўъжиза, деб ёзади адабиётшунос А.Расулов, – уни ўрганишган, тадқиқ этишмоқда, мудом талқин этишади. Фаннинг қандай соҳаси

¹ Карим Б. Руҳият алифбоси. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 2016. 41-бет

бўлмасин, алал оқибат, инсон муаммосига келиб тақалаверади”¹. Ҳақиқатдан ҳам бадиий сўз захматкашлари турфа хил воситалар асосида бадиий образ яратар экан, унинг замирида инсон қисмати, шахс руҳий-маънавий олами мужассамлашган бўлади.

Ёзувчининг бир қатор ҳикояларида миллий характерлар талқини жуда теран, бадиий мукамал ифодасини топганини кузатиш мумкин. “Етим қолган гуллар”, “Кекса тут”, “Қуёш тутилган кун”, “Зангори кўл”, “Рўмолча”, “Чорраҳа” “Кураш” каби ҳикояларига назар ташлар эканмиз, улардаги инсон характери, руҳияти ўзига хос тарзда ифодалангани яққол кўринади.

Адибнинг “Қуёш ботмайдиган юрт” ҳикоясида ўзбек миллати, ўзбекона тафаккурга хос тасвир ва образларни кузатамиз. Ундаги Анвар ва Мирвали образлари миллий қарашлар асосидаги шахслар тимсолини ўзида мужассамлаштирган: *“Қишлоқ йигитларининг гурунги содда, тилаклари ҳам шу хилда. Ярим ой бурун даврадагиларнинг бири қўчқордай ўғил, шунчаки ўғил эмас, қўчқордай ўғил кўрган экан, бири ўша ўғлининг девдай бўлиши учун, яна бири эса яқинда уйланган йигитга бир ҳовли фарзанд кўриши учун тилак билдирди. Шу тариқа тун тугаёзганда тарқалишди”*².

Бу кичик парчада бир давра қишлоқ одамларига хос характерли хислатлар ўз ифодасини топган. Булар орасидаги Анвар шаҳарда ўсган, қишлоқ ҳаётини фақат тасаввур қилар, лекин жамланган одамларни кузатар экан, қалбида уларга нисбатан илиқлик уйғонади. Шунинг учун Анвар қишлоқ ҳаётини суратларда ифодалашга интиларди. Ана шундай бир жараёнда Бердивой билан танишади, унинг қалбидаги изтироблар катта одамларникидек аламли эканлигига ишонч ҳосил қилади. Анвар, умуман, қишлоқнинг одамлари характер хусусиятларининг эмас, оддий қишлоқ болаларининг ҳаёти ҳам ўзгача эканини янада теранроқ ҳис қилади. Бердивой билан суҳбатлашар экан, унинг ички дунёси дарду аламларни янада теранроқ англашга интилади. Болакайнинг расмини кузатар экан: *“Кейин ҳафсаласиз*

¹ Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Тошкент: Шарқ, 2007. 22-23-бетлар.

² Норқобилов Н. Зангори кўл. Ҳикоялар. – Тошкент: Юлдузча, 1987. 11-бет.

дафтар варақларига тушди. Аммо варақлаган сайин қизиқиши орта бошлади: саҳифаларда сув бўёқда дурустгина расмлар солинган эди. Мана биринчи расм: яшил ўтлоқ, ота-онасининг қўлларидан тутган болакай шодон иргшилайди, тепада қуёш; иккинчи расм: болакай қучогини кенг очганча отасига пешвоз чиқмоқда, кулиб дарвозадан она мўралайди, тепада қуёш; учинчи сурат: ота, она, болакай ҳовлида нонушта қиляпти, тепада қуёш – қуёш дарахтга боғлаб қўйилган эди! Бошқа расмлар ҳам шу хилда, мазмун битта – ота, она, болакай ва қуёш”¹. Қайд этилган тасвирдан шу нарсга аёнки, болакай қалбида ёруғ кунга ишонч ҳисси жуда кучли, унинг замирида ота ва она меҳри мужассамлашган. Чунки болакай ўйларида, агар қуёш ботмаса, онаси изтироб чекмайди, соғайиб отасининг келишини кутади. Бола қалбидаги изтиробларда отага, онага бўлган меҳрнинг чексизлиги жамлаб тасвирланади. Бола чизган расмларда ота соғинчи ва унинг қачондир меҳр истаб оилага қайтишига умид борлиги ифодаланган. Адиб илк ҳикоялариданоқ халқимизнинг оддий ҳаёт тарзи, урф-одатлари, анъаналарини бадий талқин этар экан, инсоннинг ички кечинмаларию, ботиний оламидаги зиддиятларига эътибор бериб, уни бадийлаштиришга интилади.

Таниқли адабиётшунос Умарали Норматов таъкидлаб ёзади, “Маълум бўляптики, биз бир вақтлар менсимайроқ тилга оладиган оилавий, маиший турмуш икир-чикирлари деб аталган соҳада ҳам шахснинг бисоти, ҳаёти маъносини очиш, кашф этиш имкониятлари кўп”². Асосли таъкидланганидек, ҳаётда эзгулик, инсон бахти йўлида ички ва ташқи тўғоноқлар кўплигидан ўқувчи изтироб чекади. Н.Норқобиловнинг “Кекса тут” ҳикоясида ҳам шунга яқин муаммолар қаламга олинади; маънан қашшоқ инсонлар қиёфасини чизади. Ҳикояда ҳаёт мазмунини теран англамасдан ҳаётни англамаслигидан, умрнинг ғанимат эканини тўлиқ тасаввур эта олмасдан ҳаёт кечираётган оддий одамлар қиёфалари жонлантирилади. Воқелик рамзий образга

¹ Норқобилов Н. Зангори кўл. Ҳикоялар. – Тошкент: Юлдузча, 1987. 14-бет.

² Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000.43-бет.

кўчирилиб, ҳаёт ҳақиқати баён қилинади. *“Тепки зарбидан кекса тут дарахти қаттиқ сесканди. Бу хил зарбаларга кўниккан бўлса-да, бунисига чидаши хийла оғир кечди. Кекса тут танаси ич-ичидан зириллаб кетди. Шунга қарамай, сир бермасликка тиришди. Ички ингроғини еллар тортқилаб ўйнаётган япроқлари шовури остига кўмиб, қадини зоз тутушига уринди”¹.*

Ҳикоядаги Ашур узуннинг тўнғич ўғли билан Ёвқошнинг ўртасидаги зиддият ифодаси орқали болаликнинг беғубор онларини бесамар ўтказётган ёшлар образини мужассамлаштирган. Кекса тут билан Ашур узун қиёсланади. У бир вақтлар қўшнисининг ўғли Ёвқаш изидан қувар, аммо етолмасдан, ҳориб ортда қоларди. Йиллар шамоли унга ҳам ўз ҳукмини ўтказди. Ўғли отасини излаётганлигини сезиб, суйилга суяниб аста ўрнидан кўзғалиб, Ёвқашни излаган киши бўлиб, далага разм солади. Отанинг қалбидан нелар кечаётганлигини фарзанд англамайди. Йиллар давомида бундай тала-тўпларни кўрган кекса тут, баъзан ўзи билан ўзи суҳбатлашарди. Кекса тут – рамз. У жонлантирилган ва одамлар ҳаётига аралашади. Тут зиддиятли ҳодисалар сабабини жимгина излайди; катталар орасидаги номаъқул иллат қачон болалар қалбида ниш уришга улгурганини ўйларди. Бу муаммоларга жавоб топишга улгурмасдан, кекса тут боланинг иккинчи тепкисини кўтармоққа бардоши етмасдан ғичирлаганча йиқилади. Ашур узуннинг чексиз ўй-кечинмалари ва турмушидаги турли ташвишлари негизида миллий руҳни кўрамиз. Оила тақдири билан боғлиқ талқинларда миллий колорит уфуриб туради.

Адибнинг “Тунгги меҳмон” ҳикоясида эса инсон меҳри ва нафрати меҳрга зор бўлиб вояга етган Қиличбек образи орқали берилади. Бунда инсон қадри ўзлигини англаши, у ҳам инсон эканлигини, хўрликлардан безган, қалби меҳрга зориққан ва бир оғиз ширин сўзнинг гадоси бўлган, инсон қисмати қаламга олинган. Ҳикоядаги Чаманой эса ўз ҳаётини кўрқинчли туш каби ўтказиши, аммо орадан йиллар ўтиб меҳрга ташна қалб эгасини топиши

¹ Норқобилов Н. Бўрон қўпган кун: Қисса ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2007. 197-бет.

асосли талқин этилади. Чаманой ҳам инсон, у ҳам бошқалар каби гўзал ҳаёт кечиришни жуда истайди, бироқ носоғлом муҳит бунга имкон бермайди. Аслида ҳар қандай инсон меҳр-муҳаббат билан ҳаёт кечириши, гўзаллик эса унинг турмушига маъно бағишлаши лозим. Ёзувчининг “Қабртош” ҳикоясида оилавий фожиалар, зиддиятлар, меҳрсизлик иллатлари рамзийлаштирилади. Ҳикоядаги Эралининг руҳиятидаги ўзгаришлар, характеридаги манманлик каби хислатлар орқали яқин кишилар ўртасидаги адоват, инсонийлик фазилатларининг йўқолиш сабаблари маҳорат билан тасвирланади. Эралининг маънавий қашшоқлиги, кимлигини англамаслиги, аммо унинг қалбида ҳам инсонийлик, инсонга меҳр бера олиш хислатларининг мавжудлиги ўқувчи қалбини ларзага солади. *“Ёнбағирликка сочилган қишлоққа, кенг даштга, олисдаги қирга, теварагини қамиш қоплаган хув наридаги кўлга бир-бир разм солар экан, хотирасини кавлаштириб, аجدодлари тарихини титкилай бошлайди. Бохабарлиги бобосидан нарига ўтмаслигини англаб жиндек афсусланади”*¹. Эралининг аждодлари кимлигини билиши шундай саёз ва аянчли. Ҳикоя воқелиги давомида унинг руҳий-маънавий дунёси очиб борилади. Шундай руҳий қийноқлар замирида отасини ёдга олади. Отаси кўпинча амакисини гапирар, узоқ мадрасаларнинг бирида таҳсил олганию, кейинчалик эса қишлоқ болаларини саводли қилиш мақсадида мактаблар очгани, аммо кунларнинг бирида, кечаси кимлардир келиб, кўлига кишан солиб, олиб кетганлигини эслайди. Бироқ бу қатағон даври воқелигини англаб етишга фаҳми калталиқ қилади. Амакиси бир замонларда Сибир қилингани, аммо тақдири нима бўлганини билмайди. Шу хаёллар оғушида умр ўтказарди. Йиллар давомидаги маънан изтироб чекиши ҳам бежиз эмасди. Ижодкор қалб драматизми орқали унинг руҳий-психологик портретини жонлантиради. Унинг содда, камтарин, аммо жиззаки шахс сифатидаги характер қирралари эпизодик тасвирлар давомида теранлашиб боради. Адибнинг асосий мақсади инсон қисмати орқали миллат тарихидаги фожиаларни акс эттиришдан

¹ Норқобилов Н. Бўрон қўпган кун: Қисса ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2007. 236-бет

иборатдир: *“Амакиндан сўнг бизнинг авлодда илмга қизиқувчи бўлмади. Менинг умрим чорванинг кетидан ўтди. Сен ҳам шунга ружу қўйдинг. Амаким бечора айтгандай, бу дунёдан кўр ҳолимизча ўтиб кетяпмиз”*.¹ Отаси билан хаёлан суҳбатлашиб, унинг фикрларини хаёлан жонлантирар экан, амакисини Тўрабой, Ирисбойларга ўхшаган бойлардан бўлмаганидан афсусланади. Айнан шу ўй-кечинмаларида унинг бир оз бўлса-да, ўзлигига интилиш ҳолати кузатилади. Аммо қалб қаъридаги зиддиятлардан тўғри ҳаёт йўлини танлай олмаслиги уни изтироблар исканжасида яшашга мажбур этади. Воқеалар ривожидан у шоир номи билан таниладиган Тожи билан суҳбатлашишни мақсад қилиб олади. У билан суҳбатлашар экан, унинг мантиқий фикрларига, нима демоқчи бўлганига ҳам тушунмайди. Тожи шоир бўлмаса-да, кўлидан китоб, журнал ва газета тушмайди. Тожи шоирнинг карашларида ёзувчининг асосий ғояси мужассамлашганлигини кузатиш мумкин: *“Биз бандалар шу қадар нодонмизки, қилган ишларимиз нуқул хатолардан иборат! Биз хатоларга кўмилиб-кўмилиб яшаймиз! Бу хатолар шунчалик тотлики, азобини асал янглиз қабул айлаб, тамшаниб-тамшаниб яшаймиз! Лаб-лунжингизни артиб олинг “асал юқи” қолибди”*.² Қабилидаги киноя гапларда англаган ҳақиқат мазмуни мавжуд, албатта.

Адиб ҳикояларидаги бадиий талқин замирида ҳаётининг воқеа-ҳодисалар қамрови кенгайиб бориши натижасида, конфликтнинг чуқурлашиб, шахснинг жамият ва унинг муаммоларига қизиқиши, маънавий-руҳий таҳлилга мойиллиги кучайиб борди. Тасвир жараёнидаги зиддиятларнинг ихчам иборалар билан ифода этилишидан, бадиий образ ва унинг руҳий ҳолати теран мазмун касб этиши кузатилади. Бу ҳам Н.Норқобилов ҳикояларига хос муҳим бир хусусият саналади.

Адибнинг “Даштда” ҳикояси бевосита адабий макон ва замон тасвири билан бошланади: *“Эна ер муштлаб қарғанди.*

¹ Норқобилов Н. Бўрон кўпган кун: Қисса ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2007. 237-бет

² Норқобилов Н. Бўрон кўпган кун: Қисса ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2007. 238-бет.

– Бундан кўра ўша даштда жондор еб кетса бўлмасмида сени! Ерди комгинаси тортибгина кетса бўлмасмиди! Не деган гап бу, кимга тортинг сен! Не деган одам бўлдик?! Не деб қишлоқда бош кўтариб юрамиз энди”¹. Онанинг ҳасратларида жон бор эди, фарзанди Бекмуроднинг юзи кўкарган ҳолда уйига кириб келиши ва унинг ортидан бўҳтонларнинг тарқалиши онани хароб қилади, қалбида ўз фарзандига ачиниш ҳисси билан бирга, унга нисбатан меҳр-шафқат ҳисси ҳам уйғонишига сабаб бўлади. Бекмурод онасига қаншари остидан аста қарайди, нимадир деб ҳайқиришни ҳам ўйлайди, аммо онасига бақирини лозим топмайди, барча бўҳтонларга чидаб туришга мажбур бўлади. Йўлга отланар экан, онанинг ҳасратларига бардош беролмайди ва охири қалб қаъридан “бари ёлғон”, деган ҳайқирик келади. Бекмурод онасига қандай бақирганини билмай ҳам қолади. Шунда мусичадай беозор она, фарзандига нигоҳ ташлар экан: “Нима қилай, кимга ишонай?”, – деб йиғлаб юборади. Бу тасвирларда эса онанинг меҳри, фарзандига бўлган ишончи яна қайта жонлангандек бўлади. Аммо одамларнинг фикрини хаёлан жонлатирар экан, кимга ишонишни ҳам билмайди. Кўчага қадам ташлар экан, одамлар орасида мунғайибгина турган Сувонкулга кўзи тушадию, гап нимада эканлигини пайқайди. Юқорида кузатилган ҳаётий воқеа-ҳодисалар тасвири замирида бадий образ табиатининг ўзига хос равишда шаклланишини англаш мумкин. Маконда юз берган воқеалар инсон характеридаги зиддиятларни ҳам юзага чиқаради. “Ўз замонасининг инсонлари бўлган бу қаҳрамонлар, алоҳида пайтларда замон чегараларини бузиб, келажакка қараб йўналишади, аммо бундай йўналишлар ички психологик замонга ҳамда реал тарихий замонларда ҳаракат қилишга олиб келади”². Асардаги воқеалар ривожидан англашиладики, ҳикоя жанрида ҳам маълум даражада бўлса-да, эпиклик хусусияти мавжуд. Шунинг учун муайян макон ва замонда ҳаракатланаётган инсон образи бевосита ўша муҳитга ҳамоҳанг бўлиши табиий ҳамдир.

¹ Норқобилов Н. Бўрон кўпган кун: Қисса ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарк, 2007. 244-бет.

² Шодиев Н. Горизонты эпоса. – Тошкент: Издательство литературы и искусства имени Гафура Гуляма, 1986, стр – 115.

Инсон муҳит таъсири остида ўз характери, имкониятлари доирасида ўзгаради. Мустаҳкам иродали, кучли характерли шахс ўткинчи муҳит таъсирига тўлиқ маънода бўйсунмайди. Муҳитга қаршилик кўрсатиш туйғуси уларда кучли ривожланган бўлади. Баъзи инсонлар эса муҳит таъсирига тушиб, унга бўйсундилар, ўзларига хос оригиналлик ва индивидуалликдан маҳрум бўлиб, ўз муҳити учун ўртача ҳисобланган кимсага айланадилар.

Н.Норқобилов диққати мураккаб ҳаётий воқеалар, чин инсон қалбидаги поклик, ҳалоллик, ростгўйлик каби кўпгина гўзал фазилатларни кўрсатишга қаратилади. Маълумки, ижтимоий-маиший шароит инсон характерининг шаклланишида асосий омиллардан биридир. Ҳикоя воқелиги ичида ҳаракатланадиган персонажлар ҳам бундан мустасно эмас. Адабиётшунос Ҳ.Умунов таъкидлаганидек; “Адабиётда шароит образи ижтимоий муносабатлар тасвирига оидлиги билан бирга характерни акс эттирувчи образ, айти пайтда, шароитни ҳам яққол гавдалантиради ва аксинча бўлади. Яъни характер ва шароит ҳамма вақт диалектик алоқада ривожланади. Санъаткорлар ана шу диалектикага изчил амал қилгандагина характернинг ёрқин, типик хусусиятларини ҳам, ҳаётнинг, даврнинг моҳиятини ҳам ҳаққоний ифодалай оладилар. Дарвоқе, бадиий асарнинг ғоявий ва бадиий сифати ана шу муаммонинг аниқ ҳал қилинишига, асардаги характер билан шароитнинг боғланиш даражасига ва поэтик таҳлилнинг чуқурлигига боғлиқдир”¹.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, бугунги ўзбек насрининг кўзга яққол ташланадиган яна бир белгиси яккаҳокимликка асосланган сиёсий мафкурадан ҳоли бўлиб, инсон кўнгли изҳорини, руҳий эҳтиёжини ифодалашга ўтганлиги билан изоҳланади. Миллий насрнинг қандайдир ижтимоий-сиёсий буюртмани бажариш эмас, кўнгил ҳолатлари, инсон руҳиятидаги изтиробу қувончларини тасвирлашга ўтиши жараёнига жиддийроқ эътибор қаратгани, бадиий талқинларнинг теранлашувига олиб

¹ Умунов Ҳ. Таҳлил санъати .-Тошкент: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1978, 92-бет.

келаётганлигини ҳам алоҳида қайд этиш лозим. Кейинги йилларда яратилаётган ҳикоя жанридаги асарларда ҳам бу ҳолат янада теранлашди. Аммо истиқлолгача яратилган асарларни ҳам инкор қилиш фикридан йироқмиз. Бу асарларда ҳам ёркин образлар, даврнинг мураккаб муҳитга хос қирралар ўз ифодасини топган эди. Бадиий асарда характер шаклланиши, унинг ўзига хос муҳит таъсирида ифодаланишини кўрамиз. Бадиий характер ҳақида ўзбек адабиётшунослигининг йирик билимдони, назарий олим Иззат Султон: “Асар мазмуни характер тасвири туфайли ҳаётини аниқлик касб этади ва шу билан бирга, бизнинг ҳисларимизга таъсир этиш хусусиятига эга бўлади”¹, – деб қайд этади. Характер турфа хил зиддиятлар замиридан озикланиб яратилсагина, адабиётга дахлдор бўлган бадиий асар вужудга келади.

Бу фикрларни янада ривожлантирган адабиётшунос Ҳотам Умуров шундай ёзади: “Характерлар оламини яратиш ёзувчининг ўзлигини танишга, руҳияти қатламларидаги сирларни билишга, уни тадқиқ ва таҳлил қила олишга ва ғоявий-бадиий ниятини очиқ берадиган қилиб тасвирлаш сифатига боғлиқдир”².

Нормурод Норқобилов асарларида бадиий образнинг илдизи шу замин билан чамбарчас боғлиқдир. Улар руҳиятида она заминга, оилага бўлган меҳр-муҳаббатнинг мавжудлиги яққол сезилади. Бадиий адабиётдаги анъаналар моҳият жиҳатидан ўзгариб, шаклланиб бориши билан ўша даврнинг турфа хил олами маълум даражада бўлса-да, бадиий ифодасини топади. Адиб ҳикояларида даврнинг мураккаб воқеалари силсиласи умумлаштирилишидан ташқари инсон шахси ва руҳий изтиробларини юзага чиқаришга интилади. Бадиий асарлар сўз санъатининг энг мукаммал намунасигина бўлиб қолмасдан, балки ўзи тасвирга олаётган давр ва жамиятнинг бадиий-эстетик манзараси инъикоси ҳамдир. Шу билан бир қаторда ҳикоя ҳам бошқа адабий жанрлар каби инсонга хос бўлган онг, рух,

¹ Султон И. Адабиёт назарияси. – Тошкент: Ўқитувчи, 1980. 131-132 .бетлар.

² Умуров Х. Адабиёт назарияси. – Самарқанд,: СамДУ нашри, 2001. 51-52.бетлар.

вужуд, ақл тушунчаларини бир-бири билан уйғун намоён қилган, инсоннинг шахс сифатида шаклланиши жамият билан боғлиқлигини бадиий акс эттира олган жанрлардан бири сифатида тараққий этади. Ижтимоий ҳаёт, жамият тараққиёти, шахс ички олами, инсоннинг ботиний ва зоҳирий табиатини бадиий акс эттириш ҳикояга хос тафаккур, жанрнинг ўзига хослигини намоён этувчи бадиий омил сифатида майдонга чиқади. Юқорида қайд қилинган фикрларни асослаш мақсадида адибнинг “Товатош” ҳикоясига эътибор бериш ўринлидир. Ҳикоя 80 йилларда ёзилган бўлиб, унда ҳаётнинг мураккаб қирралари, ижтимоий муҳитнинг инсон табиатига таъсири ҳаққоний ифода этилади. Бу ҳолат асар қаҳрамони Дилмурод образида ёрқин кўринади. *“Курашнинг энг жайдари усулларини ҳам ўзлаштиролмай тренердан дакки эшитаётган баъзи талабаларни кўриб, ҳафсаласи пир бўлди. “Институтга ҳам ҳар кимни олаверар экан-да?” – деди ташқарига чиқишгач, бошини сарак-сарак қилиб... Жўралари унинг гапини маъқуллашди. Жўшиб кетган Дилмурод шу йил физкультура институтига хужжат топширишни, насиб этса кураш тушишни бу мишиқиларга кўрсатиб қўйишни, хуллас, бутун орзу-умидларини бир-бир баён қила бошлади”*¹. Ҳикоядаги баёнларга назар ташлар эканмиз, Дилмуроднинг қалб кечинмалари зиддиятли даврнинг бир қирраси, адолат ва адолатсизлик, ҳақ ва ҳақсизлик тушунчалари ҳақидаги муайян хулосалар чиқариш имконини беради. Адиб талабаларнинг нўноқлигини махсус тасвирлаб ўтирмайди, аммо ҳикоя мазмун-моҳиятидан шундай хулоса чиқариш мумкин, албатта.

“Товатош” ҳикояси давр муаммоларинигина эмас, инсон тафаккуридаги эврилишларни ҳаққоний тасвирлагани билан ҳам қадрли. Инсон ва табиат бирлигининг теран талқини Дилмуроднинг қалб кечинмалари орқали берилади. Унинг орзулари бир дунё, унда ҳам дўстлари каби ўқиш-ўрганиш истаги кучли бўлиб, ўқишни, билим олишни ният қилади. Аммо қишлоққа келиб ўз ҳовлисига қадам қўяр экан, опасининг дард тўла мунгли кўзларидан ёш оқиб: *“Отагинамдан айрилиб қолдик, унижон!”*,

¹ Норқобилов Н. Зангори кўл. Ҳикоялар. – Тошкент: Юлдузча, 1987. 27-бет.

– деган сўзларини эшитиб, “бошига бехос суйил тушгандай гангиб қолади. Шу лаҳзадаёқ барча орзулари чилпарчин бўлганлигини китобхон теран англай бошлайди. Унинг қалбидаги изтироблари ўзликни англаш, ўзини тафтиш этиш томон йўналтиради. Отанинг вафотидан сўнг кўриқхона эгасиз қолгандай бўлади. Чўли ўрмончи кеча атай уни йўқлаб келгани, гап орасида эса: *“Отанг раҳматли бир қоя эди! – деди Чўли ўрмончи узоқдан гап бошлаб, – Шундай одам-а!.. Эсиз!.. демоқчиманки, бу отангнинг ўрнини босса! Тўрақул, Раҳмонбердиларга қолса дунёни сел боссин: Улар кўпроқ ўз томорқаларига қайғуришади. Қара кўриқхонага ит ҳам кираяпти, бит ҳам. Яна ўзи билади, буниям ўзига яраша калласи бор!”*¹. Бу фикрлар замирида кекса ўрмончининг унга ишончи, садоқати билан бир қаторда, ғурури, ори, мардлигини тан олиш, ота ишларининг давомчиси сифатида кўриш истаги намоён бўлади. Ўша лаҳзаларда Дилмурод бу гапларнинг мағзини ҳали англаб улгурмаган эди. Кўриқхонани айланар экан, Чўли ўрмончининг гапларида ҳақиқат мужассамлашганини англай бошлайди. Машиналарнинг бемалол кўриқхона ҳудудига кириши, барча нарсаларни пайҳон қилиши, энг ачинарлиси *“...кўзи буталар остида ўзаклаган равоч япроқлари орасида хиёл учи чиқиб турган ёгочга тушди. Япроқларни оёғи билан нари-бери суриб, олиб кетишга тайёрлаб қўйилган иккита арча ёгочини кўрди”*. Шундан сўнггина кекса чол Чўли ўрмончининг гапларида қандайдир мантиқ борлигини, отаси ишларининг давомчиси сифатида уни кўрганлиги бежиз эмаслигини маълум даражада ҳис эта бошлайди. Аммо ҳали ҳам ҳаётнинг бу қадар мураккаблигини англаб етмаган. Чўли ўрмончи унинг қалбидаги ғурурни, мардликни, энг муҳими покликни, инсон ва табиатни эъзозлай олишига ишончни кўради. Инсонни англашгина эмас, табиатни, унинг мўъжизалари олдидаги ожизлигини, аммо баъзи инсонларнинг ваҳшийлигини ҳам кузатиш мумкин. Ахир йиллар давомида қилинган меҳнатнинг жуда тез орада йўқолиши тайин эди. Шунинг учун Дилмурод Тўрақул ўрмончиникига бориб, кўрган воқеаларни айтар экан, унинг тил

¹ Норқобилов Н. Зангори кўл. Ҳикоялар. – Тошкент: Юлдузча, 1987. 33 бет.

учидагина “ҳозир бориб жазолаймиз”, дейиши, аммо кўз қири билан ортига караганда, ҳали ҳам томорқасида ишлаб ётганини кўриб қайсарлиги тутати. Кўз ўнгида отасининг “Туркираб турган арча ўрнида жудоликдан шаҳидлик берувчи кундани кўрса... боди тутган кишидек афти бужмайиб, қадди дол бўлиб” қолишининг сабабини англагандек бўлади. Арча ёғочларини олиб кетишга келган йигитларнинг жазосини бергандан сўнггина биринчи бор юракдан чиқариб кулиши, қалбининг бир четида “ота руҳи”ни шод қилганлигини ҳис этади. Қишлоққа қайтар экан, ҳовлига киргач, кўзи товатошга тушади, уни болалигида отаси сойдан елкасига кўтариб чиққанлиги, кейинчалик кўтармаганлиги, аммо қишлоқдан ҳеч ким жойидан қимирлата олмаганлигини англади: *“Отаси ўшандан кейин бу тошни ҳеч қачон кўтармагани илк бор ёдига тушди. Ва лекин умр бўйи елкасида ундан минг чандон оғир, зил-замбил юкни кўтариб келганини, эндиликда бу юк ўзининг елкасида эканини юрак-юракдан ҳис қилди”*¹. Тасвирлардан англашиладики, ҳаётдаги зиддиятлар инсон қалбига ўз таъсирини ўтказиш билан бир қаторда, унинг изтиробларини ҳам юзага чиқаради. Бу эса қаҳрамон характерининг шаклланиши учун замин тайёрлайди. Отанинг табиатидаги мардлик, ҳақгўйлик ўғли Дилмуроднинг характерида давом этади. Адибнинг инсон табиат гўзаллигининг ҳимоячиси деган назари ҳам ушбу ҳикояда ўз аксини топган. Табиийки, бадиий асарда ёзувчи характерлар тасвири орқали муайян давр воқеаларини бадиийлаштиради.

Адабиётшунос М.Маҳмудов ҳаётининг воқелик ва характер талқини ҳақида шундай ёзади: “Бир-бирига ўхшаш ҳаёт ҳодисаларидан ёзувчилар ўз ғоявий нияти, ижодий мақсадларига кўра турли сюжетлар, турли характерлар яратади, ижодкор мақсадига кўра, реал ҳаёт ҳодисалари ғоят катта ўзгаришларга учрайди”². Қайд қилинганидек, ҳаётни тасвирлашда турфа хил образлар олами, уларнинг бадиий талқинида намоён бўлди.

¹ Норқобилов Н. Зангори кўл. Ҳикоялар. – Тошкент: Юлдузча, 1987. 39-бет.

² Маҳмудов М. Талант ва ижод фалсафаси, – Тошкент: Фафур Фулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1976. 164-бет.

Ёзувчи табиат манзарасини талқин этар экан, инсонни табиат билан узвий бирликда, қалб изтиробларини тасвирлайди. Яъни табиат ва инсон ўзаро муносабати бир бутунликда реал моҳият касб этишига урғу берилади. “Камалак” ҳикоясидаги ҳали ўзини англаб улгурмаган, англаса-да кўп нарсаларнинг фарқига бора олмайдиган Нурбек характери бадиий ғоянинг теранлашувига хизмат қилади. Буни қуйидаги тасвирда ҳам кўрамиз: *“Бог болакай учун шунчаки бог эмас, ажойиботлар олами. Богда уни ҳайратга солувчи нарсалар тўлиб-тошиб ётибди. Мана кечаги гунча бугун шапалоқдай бўлиб очилибди. Пушти ранг. У онаси каби гулнинг бандидан авайлаб тутиб, ҳидлаб-ҳидлаб кўрмоқчи бўлади. Аммо гулга аллақачон эга чиққан, гулкосада гимираб турган ари чўчиб ҳавога кўтарилади. Бувисидан, ари гулнинг шарбатини ичади, деб эшитган эмасми, гулнинг шарбати қанақа бўларкин, деган қизиқишда гулни синчиклаб кўздан кечиради”*¹. Адибнинг мазкур асарида воқеалар образ ва характерларга ўзаро узвий боғланиб, Нурбек образини шакллантиради. Ҳаётгий воқеалар ва характерларнинг ўзаро узвий боғланиши ҳикоянинг сюжет ва композициясини мукамаллик даражасига кўтаради.

Адиб асарларидаги ўзига хос тасвирлар қаҳрамон характер ва руҳиятини ёритишга хизмат қилади. Нурбек боғдаги ҳар бир нарсага эътибор қаратади, улар билан ғойибона гаплашади, мулоҳаза юритади. Болакайнинг назарида дунёда нима яхши-ю, нима ёмонлигини у ҳис этадигандек таассуротни уйғотади. *“Бирор ножўя қилиқ қилса, бувиси доим: Унақа қилма, болам, ёмон бўлади”* дерди. Нурбекнинг назарида бу гапларнинг замирида жуда катта маъно яширинган эди. Бувисининг бевақт оламдан ўтиши бола қалбини ларзага солади. *Ана шунинг учун ҳам богчага кўника олмас, бувиси бўлганда у билан суҳбатлашиб зерикмаслигини дил-дилидан теранроқ ҳис этди. Эртаси богчага бормайман, деб тўполон қилди. Тўртинчи куни эса. Албатта, у кетишни хаёлига келтирмаганди, ҳаммаси кутилмаганда юз берди. Ўша куни тушдан сўнг ҳовли айланиб юриб, девор тирқишидан ташқарига – нотаниш*

¹ Ўзбек ҳикоялари антологияси (Танланган ҳикоялар тўплами). – Тошкент: Шарк, 1997. 263-б.

оламга кўзи тушиб қолди: сал наридан кўм-кўк сой оқиб ўтарди. Икки чети ям-яшил чимзор. Тўғрида ёғоч кўприк, кўприк пастиди баданлари офтобда қорая бошлаган болалар чўмилишарди”¹. Бу тасвирлардан кўринадики, бола руҳиятига, унинг характерининг шаклланишига ана шу воқеалар силсиласи сабаб бўлади. Оламнинг кенглигини илк марта ҳис этиши Нурбек қалбида ўзгача ҳис-туйғулар, қарашлар ва мулоҳазалар шаклланишига замин ҳозирлайди. Борлиқ ҳақидаги қарашлари шаклланар экан, болаларга хос руҳий изтироблар унинг оламга қарашини яхлит ҳолга келтиради. Аслида, бола ҳаётда кадрдон бувисидан узоқлашган эмас, қишлоқдан нарига чикқан ҳам эмас эди. Шунинг учун Нурбек нотаниш ва сирли оламга маҳлиё бўлиб қарайди, олам ва одамни англашга уринади. Боғчадаги сиқик муҳитдан жуда тез бега бошлайди, бувисининг қиёфаси кўз ўнгида жонланади. Адиб ҳикояларида образ яратиш жараёнида инсоннинг ўзига хос характер хусусиятларини талқин этиш билан бир қаторда, ўша даврнинг воқеаларини ҳам ёритиб беришга диққат қаратади. “Бадий адабиётнинг марказий муаммоси – характер яратиш, адабиётга янги одам образини олиб кириш. Ёзувчи қўтарган масаланинг жиддийлиги, позициянинг аниқлиги, асарнинг замонавийлиги оқибат-натигада авторнинг характер яратишдаги санъаткорлигига боғлиқ. Асарда тўлақонли шахс, ҳаяжонли хатти-ҳаракат, қизиқарли инсоний тақдир бор экан, демак, унда жиддий гап бор. Реалистик характер ўзининг табиийлиги, ишонтириш кучи билангина тирик. Характерга улкан маъно сингдириш билан баробар унга жон ато этиш ҳам ниҳоятда муҳим”².

Ёзувчи бадий образни индивидуал хусусиятлари билан кўрсатиш орқали конкретлаштиради, образга жонлилик, ҳаёттилик, табиийлик бахш этади, эмоционалликка эришади – ўқувчи ҳиссиётига таъсир қилади, уни ишонтиради. Инсонни давр ва муҳит вояга этказади, шакллантиради ва маълум маънода тарбиялайди, шунинг учун муҳит инсон характерининг

¹ Ўзбек ҳикоялари антологияси (Танланган ҳикоялар тўплами).– Тошкент: Шарк, 1997.–263-бет.

² Норматов У. Насримиз анъаналари. Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти: – Тошкент, 1978. 130-бет.

шаклланишига сезиларли таъсирини ўтказди. Бугунги миллий адабиёт, хусусан, насрдаги эврилишларни теран англаш ва зарур ўринларда дунёга танилган асарлари билан қиёсан таҳлил қилиш лозим.

Шу жиҳатдан буюк истеъдод соҳиби Чингиз Айтматовнинг “Оқ кема” асаридаги бола образига назар ташлаш фойдали бўлади. *“Оқ кема” асарининг қаҳрамони ҳам дунёнинг ишлари мураккаблигидан лол қолади, шунинг учун болаларга хос соддалик билан ҳаётнинг мураккаблигига, одамларнинг турфа хиллигига ўзича жавоб излаши ҳам бежиз эмас эди: “Одамлар нега шундай яшайди? Нега бировлар қаҳр-газабли, бировлар мўмин-мулойим! Нега бахтли-бахтсизлар бор? Нега шундайлар борки, улардан ҳамма чўчийди, яна шундайлар борки, улардан ҳеч ким ҳайиқмайди”*¹. Истеъдодли адиб Чингиз Айтматов асарларида бола образининг ўзига хос ва бетакрор талқинлари мавжуд. Адиб бола психологиясини жуда яхши англайди, унинг дарду аламларига ҳаётнинг энг мураккаб томонларини ҳам сингдириб юборганлиги кузатилади.

Адабиётшунос Асил Рашидов алоҳида қайд қилиб ўтганидек: “Асарда ифодаланган фалсафий муаммолар – эртак ва ҳаёт, инсон ва табиат, мозий ва замона, гўзаллик ва бадбинлик, эзгулик ва ёвузлик, хокисорлик ва шафқатсизлик, меҳнатсеварлик ва текинхўрлик, инсонпарварлик ва ваҳшийлик, ёзувчи ва воқелик – буларнинг ҳаммаси адибнинг ўткир қалами орқали замондошларимизнинг эстетик ва ахлоқий идеаллари нури-ла мунаввар этилган бўлиб, китобхонни қаттиқ ҳаяжонга солади”². Қайд қилинганидек, адиб асаридан маънавий - ботиний оламнинг талқини, инсон концепциясини юзага чиқаради.

Чингиз Айтматов, Нормурод Норқобилов асарларида бола образига монанд ҳаётий зиддиятларни бадиий талқин этар экан, болаларнинг ўта нозик қалб кечинмалари билан ўртоқлашади. Натижада бола руҳий психологик

¹ Айтматов Ч. Танланган асарлар. 1-том. – Тошкент, 1988. 291-бет.

² Рашидов А. Чингиз Айтматов олами. – Т., Ўқитувчи, 2011. 148-бет.

таъсир кайфиятини кўрсатади. Боланинг покиза туйғуларига салбий таъсир этиш ҳолатлари ифода этилади.

Адабий қаҳрамонларни ҳаётдаги у ёки бу воқеага аралашмаган ҳолда тасаввур қилишнинг имкони мавжуд эмас, воқеа-ҳодисалар персонажлар учун ўзига хос “ҳаракат майдони” ҳисобланади, юз бераётган нарсага нисбатан ҳиссий ва ақлий жавоблари, ўзини тутишлари ва қилиқлари орқали китобхонлар олдида уларнинг тўлақонли образи намоён бўлади. Асардаги воқеалар ривожини турли одамлар табиатини намоён қилиш билан бирга, бола руҳияти беғуборлик тасвири биринчи ўринга чиқади. Ҳар икки асарда муаллифлар бола руҳиятидаги ўзгаришлар сабабини излашади. Муҳит таъсири эса образлар руҳиятида ўз ифодасини топиши аниқ. Одатда, бадий адабиётдаги образлар баъзан маълум бир ижодкор ҳаёлотини фантазияси ўлароқ туғилади. Уни тўлақонли шакллантириш ва мураккаб ҳаётини воқеалар мазмунига сингдириш учун ижодкор оламни, борлиқни теранроқ ҳис эта олиши зарур. Ҳаётини воқелик бадий асар сюжети учун асос бўлади. Сюжетнинг бадий асардаги функциялари ҳақида сўз кетганда, аввало, унинг асар муаммосини бадий тадқиқ этишга имкон берадиган ҳаёт воқелигининг ижодкор томонидан синтезлаши муҳим саналади. Натижада бадий мукамал образлар галереяси майдонга келади. Демак, сюжет ҳикояда мавзунини атрофлича шакллантиришга хизмат қилади. Ижодий ният ижроси мазмунга, муаллифнинг поэтик тафаккурига боғлиқ ҳолда ўз ифодасини топиб боради.

Шу нарса аниқки, “шахснинг ички дунёси унинг фаолияти билан айнан бир нарса эмас ва унинг фаолияти билан тугамайди. Шахсни яхлит тушунишда унинг фаолияти (хатти-ҳаракати)гина эмас (гарчи шахс ўзини нисбатан фаолиятда равшан кўрсатса-да), шу билан бирга психика таҳлилида аниқланадиган амалга ошмаган хатти-ҳаракатлар ва бажарилмаган ишлар доираси ҳам муҳимдир”¹. Бу тушунчалар замирида шахс характери

¹ Иезуитов А. Проблема психологизма в эстетике и литературе. В кн.: Проблема психологизма в советской литературе. – Л.: Наука, 1970. С.56.

шакллантирилса, турфа хил ҳаёт воқелигига муносабат билдирувчи ҳолатлар, бадий конфликт учун асос бўлади. Юқорида қайд қилинган, таҳлил этилаётган ҳикоялар сюжетиға қайта назар ташласак, турли конфликтни кўрамиз.

“Конфликт, – деб ёзади адабиётшунос Дилмурод Қуронов, – бадий асар персонажларининг ўзаро курашлари, қаҳрамоннинг ўз муҳити билан зиддиятлари, шунингдек, унинг руҳиятида кечувчи қарама-қаршиликлар тушунилади”.¹ Ҳақиқатдан ҳам, бадий асар қаҳрамонларининг турфа хил характер қирралари воқеалар ривожини замирида ёритилади. Ёзувчи Нормурод Норқобиловнинг “Камалак” ҳикоясида ҳам воқеалар ривожини натижасида Нурбекнинг руҳий дунёси, характери ёритилади. Биргина бувисининг вафотидан кейинги руҳий изтироблари унинг шахс сифатидаги фаолиятини шакллантирса, қишлоқдан четга чиқмаган йигитдаги ўзгаришлар унинг характерини шакллантиради: *“Болакай чувур-чувур ичида гангиб, ўзини йўқотиб қўйди. Балиқ қўлма-қўл ўтиб, кимдир уни сойға улоқтирди. Болалар бир зумда ундан узоқлашдилар. У эса “Балиқча тирилди!” деганча яна чопқиллаб кетди”*². Нурбек ўша куни кеч кирганда уйига кириб боради, онаси уни кучиб, бағрига босиб аччиқ-аччиқ йиғлайди, аммо бола қалбидаги ўзгаришларни ҳали англаб улгурмаган эди. Кунлар бир-бирини қувиб, шошиб ўтиб борарди. Бола қалбида эса олам – олам ўзгаришлар, зиддиятлар намоён бўларди. У девор остидан яна ташқарига ўрмалади. Олам унинг кўзига бутунлай ўзгача кўринади: *“...кеча тип-тиниқ оққан сой, бугун пўртана бўлиб пишқиради... ўткинчи булут юзини тўсган қуёш яна чирой очди. У бирдан анқайиб қолди ва бир нафасдан сўнг энтикиб шивирлади: “Э, у нимаиди?!” Нурбек камалакни илк марта кўриши эди, унга қараб қадам ташлар экан, ортидан кимдир чақирди. Шу лаҳзада “Оҳ, қанийди, шу богча опаси бувижонисига айлана қолса, уни камалак сари етакласа”*³. – деган армонли орзулар оғушида қолади. Камалакка эътибор берар экан, бутун

¹ Қуронов Д. Адабиёт назарияси асослари. – Тошкент: Навоий университети, 2018.176-б.

² Ўзбек ҳикоялари антологияси (Танланган ҳикоялар тўплами).– Тошкент: Шарқ, 1997. 267-б.

³ Ўзбек ҳикоялари антологияси (Танланган ҳикоялар тўплами).– Тошкент: Шарқ, 1997. – 268-б.

борлиғини унутади, олис хотиралар гирдобига шўнғийди. Бувисини хаёлан кўз ўнгида жонлантиради. Тақдири азалнинг шафқатсизлигидан аччиқ-аччиқ йиғлагиси, бақириб дарду аламларини унутгиси келади. Бувисига бўлган меҳр бола қалбини ром этади. Тасодифий ўлим Нурбекнинг маънан изтироб чекишига сабаб бўлади. Асардаги воқеалар ривожидан кўринадики, бола характери, руҳий олами жуда теран талқин этилади. Бу эса болаларга бефарқ бўлмасликни, уларнинг ҳам ўз олами ва дарди, қалб тебранишида ғаройиб зиддиятлар мавжудлигини англатади.

Нормурод Норқобиловнинг “Айрилиқ қувончи” ҳикоясидаги бола образида мужассамлашган характер ва руҳият бирлигининг жозибадорлиги, мавзунинг кўламдорлиги билан алоҳида фарқланиб туради. Ҳикоя таркибидаги Норбой чолнинг овунчоғи, маслакдоши бўлган набираси, бобосини англаб турар, унинг қалб кечинмаларини тўғри ҳис этар, аммо оилавий муҳитдаги катталар буни англашни истамайди. Болакай худди оламни теран англагандай, момосининг вафотидан сўнг, чолнинг ёлғизланиб қолишига, ич-ичидан ачинади. Бобонинг ўғли Мусо отасини шаҳарга олиб кетмоқчи бўлганда, отанинг кетишига розилик бермаслиги, кенгликлар, тепаликлар, қирларни унута олмаслигини, унга тушунтира олмас эдию, шунинг учун қатъий рад жавобини беради. Ёзувчи маҳорати шундаки, инсоннинг маънавий оламидаги таназзулни оддий қишлоқ одамлари ҳаёти орқали талқин этади. Аслида бу таназзул яқинлар ўртасидаги меҳр-муҳаббатнинг йўқолишига сабаб бўлиши ва қайта боғланиши асардаги воқеалар силсиласи асосида ёритиб берилади.

Адабиётшунос Қозоқбой Йўлдошев қайд қилиб ўтганидек: “Бугунги ўзбек адабиётида миллат аҳлининг кўнгли, сезимлари ва руҳиятини тасвирлашга эътибор қаратилиши натижасида инсон асосий бадиий қадриятга айланди. Мустақиллик даври ўзбек адабиёти чинакамига хилма-хил адабиёт бўлди. Унда синаб кўриш, очилмаган йўллардан юриш, ҳатто, хато қилиш имконияти бор. Бу адабиётга қандай ёзиш кераклиги тўғрисида

кўрсатма берилмайди”¹. Ҳақли равишда таъкидланганидек, инсонни борлиғича тасвирлаш, унга ишчи кучи сифатида эмас, инсон қандай бўлишидан қатъи назар, унинг руҳий оламидаги эврилишларни талқин этиш ҳолати етакчилик қилади. Балким, шунинг учун ҳам, хилма-хил, ранг-баранг бадий асарларнинг вужудга келиши, инсонни теранроқ англашга бўлган эҳтиёж натижасида вужудга келаётганлигини ҳам алоҳида қайд этиш жоиздир.

Нормурод Норқобилов асарларидан ўрин олган маънавий таназзул талқини ҳам шахс руҳиятидаги изтироблар билан уйғун тасвирланади. Асарда Норбой чол ўз ҳаёти билан эмас, балки бевақт вафот этган хотинининг борлиғи, ўй-хаёллари билан яшай бошлайди: *“Чол эса энди уни унутган, тошлар оралаб оқаятган сувга хаёлан термулиб қолган, гўё уларнинг ўткинчилигини, оқар сувдай тезоблигини энди фаҳмлаб етгандай, маҳзун хаёлга ботган бўлади. У ака-укалар жиққалашган кезлари ҳам мана шу тарзда хаёлга чўмади. Лаблари четида эса эрмакловчи бир табассум қанот қоқай-қоқай деб туради. Бироқ бу табассумни боладан ўзга ҳеч ким пайқамайди”*². Бобонинг қалбидаги изтироблар замирида, ҳаётнинг ўткинчи эканлигини, аммо бу ҳолни барча ҳам бирдай англамаслиги бўй кўрсатади.

Ҳаётнинг аччиқ зарбаларини ўз бошидан ўтказган Норбой чол кейинги дамларда хаёлпараст, одамови бўлиб қолишига ҳам асосий сабаб, ўзини ортиқчалик қилаётганлигини англаши билан изоҳлаш мумкин. Фарзандлар ўртасидаги чол учун бўлган курашлар, низолар чолнинг дилини вайрон қилади. Чолнинг невараси руҳиятида юз берган ҳолат асосида унинг атрофдаги инсонлар ҳақида ўқувчида хулосалар чиқариши мумкин. Бола қалбидаги изтиробларни Норбой чол жуда тез илғайди, айти дамда, чолдаги қалб кечинмаларини невараси ҳам теранроқ англашга, ҳис этишга интилади. Катталар англашни истамаган ҳақиқатни болакай англаши бежиз эмас, албатта: *“- Жаҳолат! Оҳ-оҳ, қанчалар жаҳолат!?! Бола бу сўзнинг нелигини*

¹ Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. Адабий ўйлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. 192-б.

² XX аср ўзбек ҳикояси антологияси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2009. – 399-б.

англамаса-да, туси ва совуқлигини бутун вужуди билан ҳис этади. Назарида, сўзга жамланган ҳарфлар тоғасининг кўкка ёйилган бармоқлари орасидан ситилиб, сочилиб, қишлоқ узра маҳобатли қорамтир қоя янглиг қад ростлагандек туюлади”¹. Инсон ўзи англамаган ҳолда жаҳолат ботқоғига ботиб боришини китобхон Нурбек руҳиятидаги кечинмалар орқали англай бошлайди. Чол қалбида кечаётган кечинмаларни эса шаҳарда яшаётган Мусо ўғли жуда яхши англаб туради. Оила ва унинг яқинлари бобонинг қалбига йўл топа олганда эди, у қайтадан бахтли инсонлардан бирига айланган бўлар эди. Мусо отасидан тез-тез хабар олар, унга далда бўлишга интиларди. Аммо оиладаги зиддиятлар бунга имкон бермас, чолнинг қалби билан ҳисоблашмас эди. Ёзувчи ҳаётининг аччиқ ва мураккаб томонлари ўзликни англашга хизмат қилади. Йиллар шамоли каби ўтаётган умрнинг оний лаҳзаларини англашга ожизлик қилаётган шафқатсиз фарзандлар борлиги ҳам инкор этиб бўлмайдиган ҳақиқат. Фарзандларнинг қарашлари турфа хил бўлиб, отанинг қалби билан ҳисоблашмайди. Норбой чолдаги ўзгаришларни англашга интилаётган болакай образида инсонийлик мужассамлашган бўлса, чолнинг кўёви Ёмонкулда эса нафрат, ғайриинсоний хислатлар уйғона бошлаганини ўқувчи теран англайди. Асардан келиб чиқадиган асосий хулоса шуки, инсонга бўлган муҳаббатни тўғри англаш ва ҳис этиш лозим. Тақдири азал ҳукмидан қутилишни эмас, олам ва одам табиатини, инсонни теранроқ англаш оқибатида инсонлар саодатга эришади.

Дарҳақиқат, инсон руҳияти жуда кенг олам бўлиб, ундаги ҳиссиёт ва туйғулар ҳам англаб бўлмас даражада чексиздир. Бу туйғу инсоннинг жамиятга, одамларга, атроф-муҳитга муносабати ва булар ҳақидаги маълум тушунчага эга бўлган қарашларни ифода этади.

Жумладан, “Оқ кемадаги” бола, “Камалак”даги Нурбек, “Товатош”даги Дилмурод образларида ўзига хос инсоний фазилатлар талқини етакчилик қилади. Уларнинг ҳаётга, борлиққа муносабати орқали, инсон тафаккуридаги эврилишларни, зиддиятларни, унинг юзага чиқиш сабабларини англашга

¹ XX аср ўзбек ҳикояси антологияси. – Тошкент: Ўзбекистон Миллий энциклопедияси, 2009. 399-б.

интилиш жараёнида ҳаётни акс эттириш ифодаси етакчилик қилади. Дилмурод қалбидаги изтиробларнинг юзага чиқиши, ботиний оламидаги зиддиятлар, ўқиш истагидан воз кечишга мажбур бўлиши унинг қалб диалектикасини очиб беришга хизмат қилса, Нурбек момосининг вафотидан кейинги қалб кечинмалари ва туйғулари унинг орзу-умидларидаги зиддиятларда намоён бўлади. Нурбекда болаларга хос тафаккур дунёси етакчилик қилиши кузатилса, Дилмурод образида эса улғайиб бораётган инсонга хос характер хусусиятлари ўз ифодасини топган. Хуллас, Нормурод Норқобилов ўз ҳикояларидаги одамлар образини яратишда руҳий-психологик тасвир, индивидуаллаштириш усулларини қўллаши асар муваффақиятини таъминловчи ва ёзувчи маҳоратидан дарак берувчи муҳим поэтик омиллардан бири экани аён бўлади.

1.2. Адиб асарларида бош қахрамоннинг индивидуал табиати талқини

Мустақиллик даври насрига сезиларли ҳисса қўшиб келаётган истеъдодли адиблардан бири Нормурод Норқобиловдир. Ёзувчининг ўзига хос бадий ифода тарзи жаҳон адабиётининг илғор анъаналарини ўзлаштириши ва миллий адабиёт тажрибаларини давом эттириши натижасида поэтик усуллар синтези ўлароқ юзага чиқади. Ёзувчи ўз ижодида ифоданинг қабариклиги, тасвирнинг теранлиги, мазмун ва руҳий ҳолат манзараларининг ранг-баранглиги билан инсонни бадий тадқиқ этишга тинимсиз ҳаракат қилинмоқда. “Шу нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, инсон бадий асарда барча қирралари билан бирдек намоён бўлиши лозим. Зеро, инсон ўз яшаш тарзи ва мавжудлигига кўра, ҳам табиат, ҳам жамият билан мустаҳкам алоқада, айти пайтда, энг аввало, шахс сифатида ўзига хослиги, руҳияти, қалб кечинмалари, орзу-умидлари билан бошқалардан фарқ қилувчи индивид сифатида ўзлигини намоён қиладиган хилқатдир. Демак, бадий асарда кўтарилган барча глобал муаммолар бадий асарда

кўпроқ... намоён бўлаётгандек кўринади”¹. Таъкидланганидек, инсоннинг бутун оламини бадиий талқин этиш жараёнида, унинг англаб бўлмас мураккаб хилқат экани кўзга ташланади. Шу жиҳатдан қаралса, Нормурод Норқобилонинг ҳар бир асарида ўзига хос тарзда инсон қисмати, руҳий-психологик кечинмаларининг ифодаси мавжудлигини кузатиш мумкин.

Кейинги йилларда замонавий ўзбек адабиёти турфа хил оҳангларга йўғрилган бўлиб, ҳаёт воқелигини ва инсон изтиробларини ўзига хос тарзда талқин этишмоқда. Бу эса бадиий-эстетик тафаккур тарзининг моҳиятан ўзгариб бораётганлигидан далолат беради. Адиблар ижодида тасвир услубдан фойдаланиш билан бир қаторда, ноанъанавий бадиий талқин ҳам етакчилик қила бошлади. Бадиий адабиётдаги бундай ўзгаришларни барча адабий жанрлар таркибида кузатишимиз мумкин.

Ўзининг бир қатор ҳикоя ва қиссалари билан ўқувчилар қалбидан мустаҳкам ўрин олган адиб асарларида инсоннинг қалб қаъридаги изтироблари, инсонийлик, унинг турли хил кўринишлари, руҳий зиддиятлар жуда теран талқин этилган. Кейинги йиллар адабиётида шакл ва мазмун қамрови, маъно-моҳияти билан бадиий тафаккур оламида турли хил мавзудаги асарлар бўй кўрсата бошлади. Айниқса, янгиланаётган бадиий тафаккурга сезиларли ҳиссасини қўшиб келаётган Нормурод Норқобилон насрида бунинг ёрқин ифодаси кузатилади.

Адабиётшунос олим Умрзоқ Ўлжабоев қайд қилганидек: “Бу асарларни ўқишдан қоладиган таассурот шундай: аввало, муаллифларнинг ҳаётни, одамларни билиш малакаси ҳам, тажрибаси ҳам ниҳоятда ошган; тасвир объектининг ички қатламларига кириб бориш маҳорати ғоят мукаммаллашган; ҳар бир ижодкорга хос бўлган услубий хусусиятлар янада қатъийлашган”².

Ҳақиқатдан ҳам, 70-80 йиллар адабиётига кириб келган бир қатор ижодкорлар каби Нормурод Норқобилон асарларидаги рангин тасвирларда

¹ Глобаллашув: бадиий талқин, замон ва қаҳрамон. Монография. – Тошкент: “Фан”, 2018. 26-27-бетлар.

² Ўлжабоев У. Ҳикоячиликда давр нафаси. – Тошкент: Турон замин зиё, 2016. 250-бет.

хам ана шу ҳолатни кузатиш мумкин. Бу давр ижодкорлари яратган асарлар ўзбек насрини хилма-хил талқини асосида ҳаётни, инсонни, борлиқни теранроқ англашга эътибор кучайди. Шундай экан, бугунги адабиётимиз қиёфасини жиддий тадқиқ этишга бўлган саъй-ҳаракатлар натижасида нафақат маънавий-ахлоқий масалаларни таҳлил қилиш, балки адиб яратаётган бир-бирдан фарқ қилувчи характерлар, аниқроғи, замондошларимиз онг ва қалбида кечаётган зиддиятлар, орзу-армонларининг бадиий талқинда ўз ифодасини топаётганлигига эътибор қаратиш муҳим саналади. Бадиий адабиётдаги бундай ифода жилolari ўзбек ҳикоячили ва қиссачилиги тараққиётида ҳам кўзга ташланмоқда. Худди мана шу жиҳатларни таҳлил этиш, бадиий адабиёт тараққиётидаги поэтик хусусиятларни ёзувчи асарлари таҳлили орқали унинг бадиий маҳорати қирраларини кўрсатиш жуда ҳам долзарб, албатта. Болалик инсоннинг борлигини намоён этувчи бир даврдир. Бу даврда ҳамма нарсани билишга бўлган қизиқиш инсонни турфа кўчалардан олиб ўтади. Охир-оқибат тафаккур тарзига эга бўлган инсон болаликнинг ёрқин хотираларинигина эслаш, ундан хулосалар чиқариш имконига эга бўлади.

Худди шу ўринда истеъдодли адиб Шукур Холмирзаевнинг “Банди бургут” ҳикоясини ҳам алоҳида қайд қилиб ўтиш жоиздир. Асарда инсон ва нобобот оламининг узвий бирлиги билан бир қаторда, озодлик ва эркинлик тафаккур кишиларигагина эмас, балки турфа хил табиат мавжудодларига ҳам хос эканлигини, бу эса инсонни олам ва одамга теранроқ назар солиш имконини беради. Болаларга хос характер қирралари жуда гўзал талқин ифодасини топган. “- Барибир бу ўлади, ўғлим, - деди раис бобо. – Ўлмайди! – деди Йўлдош йиғламсираб. – Шунчаки эркинликни, учишни соғинган”.¹ Шукур Холмирзаев асарларида ҳам инсонни англашга бўлган турфа хил талқинлар юксак даражада ифодасини топган. Бу ўринда биз инсон ва олам бирлигининг ўзига хос қонуниятлари мавжудлигини таъкидламоқчимиз. Ана

¹ Холмирзаев Ш. Сайланма. III жилдлик. 3-жилд: Ҳикоялар. – Тошкент, “Шарқ”, 2006. 19-бет.

шу анъаналардан Нормурод Норқобилов ҳам озикланганлигини, талқин хусусиятларида намоён бўлишини кузатиш мумкин.

Нормурод Норқобиловнинг Олам ва одамга теранроқ назар солиш имконини берадиган ва унинг замирида инсон фожиаси мавжудлигини англашга интилди. “Етим қолган гуллар” ҳикоясида қаламга олинган ҳаётнинг аччиқ воқеалари инсон руҳиятига монанд ҳолда талқин этилади. *“Қайноқ гармсел ҳар қутурганда, шаҳарча қуюқ тўзон ичида қолади. У бийдек даштнинг қоқ киндигида буй ростлаган бу шаҳарчани ер юзидан супуриб ташламоққа аҳд қилгандек, тўлганиб, юлқиниб, қуюн уюриб эсади... Гармсел азалдан яшил рангни ёмон кўради. Дашт сан-сарик. Шаҳарча ҳам шу тусда. Дарахтлар эса яшил доғдек жуда хунук кўринади кўзига”*¹. Н.Норқобилов ёзганларига назар ташласак, табиат талқини ёки пейзаж тасвири билан бошланиб, инсон қалбига ҳамоҳанглик касб этади. Яшил ранг инсон руҳиятига меҳр таратади, худди баҳор фасли инсон ҳаётини янгидан кашф этишга чоғлангандек, характер руҳиятига боғланади. Адабиётшунос Дамин Тўраев ёзади: “Жаҳон классик адабиёти тарихидан маълумки, ижодкор асарида тасвирланган бадиий ғоя муайян замон ва маконда яшаган, яшаётган инсонларнинг тақдирлари воситасида, воқеада кўринадиган характерлари орқали жамиятга эстетик таъсир кўрсатади. Баъзи асарларда воқеа, баъзиларида қаҳрамон характери, баъзиларида ижтимоий масала, муаммонинг ўзи асар сюжети ҳаракатлантиради”².

Ҳақиқатдан ҳам, қаҳрамон руҳияти воқеликка китобхон диққатини қаратишга, шамолдаги эсишни ўткинчи, худди инсон умри каби эканлигини англаш мумкин. “Етим қолган гуллар” ҳикоясида тасвирланганидек, гармсел кутиришда давом этар, айниқса, атиргуллар билан қасдлашгандек, басмабасига у ёқдан бу ёққа тебратарди. Ана шундай талқинлар давомида, оламга, борлиққа назар солиб турган жувоннинг нигоҳи атиргуллар орасидаги чиқиндига тушади ва бундан даҳшатга тушади. Жувоннинг аламли

¹ Норқобилов Н. Бўрон қўпган кун: Қисса ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарк, 2007. 192-бет.

² Тўраев Д. Маънавий олам талқинлари. – Тошкент: Академнашр, 2020. 67-бет.

кўзларидан ўт чақнаб кетгандек бўлдию, аммо бу дардни кимга айтишни билмай, ўнлаб уйлардан биридан айбдорни топмоқчидек атрофга яна назар ташлайди. Жувон буни атай тўккан, деган хаёлга борарди. Бу ўринда, ижодкор лоқайдлик ботқоғига ботиб бораётган, гўзаллик ва ёруғликни ҳис қила олмайдиган кимса қисматига шахс қисматини, унинг дунёқарашидаги инсоний тушунчанинг мажруҳ ҳолга келиб қолганига эътибор қаратади. Асарга назар солсак, гармсел ва жувон образи алоҳида эътиборга лойиқ. Аммо шу кичик бадиий талқинда адиб тубанлик сари чўкаётган баъзи инсонлар образини умумлаштиради. Жувоннинг атиргулларга меҳрини, ҳатто гармселга бардош бераётганлигини, онгли тафаккурли инсон эса буни англашга, ҳис этишга ожизлиги қайд этилади. *“Шу пайт ахлат тўла челақ кўтарган бир йигитча пайдо бўлди. У эринчоқ ҳаракат-ла эшикдан берида тўхтаркан... У наридаги тўкиндихонага ўшишайибгина қараб қўйди-да, сўнг челагини кўтарганча, гуллар томон зипиллади”*¹. Бу ўринларда тасвирга олинган кимса ички дунёсини ёритишга хизмат қилувчи талқинлар замирида жуда катта маъно борлигини кўриш мумкин. Шунингдек, оз бўлса-да, англаш ва ҳис этишдан қиёфаси маҳрум кимсалар қисмати ҳам кўз ўнгимизда жонланади. Баъзи одамларнинг ўз умрининг баҳорини ҳам англамаслиги, бу эса бир кун келиб қалб зулматига маҳкум бўлишини англашимиз зарурдек. Бундай характердаги инсонларнинг ўз ақли билимидан эмас, нопоклигидан муаттар ҳид таратишга уринаётган рамзий маънодаги гулларгина эмас, бир кун келиб жамият ва табиат ҳам зарар кўришини теранроқ ҳис этишга чорлайди.

Адибнинг “Кураш” ҳикояси энг муҳим ўзбекона миллийлигимиз рамзларидан бири бўлган кураш ҳақида. Қадимда ўзбек тўйларимиз повлонлар йиғинисиз ўтмаган. Ана шундай йиғинларда тўй эгаси атаганини ўртага ташлайди. Сўнг полвонлар ўртага тушиб беллашади. Қисса воқелигига кўра Обрў талаб Бойғозихоннинг тўйи дабдаба билан ўтган бўлса-да, тўйнинг овозини эртаси билан тарқалган шов-шув ўз ортида

¹ Норқобилов Н. Бўрон қўпган кун. Қисса ва ҳикоялар. –Тошкент: Шарқ, 2007. 197бет.

колдирди. Барча тўйнинг довриғини унутишиб, Ҳамида момо ахволи ҳақида ғийбатлашадилар: Ҳол сўраб эшик қоққанлар эса бу гап сўзларнинг мутлақо тескарисига гувоҳ бўлишади. Табиатан феъли бир мунча тор, тўғри сўз, қатъиятли, Тўра полвон деб ном қозонган полвоннинг қизи Ҳамида момо образи, асарида ҳалоллик, тўғрилиқ тимсолидир гўё – “От изини той босар” деган нақл бор халқимизда. Тўра полвоннинг ўғли бўлмаса-да, бир ўғилга тенг келгулик виждонли, орийатли, курашнинг бор сир синоатини биладиган ва унга қатъий амал қиладиган, полвонман деган йигитларнинг бир нечасини курагини ерга теккизган, кураш деган томирларидаги қони жўш урадиган алпликани севувчи қизи бор эди. Зотан кураш аёллар учун у қадар муносиб бўлмаса-да, қадимдан момоларимиз ана шундай куч-қудрат ва маҳоратга эга бўлганлар. Ҳамида момо ана ўша момолар қаторида эди. Ҳар нарсага қизиқувчан ва талабчан инсон зоти, борлиқни ўз қаричи билан ўлчайди. Йўқловчилар ҳам шу йўлдан боришини маъқул кўришди. Улар ўз билганларидан қолишмайди, момонинг гапидан кўра ўзларининг тасаввурларига кўпроқ ишонишади. Асарда Ҳамида момонинг табиати яқин дугонаси Майрам чаққон образи воситасида улар орасидаги диалогларда очилади.

“Улинг келди, –Майрам чаққон дугонасини турткилайди.

– Кутиб оладиган хотини бор, – Ҳамида момо ҳолатини ўзгартирмайди.

Бунча дийданг қаттиқ.

– Бўларим шу! – Ҳамида момонинг кўзлари энди кўкда оҳиста парвоз қилаётган бургутга қадалади. – Сенга ўхшаб икки бет эмасман, иршайганга иршайиб”¹.

Энанинг қарашида шундай бир истехзо мавжуд эдики, бу на ғазабга ўхшарди, на пичингга. Ботирнинг кўрқоққа марднинг номардга қарашига ўхшаш нимадир эди бу. Бу хил қараш қаршисида киши ўзини майда ва арзимас ҳис этарди.

¹ Норқобилов Н. Кураш. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 251 бет

Шомурод полвон беихтиёр кўзларини олиб қочаркан, яқиндагини худди шу хил қарашга яна қаердадир дуч келганини ўйлайди.”

Ҳамида момонинг Шомурод полвон исмли ўғли бўлиб, у ҳам полвонлардан саналади. Ўғлининг курашларда қатнашиб совриндор бўлиб юрганини билган Ҳамида момо ғурурланиб кўярди. Кунларнинг бирида дугонасига кўнгил ёрган момо, ўғлининг ғирромлигини айтиб ҳасрат қилди. Эркак киши учун бу иснод эди. Момо тили билан айтганда, бу сирни йигит кўп давраларни кўрган мардларга хос тарзда, вазминлик билан кўз қарашлари орқали Шомурод полвоннинг ғирромлигини унга айтди. Эр йигитнинг эгилгани ўлгани, деган халқона нақл бор. Ғирромлик эса эгилишдан ҳам ёмондир. Ўғлининг ғирромлигига гувоҳ бўлган Ҳамида момо кўксидан нимадир жунбушга келади. Унинг қалбида уят ва нафсоният, орият ва ҳамият, нафс ва виждон тўқнашди. Уларнинг ғавғоси тоғдай қаддини синдирди қўйди. Ғам-ташвиш инсонни ичдан емиради. Лекин иснодга қолиб ўлишни ғурур хоҳламайди. Ҳамида момо қалбидаги ҳасратлар асарда шундай келтирилади: *“Момо айтмоқ истайди. Аммо ҳасрати тилига кўчмай дилида чарх ура бошлайди. Ўлим бел олишадиган бўлгандан бери давраларга яқин бормайман, деди тили эмас, дили сўзлаб, кўзимдан кўрқаман, сўнг зайратим кўзиб, юрагим ҳапқиради. Тунов куни фалокат босиб бориб қопман десанг. Қарасам, Шомурод соригина бир йигит билан беллашяпти. Бирровгина томоша қилай-чи дебман мен ўлгўрам. Одамлар орасидан қараб турибман. Улим бавосининг қўлини қилиб бор, киши кўзи илғамай қолади. Ғирром қилиқ. Ёмон қилиқ. Эркакка хос бўлмаган қилиқ. Бу қилиққа дуч келган полвоннинг нафаси ичига тушиб кетади”*¹.

Ўз ўғлига курашнинг ҳалол олишув дунёсини кўрсатишни истаб Шомурод полвон билан олишади. Бироқ Ҳамида момонинг ўғли Шомурод полвонга ҳали бу дам синоатларини билишга эрта эканлигини қуйидаги вазият кўрсатади: *“Сигирдай бўмай ўлай мен. Жасадимни эплаёлмай ўзим йиқилиб тушдим. Белбоғи бўш экан, қўлим чиқиб кетди.*

¹ Норқобилов Н. Кураш. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 249 бет

- *Ҳозир юргандир тоза ичи ачишиб?*
- *Эна, сизга курашни ким қўйибди деб устимдан кулиб юрибди.*
- *Қўлимдан кемайди-да, эмасам, шу улунгни ўзим...*
- *Қўлим тузалсин, ернинг кўзига ёпаман мен уни.*
- *Вой, ўлай, ҳали тагин олишмоқчимисан?*
- *Эмасам-чи!- Момо дугонасига баланддан боқади”¹.*

Мағлубият аламини тотмаган момо учун эса бу ҳақиқий фожиа эди. Асарда бургут, ўлаксахўр қушлар рамзий маънода келтирилган бўлиб, бургут ҳалол, тўғри, ор-номусли, аёл киши бўлса-да, йигитларга хос жўшқинлик билан курашни севувчи Ҳамида момо тимсолидир.

Ўлаксахўр эса ўз навбатида юқорида таърифи келтирилган Ҳамида момонинг ўғли Шомурод полвон образига паралел тимсол дейиш мумкин. Қиссада Ҳамида момонинг шундай сўзлари бор: “Ёмон полвоннинг онаси бўлгунча... Отамнинг арвоҳини чирқиллатиб қўймайман мен!..” Момо кириб келган ўғлининг юзига қарашни истамай самода сокин қанот қоқаётган бургутни кузатади. Чунки у ғирром қилмайди у ҳалол-пок. Ҳамида момо руҳиятидаги улугворликдир гўё, шу тобда ўғлининг нақ қаншарида табассум қилиб турганини кўриб, унга шундай назар ташладики, Шомурод полвон беихтиёр кўзларини олиб қочади, чунки у бу тахлит қарашга аввал ҳам дуч келганди-да, қаршисидан чиқиб момо кўнглини кўтармоқ истаган Шомурод полвон бу тахлит онасига енгилишини хаёлига ҳам келтирмаган эди. Бу воқелик асарда шундай тиғиз чизгилар билан кўрсатиладики, гўё Ҳамида момонинг курашчи аждодлари уни кўллади дейсиз: “*Ўғлининг вужуди таранглашаётганини сезаркан, салдан сўнг жиддий қаршиликка ўтганини ҳис этади. Бу қарши ҳаракатдан момо роҳат олади. Истаги тийиқсиз бир куч олади. Майиб қўли ростланиб, ўнг яғринини “рақибни” томон хиёл-хиёл эгаркан димогида ўткир тер ҳиди, отаси Тўра полвоннинг давра айланишлари кўз ўнгида бир зум акс этди-да, қизлигида сўнгги бор айтган ўша хитоб бўғзидан қучади. Ҳовлини тўлдириб ташқарига тошиб чиқади.*

¹Норқобилов Н. Кураш. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 250 бет

–*Ё-ё, пирим!*

Ўз хитобидан қулоғ очилиб, кўзи равшанлашган Ҳамида момо ўглини оёқлари остида кўради”¹.

Шунга кўра, Нормурод Норқобилов ҳикояларида инсон руҳи, дунёқараши ва интилишларини миллий заминдан озикланган образлар оламига сингдириш ҳолати теран бўй кўрсатади.

Адабиётшунос Баҳодир Саримсоқов қайд этганидек: “Бадиий образнинг ўзига хос белгилари, бетакрор қирралари борки, улар адабий турлар, жанрларнинг турли тарихий тараққиёт босқичларида ўзларини турлича намоён этиб келди”.² Замонавий ўзбек адабиётида ўзининг “Юлдузлар мангу ёнади” қиссаси билан полвонларнинг мардона ҳаёт тарзини истеъдодли адиб Тоғай Мурод тасвирлаб бергани барчага маълум. Н.Норқобилов “Кураш” ҳикоясида шу анъанани давом эттирди. Образлар кўламини кенгайтди.

Нормурод Норқобилов “Ажал чорлаган кун” ҳикояси кўнгилдаги бир қатор ҳисларнинг бир умр давомида ҳеч вақт сўнмаслигини, доимо жўшқин ва уйғоқ бўлишини кўрсатиб берувчи асарларидан биридир. Ҳикояни ўқиш мобайнида ҳис-туйғуларнинг курашига, бирининг устидан бири ғолиб, бирининг эса мағлуб бўлганига гувоҳ бўлиш мумкин.

Истеъдодли адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов қайд қилганидек: “Нормурод Норқобилов – ўндан ортиқ қисса, қанчадан-қанча ҳикоялар муаллифи. Унинг асарларида ҳайвонот ва инсонлараро мураккаб муносабатлар тасвирланади. Ёзувчи гоҳ набобот (яшил табиат), гоҳо жамомот (тоғу тошлар, қир-адирлар) оламига назар ташлайди. Унинг “Қоялар ҳам йиғлайди” қиссасида инсон ва тош, тоғ ва одам боғлиқлиги маҳорат билан очилган. Ҳайвонот оламини яшил дунё – набототдан ажратиш мумкин эмас. “Паҳмоқ” қиссасидаги айиқ ўзини дўлана, зирак, олма сингари меваларга уради. “Тоғ одами” қиссасининг қаҳрамони Жондош жарликка қулайди.

¹ Норқобилов Н. Кураш. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 253 бет

² Саримсоқов Б. Бадиийлик асослари. – Тошкент:, 2009. 8-9-б.

Қояда ўсган дарахтнинг чайир шохи Жондошни “тутиб” қолади. Ёзувчи хайвонот, набобот, жамодотаро алоқаларнинг ўта табиий тасвирига эриша олади. Бу, аслида, табиий ҳол: хайвонот, наботот, жамодот бир ота-она фарзанди. Улар одамдай туғилганлар”¹.

Адибнинг “Ажал чорлаган кун” ҳикояси инсон қалбидаги гўзалликни кашф этишга қаратилган бўлса-да, бу гўзалликнинг боисини ҳис эта олганлар қисматини асардаги воқеалар ривожига синдириб юбориш ҳолати кўзга ташланади. Ҳаёт ҳақиқатининг реал талқини фожиаларга узвий боғланиб кетгани учун ҳам ҳикоя бадиий жиҳатдан мукамал чиққани сезилади. Қайд қилинган хусусиятлар адиб асарларидаги турли тоифадаги образларида ўз ифодасини топганлигини кузатиш мумкин. “Ажал чорлаган кун” бошқа баъзи асарлари каби инсон ва табиат, одам ва борлиқ ўртасидаги мураккаб ҳодисалар баёнига бағишланади. Асар қаҳрамони ҳақидаги қуйидаги тасвирлар ўқувчи эътиборини тортади: *“Кампир қарғана-қарғана ковушини кияркан, имиллаб ҳовлига тушади. Эран-қоран юз-қўлини ювиб, сўнггина дарвозани очади. Орада ҳовли юзида тинчгина ётган итга захрини сочиб олади. Унинг қарғишидан девор устида чўнқайиб, ўзига оро бераётган таргил мушугу, чуғурлашаётган чумчуқлар ҳам четда қолмайди”*². Кекса кампирнинг ҳовлидаги ҳаракатларини узоқдан кузатиб турган ит уларни ҳар кунги воқеадек қабул қилишга кўникиб қолган. Бу итнинг номи эса Ёвқур бўлиб, инсоннинг энг садоқатли дўсти бўлиб, ҳикояда садоқат тимсоли сифатида намоён бўлади. Унинг одамлардек, хаёллар оғушида қолиши, мурғак бир болага меҳр қўйиши каби тасвирлар асосида итнинг психикаси шакллантирилади. Асарда воқелик Ёвқур итнинг ўз умри поёнига етаётганини сезиб, тинчгина кўз юммоқ учун холи жой ташвишига тушиб ҳовли дарвозаси очилишини кутиб ётиш тасвири орқали ифодаланади. Бундай холи жойни у ўзи яшаётган шу кичкинагина шаҳарчадан топиши амри маҳол эди. Унинг бир умиди даштдан эди. Асар бошидаёқ берилган бу

¹ Расулов А. Шайдолик. Қаранг: Норқобилов Н. Бўрон қўпган кун. Қисса ва ҳикоялар. –Тошкент: Шарқ, 2007. 4-бет.

² Норқобилов Н. Ажал чорлаган кун. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 202-бет.

тугунни воқелар ривожини орқали ечимга томон силжиши мобайнида ҳикоя моҳияти аниқроқ англашилади.

Дашт – Ёвқурнинг туғилиб ўсган макони ҳисобланади. Даштдаги эркинликни, меҳр-муҳаббат нурларига ошуфта, ишонч шабадаси еладиган, садоқат майсалари унадиган заминни баъзан у қаттиқ қўмсайди. Дашт истаги унда шу қадар кучли бўлса-да, ит файзли ҳовлини ҳам ташлаб кетиш жуда қийин эканлигини ҳис этиб яшайди. Ҳовлида ғимирлаб юрган одамларнинг бирортасини ит болачалик яхши кўрмайди. *“Бу ҳовлида уни кунда икки бор ялоққа тўкиладиган хўрак эмас, тийраккина болакай тутиб туради. Болакайнинг қарашлари катталариникига сира ўхшамайди, гоҳит безубор. Ит унинг юзи-кўзидан тўйиб-тўйиб ялагиси келади. Аммо Ойсулув кампир бунга изн бермайди. Болани турткилаб, итни калтаклаб қолади Шунинг учун бўлса керакки, болаларга хос, безубор меҳрни унинг қора кўзларидан топгандек бўлади. Болакай доимо ити Ёвқурни кўрганида кўзлари қувончдан порлар, унга қараб чопиб борар, шу тариқа ит ҳам унга интилар, ҳаётда топмаган меҳрини боладан олишга интиларди: “Катталар аралашгунча бўлмай болакайнинг юз-кўзидан ялаб-юлқашга улгуради. Оқибат, болакай силкинади, ит тепкиланади. Бунақа пайтда болани ҳимоя қилиш-қилмаслигини билолмай, итнинг боши қотади... У аёлларнинг оҳ-воҳидан ёғоч унига кирибгина қутилади”¹. Ҳа, Ёвқур безовталана бошлайди, умри бу ерларда тугаётганлигини жуда теран ҳис этадики, ҳатто унинг тушларида ҳам маълум бўла бошлайди. Ёвқурни ўз аждодларининг пок-руҳи ўзига чорлаётгандек туюла бошлайди. Бу чорловнинг замирида ёмон бир ҳис борлигини англайди. Бу кўримсиз ҳовлида ит узоқ йиллик умрини ўтказди, шунинг учун бундаги барча нарсалар таниш, уларга меҳр қўйиб улгурган эди: *“Куни битаётганини бугун тунда тасодифан сезиб қолди. Аждодларининг тимсоли бўлмиш улкан малла ит бошида юлдузлар гулгун ўйнаган тепаликда чўнқайиб узоқ ва узоқ улади. Уни ёнига чорлади. Ёвқур улкан бу малла итни илгари ҳам тушида кўп кўрган. Аммо бу сафарги**

¹ Норқобилов Н. Ажал чорлаган кун. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 205-бет.

чорлови бўлакча эди. У туши туфайли эмас, ичдан кунни битаётганини сезганди. Кетмоқ керак, имкони борича тезроқ. Бироқ видолашмасдан кетмоғи ҳам қийин эди”. Ёвқурнинг руҳиятида болага нисбатан меҳр шу даражада эдики, ўрнидан туриб, деразага яқинлашади, болакайнинг норасталарга хос гулдек нафис исини олгач, аянчли ғингшийди унинг қизил туфлисини узоқ ҳидлайди. Ҳовлида изғиб барча нарсаларни бир ҳидлаб гўёки видолашаётгандек бўлади. Бутун ҳовли аҳли билан видолашар экан, танини маъюс бир ҳорғинлик эгаллаб бораётганини ҳис этиб, йўл бўйи бот-бот ортига боқиб болакай соғинчи дилини ўртайди. Болага берилган меҳрни ҳеч нарса билан ўлчаб бўлмасди, аксинча, бола ҳам ўз навбатида, унга меҳр кўйган эди. Атрофдаги шовкин-сурон эса кўнгилни жуда хира қилади. Шу тариқа бир маромда йўртиб бораркан изтиробли, аламли кунлар кўз олдидан бир-бир ўтади. Асарда унинг машаққатли ҳаёти кўйидагича талқин этилади. “У бошини бир ён буриб, ҳовлига сўнгги бор назар ташларкан, намли кўзларини дарвоза, бўғот, ишкому баланд деворга бир-бир тикиб, гўё қай томонга юришини билмаётгандек, шу алпозда бир пас туриб қолди. Сўнг кўча адогини кўзлаб, аста йўлга тушиди. Бир оз юргандан кейин кўча бўйидаги улкан ёнгоқ дарахти томон беихтиёр бурилди. Одатига биноан ёнгоқ теварагида искаланар экан, кеча тунда бу ерга қайси жониворлар келиб-кетганини зумда аниқлади”¹. Ҳикояда худди онгли инсондек тасвирланган Ёвқур ботинида катта армони бор – у даштлардаги эркин ҳаёт. Аммо инсон зоти итти эркисизликка маҳкум этади. Унинг эркин ҳаётини дўзахга айлантирган, борлигини, қалбини сим тўрларга солиб мажруҳлаган эди. Икки машина сиғарли ёғоч кўприк устида юкхонаси очиқ турган қизил “Жигули”га эътибор қилар экан, юрагининг бир четида қоронғулик пайдо бўлганлигини ҳис этади. Бундай разолатга чидай олмагани сабаблими, аччиқ-аччиқ ғингшишга мажбур бўлади. Бунинг ўзига хос сабаблари бор эди: “Кенг даштдан, бахтли онлардан уни мана шу хилдаги қизил “Жигули”да тортиб олишганди-да. Бу нарса жониворнинг хотирасида яшиғина сақланиб

¹ Норқобилов Н. Ажал чорлаган кун. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 207-бет.

қолганди. Унгача у бахтиёр эди”¹. Бу тасвирларда табиат оламининг инсон ҳаёти билан чамбарчас боғлиқлигини, инсоннинг эса шафқатсизлик сари кадам қўйганлиги кузатилади. Таъкидлаш жоизки, ҳикояда инсоннинг нечоғлик мураккаб мавжудот эканлиги ёрқин намоён этилган. Буларнинг барчаси адиб поэтик тафаккурининг бетакрор меваси бўлган Ёвқур итнинг нигоҳи, қайта эслаш орқали баён қилинади. Сувонқул маккор Талъат билан ака-ука тутиниб, йиллар давомида асраб келаётган, инсондан қизғанаётган итидан ҳам воз кечиш даражасига етади. Ёвқурга назари тушган Талъатга совға тариқасида бериб юборади. Унгача Ёвқурни сўрагувчилар келганда кўр ва карга айланиб оларди. Аслида уларнинг ака-укачилиги ҳам худди шу манфаат асосига қурилгани маълум бўлади. “– Ака, шу сизга ёқдимми? – Сувонқул минг қўйли бойдай керилди. – Ёққан бўлса, олинг! Ҳеч кимга бермаганман, лекин сизга бераман. Чунки сиз акамсиз. Сиз учун керак бўлса, жонимниям ҳады қиламан. Бу ҳаром бир жонивор экан. Олинг, ака! Оти Ёвқур. Ўзим қўйганман отини. Бўри оладиган кучук-да бу. Олинг, сизга ҳады бу, ака!”². Ёвқурнинг ҳам бир вақтлар ўз эрки бўлганлигини, аммо йиллар давомида эркисизлик ва тутқунлик унинг ҳам ичидаги дардларини исён даражасига етказди.

Жаҳон адабиётига назар ташлар эканмиз, набобот оламининг турфа гўзаллигини талқин этувчи бир қатор асарлар ҳам яратилгани маълум бўлади. Чунончи, турк адабиётининг етук вакилларида бири Азиз Несиннинг ижодидан ўрин олган “Халоскор ит”, “Шафқатли ит” каби асарларида ҳам жонзотларнинг ўй-хаёллари, инсонга қўйган меҳрининг талқини бор. Азиз Несиннинг “Халоскор ит” ҳикоясидаги ит образида мужассамлашган хислатларнинг маълум бир қирраси Ёвқурда ҳам мавжуд. Азиз Несин талқинида ҳам ҳаётнинг мураккаблиги ва инсонга бўлган меҳрининг гўзаллиги китобхонни ўйлашга, фикрлашга мажбур этади. Асардаги воқеалар ҳикоячи тилидан баён этилади. Қайд этилишича, икки қўшни ёқаллашиб,

¹ Норқобилов Н. Ажал чорлаган кун. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 209-бет.

² Норқобилов Н. Ажал чорлаган кун. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 211-бет.

жанжаллашиб қолишади. Бунинг сабабларини аста-секин суриштиради. Бу икки қўшнининг ўртасидаги жанжал нимадан бошланганлигини ҳеч ким билмас, аммо уларнинг ўртасида нимадир бўлганлиги, уларга гувоҳ сифатида қатнашган шахснинг воқеадан хабардор бўлганидан сўнг лол қолиши китобхонни ўйга толдиради. *“Иккинчи фарзандимиз икки ойлик чақалоқ эди, ўшанда. Чақалоқ бешикда ухлаб ётган пайтларда итимиз ҳеч унинг ёнидан жилмасди. Бир куни эрталаб газета ўқиб ётсам, хотиним йиғи-сизги кўтариб қолди. Бола бешиги билан йўқолиб қолибди. Дарҳол излашга тушдик, уй ичидан топилмади. Югуриб ҳовлига чиқсак, бешик ўша ерда экан, ёнида эса ит. Чақалогимиз пишиллаб ухлаб ётибди”*¹. Ана шу воқеадан кейин болага жуда эътибор қаратишади, аммо кечаси бешикни яна ит ташқарига олиб чиқиб кетади. Улар итни дўппослаб, эшикни маҳкамлайди. Ҳаво дим бўлганлиги учун кечаси деразани очишади, ит деразадан кириб яна бешикни ташқарига судраётганлигининг гувоҳи бўлишади. Уни яна олдига солиб кувиб чиқаради. Энг асосий воқеа тонгга яқин юз беради. Қаттиқ зилзила бўлиб, уй эгаларини том босиб қолади. Шунда ит яна унга ёрдамга келиб, унинг шарофати билан улар омон қолади. Чунки харобалар орасида қолганлигини, кимдир унга ёрдам бермоқчи бўлганлигини ҳис этади, қараса ит унга чиқиш имконини яратади. Уйнинг бир нуқтасига бориб, яна ёнгишишни бошлайди, дарҳол қазишни бошлайди, қарасаки, қизини қутқариб қолади. Онаси билан хотинини ҳам шу ит туфайли қутқариб олади. Энг сўнгида бешикдаги чақалоқни излашади. Харобалар ичини қазиб кўришади, аммо бешик йўқ, ит ҳам қайгадир ғойиб бўлган. Ҳовлига чиқиб қарасаки, бешик ташқарида, ёнида ит бемалол ётган бўлади. Бешикнинг ичида бола бемалол ухлаб ётган эди. Ит зилзила бўлишини олдиндан сезганлиги учун ҳам, бешикни ташқарига олиб чиққанлиги англашилади. Шундан сўнг эса, ит оиланинг қадрдон вакилига айланади. Қўшнисини шундай оиланинг қадрдонига айланган итнинг жонига қасд қилади. Шунинг учун қўшнисига белқурак билан ташланиш сабаблари бежиз эмас эканлигини

¹ Несин Азиз. Ғаройиб болалар. Роман ва ҳикоялар. – Тошкент: Юлдузча, 1988. 198-бет.

китобхон англаб олади: “Судда шу гапни эшитганимдан кейин жониворларда фавқулдда сезиш қобилияти борлигига ишондим. Хотиним итимизни кўп эркалаб, меҳрибончилик кўрсатарди. Ит унинг ўлимини сезган бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Хуллас, ўша кундан кейин у уйдан чиқиб кетди-ю, қайтиб келмади”¹. Тасвирлардан кўринадики, фақат ўзбек адабиётидагина эмас, ҳайвонот оламининг инсоният ҳаёт тарзи ва туйғулари билан бирлиги дунё адабиётида ҳам мавжуддир. Итнинг садоқати ҳайвонот оламининг инсоният дунёсидаги яқинлиги жаҳон адиблари ижодида кўп учрайдиган мавзулар сирасига киради. Бу ҳақида сўз юритган адабиётшунос Умида Расулова шундай муҳим назарий қарашни илгари суради: “Бу уйғунлик вобасталик уч хилқат: одамзод, наботот, ҳайвонотнинг азалдан ягона мақсад йўлида яхлитлик касб этганини кўрсатади. Бошқарувчи одамзод борлиқнинг тирик эканини доим ҳис қилмоғи лозим; ҳайвон, қурт-қумурсқа – бари ҳаракатда. Она замин бағрига яратилганларни сиғдираверади, яратилганлар ўз навбатида алмашилиб тураверади (ҳаёт ва ўлим). Яшаш, хайрли умр кечириш олий мақсад саналади. Инсон набототу жамодотга ҳабиб тутиниб, уни ардоқламоғи керак. Ота-боболаримиз бу ахлоқий ақидани дастуриламал этганлар”,- деб ёзади бу ҳақда олима.²

Зотан, Нормурод Норқобиловнинг асарларида ҳам инсон ва табиат бирлиги шу даражада жуда табиий талқин этилади. Адибнинг юқорида таҳлилга тортилган ҳикоясида Ёвқур ва унинг хислатлари жуда аниқ тасвирланади. Бу инсоний хислатлар Ёвқурга хослиги ўқувчини ҳайратга солади. “Кулранг она ит қўтон ортидаги инда болалаганда, бешта кучукча орасида зумрад янглиг бир жонивор мавжудлигини у бошида илғамади. Кучуклар оёқлаб, ялангликда лўмбиллашиб юра бошлаганда, эътиборини улардан бирининг ҳаракати тортди. Бошқа кучуклар чўпга, хасга ўралашиб, ингиллашганда, у дадил одимлар, оға-иниларидек дуч келган нарсаларга илакишавермас, гоҳида чўнқайиб, катта итлардек узоқ-узоқларга жиддий

¹ Несин Азиз. Ғаройиб болалар. Роман ва ҳикоялар. – Тошкент: Юлдузча, 1988. 200-бет.

²Расулова У. “XX аср ўзбек кинесачилиги (поэтик изланишлар ва тараққиёт тамойиллари)”. Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2020. – Б. 22.

тикилиб қоларди. Қўтонга яқинлашаётган қорани узоқдан биринчи бўлиб пайқар, муносабати ҳам шунга яраша эди. Бутун вазжоҳатидан ёвқир феъли англашиниб турарди. Ана шу феъли Сувонқулнинг тилида биргина сўзда акс этади”¹.

Талъат томонидан сим тўр ортига ташланган Ёвқур озодлигидан мосуво бўлиб, бу тахли симлар қуршовида қолганини тушунмас, Сувонқулнинг ҳа деганда келавермаслигидан, уни озод қилмаётганидан дили вайрон бўлиб, изтироблар исканжасида азобланарди. Сувонқул хато иш қилганлигини англаб уни ахтариб келгандаги Ёвқурнинг руҳий ҳолати эса асарда жуда ёрқин шакллантирилган.

Инсонлар кўнглидаги бор дард-аламларни кимгадир айтиб енгил тортади. Бироқ ҳайвонлар-чи? Тутқунлик унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатади. Озодликда юрган, кўзига кўринган ҳар нарсага нисбатан унда нафрат ҳисси уйғонади. Унинг онгида ёвузлик, ваҳшийлик иллатлари куртак ёза бошлади: “Сувонқул келиб-кетганидан сўнг эрксизлик ва бекорчиликдан юрак-бағри қон бўлган жонивор увлашни одат қилди. Бора-бора бу қилиғи ўзига ҳам ёқиб қолди. Негаки, увлаган кезлари қандайдир енгил тортарди. Аммо бу вақтинчалик ҳолат, симтўр ортидан ҳовлида эмин-эркин юрган одамларга, мушукларга, донлашаётган товуклару дарахтлардаги кушларга кўзи тушганда тўсатдан қутириб кетарди. Ўзини симтўрга уриб, неки тирик жон бор, барини бўғизламоқ, тишламоқ қасдида ирғишларди, сакрарди. Секин-аста бу феълига сингиб, у сиркаси сув кўтармайдиган, жиззаки, тажовузкор итга айлана борди”².

Кўп ўтмай сим тўрли қафас ўрнини тахтали деворлар эгаллайди. Бу Талъатнинг Ёвқурни тарбиялаш йўлидаги бир босқич эди, холос. Ундаги шаклланаётган ёвузлик янада тажовузкор бўлишни хоҳлаган Талъат унинг кўнглидаги дашт хаёлларини ўчира олмади. Улар ҳали ҳамон уйғоқ, ҳали

¹ Норқобилов Н. Ажал чорлаган кун. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 213-бетлар.

² Норқобилов Н. Ажал чорлаган кун. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 221-бет.

хамон барҳаёт эди: *“Шунга қарамай, ойдин тунлари Ёвқур барибир даштни қўмсарди. Даштдан ягона эсдалик бўлмиш кўкдаги ойга термулганча, яйловни соғинар, тунни, гулханни истарди. Эркинлигига дахл қилаётган бўйнидаги занжирни, тўрт деворни, қўйингки, теварагидаги жамики нарсани шу қадар ёмон кўрардики, жағи етган неки бор, барини бурдалаб ташлагиси келарди. Шу кўйда ўртанарди, ирилларди, ингилларди, сўнг тумшугини кўкка чўзганча чўзиб-чўзиб ув тортарди”*.

Талъат тарбиясида қолган Ёвқур жиззакилиги кун сайин ортганидан-ортиб борди. Ягона қаровчиси Талъатни ўзининг хўжаси сифатида кўра бошлади. У Ёвқурга пахталик ридони кийиб гиж-гижлар, унинг ичидаги ғайратини жўштирар ва уни тийиксиз бир ғазабга айлантитарди. Ёвқурнинг шижоати, шиддатини кўрган Талъат унинг тайёр бўлганини, далаларга олиб чиқиш вақти етганини англайди. Бундай давраларни илк бор кўрган Ёвқур ҳолатини адиб шундай ёритади: *“Ўша кунни Ёвқур илк бор даврага рўбарў келади. Қизил қонига беланиб олишаётган итларни кўради. Одамларнинг жазавасидан ҳайратда қотади. Умри бино бўлиб, бу қадар кўп одаму итларни бир ерда йигин ҳолда кўрмагани боис, дастлаб довдирайди. Фингишиши инграшга айланади. Бўлаётган ҳодисадан эмас, манзаранинг зоят хунуклигидан ваҳимага тушиб, гингшийди. Сўнг итоаткорона бир четда чўнқайиб, кишиларга, олишаётган итларга, кўкдаги қушларга алаҳсийди”*¹.

Бу каби давраларда бир неча бор ғолиб чиққан Ёвқур овозаси ҳар тарафга ёйилади. Энди у Талъатнинг эркатоёи, ҳаммадан қизғанадиган гавҳари эди. Бироқ бахтли, саодатли ва омадли кунлар бир умр давом этмайди. Ёвқурга келган дардни Талъат сезар, унга қарши курашни эса хаёлига ҳам келтирмас, аксинча, энди иложи борича ундан тезроқ қутулиш пайига тушади. Бу борада унинг иши осон кўчади. Ёвқурдай жондорга анчадан бери кўз тикиб юрган дўсти Назар узунга шундоққина пуллайди кўяди: *“Итнинг вужудига чирмашган дардни Талъат илгариёқ пайқаганди.*

¹ Норқобилов Н. Ажал чорлаган кун. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 225-226-бетлар.

Пайқаган заҳотийёқ Ёвқурга нисбатан бўлган муносабати кескин ўзгарган. Сал аввал тумшуғидан ўпмоққа ҳозир бу кимса энди итдан тезроқ қутулмоқ пайига тушиб қолганди. Бироқ ит жонивор мол эмасдики, семиртириб қассобга оширсанг. Шунга қарамай, у итнинг томоғига қараган, яхшилаб парваришлаган ва анчадан бери кўз тикиб, оғиз солиб юрган Назар узунга пуллаб юборганди. Шунчаки эмас, гўё қадрдонлик ҳурмати туфайли унинг раъйини қайтаролмаган бир тарзда сотиб юборган... Ниҳоят, узоқ қутилган вақт етиб келди. Куз кунларнинг бирида Назар узун уни майдонга олиб чиқди. Соврин катта эди. У икки қур олишди ва учинчи қурда Талъатнинг “Чавкар” лақабли янги итига рўбарў келди. Бегона итнинг тасмасидан тутиб турган собиқ эгасига беихтиёр талпинаркан, унинг қўлларини яламоқ истади. Бироқ Талъатнинг боқишлари гоят бегона эди. Важоҳати “Чавкар”никидан пеш эмасди. Кўзларида ваҳшиёна ёввойи бир завқ ўйнарди. Ёвқурга қарши янги итни гиж-гижларди. Ва шундагина Ёвқурнинг диққати собиқ эгасидан Чавкарга кўчди. Юрагида рашкка ўхшаш нимадир ўйгонди ва рақибига ўша қизганиш заптида ташланди. Бир ҳамладаёқ уни тап тағига босди”¹.

Итдек вафодор жонзот меҳр кўрсатган қўлни ҳеч қачон унутмайди. Уни доимо кадрлайди. Уни хавфдан огоҳлантиргиси, ҳимоя қилгиси келади. Орадан бир мунча вақт ўтган бўлса-да, Ёвқур ҳамон Талъатни эсидан чиқармаган эди: “Шу кундан эътибордан Талъат унинг ганимига айланди. Ҳар сафар янги-янги итларни унга қарши қўймоққа ҳаракат қила бошлади. Аммо у жангга мутлақо ярамайди деб ўйлаган собиқ ит ҳар гал голиб чиқаверарди. Оқибат, у Ёвқурга қайта эга бўлмоқни истади. Бироқ, Назар узун деганлари Сувонқул эмас, унинг аврашларига учмади. Унинг кўзини куйдириб, Ёвқурни даврадан даврага олиб юришида давом этди”².

Инсон ўзи қизиққон, кези келганда ўта совуққон мавжудотдир. У ўз имкониятлари доирасида эҳтиёжларига қараб иш кўради. Унинг учун ҳар

¹ Норқобилов Н. Ажал чорлаган кун. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005.229-230-бетлар.

² Норқобилов Н. Ажал чорлаган кун. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 230-бет.

нарса керагида зарур, керак бўлмаганида эса ҳеч қандай қимматга эга эмас. Талъатда ҳам худди ана шу ҳолат юз беради. Бир вақтлар Ёвқур ортидан фойда кўриб шон-шавкатга кўмилиб юрган Талъат унга келган дардни англаган заҳоти ҳеч бир иккиланишсиз, кадрсиз бир нарсани мўмай пулга пуллагандай пуллаб юборди. Энди бўлса, унга қайта эга бўлиш пайига тушиб Назар узунни авраш йўлига ўтади.

Бу асарда инсон билан ҳайвон таққосланади, ҳайвон садоқати, вафоси, “инсон”ийлиги кўрсатилади. Воқеалар давомида асар қаҳрамонлари ўша, кўзларининг қорачиқлари катта-катта ёқимтой болакай яшайдиган ҳовлига ташриф буюради. Бу ерда эса бир қадар эркинлик топгандай бўлади. Бироқ ўлим шарпасининг у билан изма-из юриши бу ҳовлида узоқ қолмаслигидан дарак беради. Мана энди алам ва изтироб билан айрилиқ кўрсатган айри йўлдан йўртиб бормоқда. Ўша кўзга таниш хаёлининг бир бурчагида ҳамон беркинибгина яшаб келаётган дашт қайда эканлигини излаб кетмоқда. Бу вақтда эса бақувват оёқларидан қувват кетаётганини сезар, барча сезиш қобилиятлари йўқолиб бораётганини англади. Шундай экан у фақат тезроқ ҳаракат қилиш, озроқ сусткашлик қилса, кеч қолиши мумкинлиги ҳақида ўйларди. Биргина тепалик шу биргина тепаликни ошсам, у ёғи менинг жонажон даштим, деган хаёл унга куч бағишларди. Бироқ тепалик ортида нима борлиги ҳақида ўзи ҳам ҳеч нарсани билмасди. Аммо унга омад кулиб боқади. У ўз даштини топди.

Инсон меҳри ёввойи ҳайвонларни ўзига бўйсиндира оладиган бир сеҳрдир. Нормурод Норқобиловнинг “Тоғ одами” асари қаҳрамони Жондош йиртқич ҳайвонларни ҳам ўз меҳрининг асири қила олган, бироқ уларнинг кўрасида ҳеч вақт тутиб қолишга уринмас эди: *“У йиртқич жониворларни имкон борича узоқ сақлаб турмасликка тиришади. Фақат Чипоргина бундан мустасно. Яғринидаги жароҳат билан қўрғонга келтирилган бу жонивор соғайгандан кейин ҳам кетмади. Худди хонаки итдай, қўрғонда яшаб қолди.*

Қадам олишлари олифтанамо, феъли яхши, дуч келган нарсага тумшуқ суқавермайди. Лекин жуда хушёр, нариги довондан тош юмаласа сезади”¹.

Ҳар қандай муҳитда ҳам, ҳар қандай шароитга ҳам кўникувчан инсон ўз ақл-заковати билан қийинчиликларни қадам-бақадам енгиб борди. Муҳими, ундаги истак ва хоҳиш, ҳаётга бўлган қизиқиш ва иштиёқ сўнмаса, шунинг ўзи кифоя. *Бу ёғига она табиатнинг ўзи мураббийлик қилиб тарбиялаб боради: “Товатошда нон пиширмоқ унчалик қийин эмас. Аввалига тош обдон қиздирилади-да, нон унинг юза қисмига ётилади. Товатошда пишиган нонни унинг ўзигина емас, Чўли ҳам жуда хуш кўради. Умуман олганда, Чўли азалдан ширинтомоқ. Кўрғонга шишасиз қадам босмайди. Ичимлик ундан, газаги Жондошдан. Кўрғонда гўшт қаҳат эмас. Бирор қўй сўйилса, эти анчага етади. Бундан ташқари, Жондош вақти-вақти билан каклик овлаб туради. Қисқаси, кўрғонда тишга босгулик эт ҳамиша топилади”².*

Жондош тоғни ўз уйи деб ҳисоблаб, унга бегоналарнинг қадам босишини хоҳламас, ов қилишларига эса ҳеч вақт тоқат қила олмас эди. Бунинг учун дам яширин, дам ошкора кураш олиб борар, шу йўл билан ўз мулки деб ҳисоблайдиган тоғ ва тоғ жониворларини ҳимояларди: *“Бошда у овчиларга ошкора қарши чиқиб юрди. Аммо бир сафар икки йигитдан ўласи бўлиб калтак егач, бу хатти- ҳаракати гирт бемаънилигини фаҳмлаб, курашининг яширин йўлига ўтди. Панадан туриб уларнинг юрагига қутқу соладиган бўлди, яъники ёниб турган оловни ёки ён-атрофини мўлжаллаб ўқ узарди. Ана шунда кўринг ваҳимани. Ўтирганлар кутилмаган бу ҳужумдан довдираб, сичқоннинг инини минг танга санаб қолишарди. Аммо Жондош уларни “ин”да ҳам тинч қўймасди. Пусиб ўтирган жойдан уларни “ин”дан чиқишига ва орқа-олдига қарамай қочишига мажбур этарди. Бу ишда арчалару, харсанглар, буталару ўт-ўланлар кўмакка келарди. Жондош панадан туриб хаёлига келганини қиларди. Бу жиҳатдан бу қизиқ эрмак эди.*

¹ Норқобилов Н. Тоғ одами. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 68-бет.

² Норқобилов Н. Тоғ одами. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 66-бет.

Келувчиларнинг саросимада типирчилашлари, ваҳимага тўла кўзларнинг олайишлари, сўнг думбаларини ликиллатиб қочишлари бариси жуда заройиб эди”¹.

Ҳозирда унинг дилини ўртаётган нарса тоғда бўлиб ўтаётган воқеа эди. Жондош шу тобда ҳам ўзи ҳақида ўйланмас, кўрасидаги ҳайвонларнинг ҳоли не кечиши ҳақида бош қотиради. Ахир у ерда унинг учун энг кадрли, ёшлигидан ўзи парваришлаб, жароҳатларига малҳам бўлиб боққан беозор жониворлари бор эди-да.

Жондош бир нарсадан ҳайратланарди, нега инсон зоти бу қадар безътибор ва лоқайд? Нега у борлиқ берган неъматларни кадрламайди? Нега у ўзга жонни оғритишдан ҳеч ҳам оғринмайди. Шу каби саволларга жавоб топишга қийналар экан, тоғдаги тўкнашувда унга нисбатан назари пастлик қилишганини ҳам ҳазм қила олмас эди. Ёлғизлик инсонни руҳан емиради. У кишидаги қатъиятни заифлайди, иродани сусайтиради, ишончни сўндиради, – умидни эса ўлдиради. Буни билган қаҳрамонимиз Жондош ити Бўйноқ ва ёввойи, йиртқич ҳайвон қоплонни ўзига ҳамроҳ қилиб олганди. Тоғдаги биринчи тунданоқ чипор кўздан ғойиб бўлди. Жондош бўлса бундан ҳеч ҳам ажабланмади. Унинг дилида ҳеч қандай кўрқув, ҳеч қандай ҳадик йўқ эди. Ўз хаёлларига ғарқ бўлганича ўтирар экан, бирдан тўзғиб кетган дикқатини бир жойга тўплади: *“У майда-чуйда ташивишли ўйларга эрк бермасликка тиришиб, этнинг пишишини кутиб ўтираркан, Бўйноқнинг ириллашидан ўзига келди. Ит тикилган томонга ўгирилиб, капалаги учиб кетди. Не кўз билан кўрсинки, қуйидаги чангалзордан погониддаги юлдузларни йилтиллашиб, икки милиционер чиқиб келарди. Улар зўрма-зўр одимлашаётган бўлишса-да, Жондошнинг наздида шиддатли югуриб келишаётгандек туюлди.*

У илк дафъа кўрқувни чуқур ҳис қилди. Бу шу қадар ёқимсиз ва нохуш туйғу эдики, бунақасини ҳали ҳеч бошидан кечирмаганди. “Тўхта!” деган ҳайқириғу, осмонга кетма-кет узилган ўқдан эмас, юзага келган вазиятнинг моҳиятидан юраги орқасига тортиб кетганди. Тавба, уни таъқиб

¹ Норқобилов Н. Тоғ одами. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Т., “Шарк”, 2005. 93-бет.

етишаяпти-я! Худди яраланган жониворнинг изидан тушган овчилардай қувлаб келишаяпти-я!”¹.

Башир чандир анчайин уста изқуварлардан бўлиб Садир Назирни ўзига эргаштириб тинмай ҳаракат қиларди: *“Ўз касбига ўта содиқ бўлиб, ишга масъулият билан ёндашар, шунчаки қимирлаб юрганларни жини севмасди. У бир хаёли касб масъулияти ҳақида оғиз кўпиртириб юбормоқчи бўлдию, лекин ўзини тийди. Ичидан итини олиб келганидан мамнун бўлиб қўйди”².*

Ўз ортидан қувиб келаётганини курган Жондош кўксида нималарнингдир содир бўлаётганини сезар, ўзига сиғмай карахт бир ҳолга тушиб қолаётганини сезиб, бу ҳолатдан қутилишга уринарди. Ёзувчи асардаги бундай руҳий ҳолатларни ғоят гўзал тарзда пейзаж табиат манзаралари билан уйғун тасвирлайди. Жондош адолат учун курашган, аммо ҳақиқатга етишиш мураккаблигини ҳам теран илғайди. *“Жондош таъқибга учраш гоаят нохушлигини, у кишида жирканч бир қўрқувни уйғотиб, дунёни тор, жуда тор кўрсатиб қўйишини илк бор ҳис этмоқда эди. Шунингдек, қўрқувда ранг мавжудлигини, бу ранг теваракдаги бошқа ранглар билан қоришиб, совуқ бир тус олишини англаб етганди. Бу қўрқув унинг идрокида формали кишилар қиёфасида шаклланиб, улар чиқиб келган чангалзор ранги билан уйғунлашиб кетганди. Бу манзара ниҳоятда тунда даҳшатли эди. Унинг қаъридан ўпирган совуқ эпкини киши вужудини музлатиб, қочмоққа мажбур этардиким, бундай пайтда бандаси тошлар бағрига синггиси, бирор-бир арчага, ёҳуд бутага айланиб одам оёғи етиши қийин бўлган тоғлар бағрида абадий қолиб кетгиси келарди. Афсус, тирик вужуд тош қотмайди, шунингдек, арча-ю бутага ҳам айланмайди. У худди ёввойи жониворлардек қочмоғи, бекинмоғи мумкин, холос”³.*

Табиат гўзал хилқат. Инсон ҳам унинг яратиғи, бир бўлаги ҳисобланади. Унинг фусункорлигини, гўзаллигини ҳис этиш қийин эмас. Бироқ Жондош

¹ Норқобилов Н. Тоғ одами. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 80-бет.

² Норқобилов Н. Ажал чорлаган кун. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 81-бет.

³ Норқобилов Н. Тоғ одами. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005.91-92-бетлар.

шу вақтга қадар тоғ гўзалликларига назар солмаганлигини, унинг гўзаллигини ҳис этмаганлигини мана энди туймоқда эди.

Инсон ҳар қандай ёлғизликка, айрилиққа бардош бермасин, кўнгли ҳасрат истайди. Ёлғизлик олдида бош эгади. Чунки ёлғизлик фақат Оллоҳга хос эканлиги ҳеч кимга сир эмас. Қийинчилик, ташвиш, инсон юрагини ич-ичидан емиради. Асар қаҳрамони Жондош ҳам ана шундай қийинчиликлар тўрига илинди: *“Жондош шу кетишда довол тепаида нафас ростлади. Эғнидаги пахталигини ясси тош устига ташлаб, бир четига омонатгина чўкди. Кўнгли шу қадар ҳасрат истардики, юрагини кимгадир бўшатмоқ ўйида беихтиёр ёнверига аланлаганини сезмай қолди. Аммо бу тоғу тошда дардкаш топмоқ мушкул эди. Тошлар салтанати бутун борлиққа бепарво ҳолатда сокин мудрар, унинг ҳатто кўкдаги қуёш ҳам бу ерга бегонадек эди”¹.*

Башир чандир ва Садир назир унинг ортидан борар, тобора тоғ оралаб кетарди. У ёлғизлик ҳиссини кўнглидан қувиш учун Бўйноқ ва Чипорни доимо ўзига ҳамроҳ қилиб дардларини тўкиб соларди. Бўйноқ унга содиқ ва вафодор. Чипор бўлса, у ҳам Жондош учун яхши дўст ва ҳимоячи эди. Бироқ у ёввойи табиат вакили. Унинг аждодлари ўзига хон, ўзига бек, табиат кўйнида эмин-эркин яшаб келган. У ҳам шу аждодларнинг давомчиси, тоғу тош эгаларидан бири. Куни келиб унинг бош олиб кетиши тайин эди ва шундай ҳам бўлди. Бутазор оралаб кўздан йўқолар экан Жондош ортидан қараб қолади: *“Овга кетди, деди ўзини чалғитиш учун. Бунга жавобан ит гингишиди. Келди,- деди, Жондош итнинг гингишишини англаса-да, ўзини ишонтиришига тиришиб. Қорнини тўйгазиб қайтади. Аммо Бўйноқ тинчимади. Қоплоннинг қайтмаслигини сезгандай, гингишишда давом этди. Қайтади, Жондош итни туртди. Кўп гингишмай, ма, нондан е! Бўйноқ нонга қайрилиб қарамади. Жондошнинг томоғидан овқат ўтмай қолди. - Наҳотки, бутунлай кетган бўлса!”².*

¹ Норқобилов Н. Тоғ одами. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 100-бет.

² Норқобилов Н. Тоғ одами. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005.107-108-бетлар.

Унинг қайтишини узоқ кутган Жондош қайтмаслигини билиб яна йўлга равона бўлди. Бундан унинг кўкси қаттиқ оғриқни ҳис қилар ва бу оғриқдан юраги аламли ачирди. Кўзлаган манзилига келгач, қувловчилари анчайин ортда қолган, деб хаёл қилиб кеч овқатга бамайлихотир ўзгача тайёрлана бошлади. Бу вақтда эса Жондош ва Бўйноқни бир хуркитиб ўтган бўрилар галаси, изқуварларни анча бесаранжом қилган, туни билан уйқусизликдан азият чекиб ҳолдан тойган эди. Ҳикоя сюжетида воқеалар ривожланиб борар экан, инсон ва жонли табиатнинг ўзаро маънавий руҳий яқинлиги, ўзига хос ҳамдардлиги кузатилади.

Тонгда ўқ овози ва ити Бўйноқнинг инграшидан чўчиб уйғонган Жондош, кечки зиёфат қуюқ бўлганлигидан боши гангиб тинмай милтиқни изларди: *“Кутилмаган бу талатўпдан базўр ўзига келган Жондош зор деворига беҳол суянаркан, шундоққина тумшуғи тагида дум силкиб турган беўхшов итни кўрди. Унга ҳов бирда кўзи тушгандай бўларди. Сўнг тепасида шифтдай бўлиб турган кўланкага разм солди. Башир чандир тантанавор қиёфада илжайиб турарди”*¹.

Жондош гўр оғзида чўзилиб ётган Бўйноқнинг танасини кўриб ачинмади ҳам. Энди унда ҳеч қандай ҳатто англаш ҳисси ҳам йўқ эди. У ҳеч вақт тоғдан айро яшашни ўйламас ва буни тасаввурига ҳам сиғдира олмас эди. Мана ҳозир қўли боғлиқ тутқун каби юриб борар экан ундаги руҳий тушқун ҳолат беҳад эди. Тоғлардан узоқда яшаш унинг учун ўлим билан баробар эканлигини яна-да теранроқ ҳис этарди. *“У ҳатто ўзи тугилиб ўсган қишлоқда бир кундан ортиқ туролмасди. Тўртта одамнинг орасида юраги ўз-ўзидан сиқилиб кетаверарди. Кишилардан кўра кўрасидаги ёввойи жсониворларни ўзига яқин кўрарди. Йигит учун олам тоғу-тош, тириклик деганлари эса кўргони эди... Тоғларни у инсон қавмидан қаттиқ қизганиб келди”*². Эркинлик, табиатни асраш унинг вазифасига айланган эди.

¹ Норқобилов Н Тоғ одами. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 129-бет.

²Норқобилов Н. Тоғ одами. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 138-бет.

Инсониятнинг табиатга қилаётган тажовузидан даҳшатга тушар эди. Аммо ғаддор муҳит унинг эркига чек қўйишга интиларди.

Тутқунликдан қутулишга уринган Жондош жар оғзига илиниб ўлим билан юзма-юз келади. Шу дам унинг кўзи кўкда парвоз қилаётган бургутга тушади: *“Осмон султони ердаги бу ғалати ишдан ҳанг-манг бўлгандай, кичик доира ясаб, оҳиста сузиб юрарди. Унга Жондошнинг ҳаваси келди. Қани энди, қаноти бўлсаю, манавиларнинг қўли етмайдиган юксак тоғлар сари учиб кетса. Аслида, азалдан у бургутларга ҳавасланиб боқарди. Улкан бу қушнинг ҳавода қилт этмай суза олишидан ҳайратга келарди”*¹.

Н.Норқобилов ҳикояда тутқунлик, пастда эса қоялар жаҳаннами уни бош қаҳрамонга маҳорат билан рўбарў қилади. Қай бирини танлаш Жондош учун шу тобда ҳеч қандай ўйларли ҳол эмасди. У тутқунликдан кўра жаҳаннамни афзал билади ва кўзларини юмди: *“Жондош ўзининг бу “парвоз”и ҳадемай жаҳаннам тубидаги тошлар салтанатида яқун топишини билгани боис, кўзларини қайта очмоқни истамади. Унинг тасаввури кўзга айланганди. Тасаввурида эса ўша бургут қанотларини кенг ёзганича оҳиста парвоз этарди. Аммо бургут парвози узоқ давом этмади... Жондош кучли зарбдан кўзларини очиб, ўзини арча шохлари оғушида кўрди. У тик жарлик деворини ёриб чиққан арча устига бориб тушганди. Сершоҳ арчанинг бақувватлигини танида ҳис этаркан, шуурсиз бир равишда бутоқлардан бирига ёпишди. Тасаввуридаги парвоз изсиз йўқолиб, у тагин ҳаётга юзма-юз келганди. Тенадан мўралашаётган башараларга, оппоқ дайди булут зеб бериб турган кўм-кўк осмонга, залвори остида оҳиста тебранаётган арчанинг пишиқ ва йўгон танасига бамисоли тикондек ўлжасини пойлаб ётган пастдаги қиррадор тошларга бир-бир кўз ташларкан, негадир, тик жарлик деворни ёриб чиққан арчанинг кўримсизлигию бақувватлигини ўйлади. Бу хил арчалар негадир бир-бирига*

¹ Норқобилов Н. Тоғ одами. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 142-бет.

ўхшаи бўлишини хаёлидан ўтказди. Шундан сўнг юрагида тузилган яшаи иштиёқига бўйсуниб, арча шохлари орасига тузукроқ ўрнашди”¹.

Одам қазоси етмаса, ризқи узилмаса ўлмайди. Жондош – мард ва мағрур одам. Шунинг учун унинг «парвози»ни адиб бургутга қиёсан тасвирлайди. Умид ёнди, яшашга бўлган иштиёқ қайта уйғонади. Тоғ ўз фарзандини қутқарди. Жондош сўқмоқ бўйлаб қояларга тирмашар экан, арчазор ёқасида кўздан ғойиб бўлди.

Юқоридагилардан ҳам кўриниб турибдики, адиб бош қаҳрамоннинг шахсий инқирози омили сифатида фарзанд тарбиясини асос қилиб кўрсатади ва буни бошқа қаҳрамон томонидан эътироф этилганлигини исботлайди. Бундай ўзига хос поэтик тасвирларни адибнинг бошқа қисса, ҳикоялари ва улардаги образларнинг характерида ҳам кузатиш мумкин. Дейлик, ёзувчининг “Қуёш тутилган кун” ҳикоясидаги Собир полвон ёки “Орият” ҳикоясидаги Хусан полвон каби образлар характерини махсус ўрганган адабиётшунос олим Ҳакимжон Каримов шундай фикрларни ёзади: ”Нормурод ҳар бир асарида табиат билан инсонни уйғунликда тасвирлайди. У табиатдан шунчаки манзара яратмайди, ундан моҳият қидиради, киши диққатини ўзига жалб қилади”².

Дарҳақиқат, адиб табиат ва инсон бирлигини англашга ҳаракат қилади ва шу нуқтаий назардан образлар оламини бадиий талқин этади. Моҳият эса инсонни англашга интилиш, унинг турфа хил характер қўйирраларини ёритишдан иборатдир.

Боб бўйича хулоса:

Характерларни индивидуаллаштиришда образнинг ташқи кўриниш чизгилари, яъни портретга ҳам алоҳида аҳамият бериш Нормурод Норқобилов ҳикоялари поэтикасига хос хусусият саналади. Портрет чизгиларининг ташқи ва ички образи оламини намоён этади.

¹ Норқобилов Н. Тоғ одами. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 144-бет.

² Каримов Ҳ.Истиқлол даври адабиёти. – Тошкент: Янги нашр нашриёти. 2010 йил, 159-бет.

Муаллиф қаҳрамонини психологик жиҳатдан тавсифлайди ва унинг кечинмалари ва руҳияти орқали инсон табиатининг ўзига хосликларини кўрсатиб ўтишга ҳаракат қилади.

Хуллас, Нормурод Норқобилонинг инсон образи яратилишдаги индивидуаллаштириш усули ҳикоялари муваффақиятини таъминловчи ва адибнинг поэтик маҳоратидан дарак берувчи омиллар сирасига киради. Нормурод Норқобилов ўз ҳикояларида миллий характерга эга образларни ориятли, мард ва жасур инсонлар сифатида тасвирлаши муҳим поэтик жиҳат ҳисобланади.

Ёзувчининг маҳорати, воқеа-ҳодисалар моҳиятини ойдинлаштириш жараёнида инсон ва табиат муносабатига, улар ўртасидаги параллел тасвирларга урғу беришида кузатилади. Ёзувчи ҳикояларидаги Талъат, Ашур, Нурбек, Дилмурод, Жондош каби турли образларнинг руҳий-психологик тасвирида миллий ўзига хослик бўртиб кўринади.

Адиб ҳикоялари жаҳон адабиётининг нодир намуналари билан таққослаганда, Нормурод Норқобилов табиат ва инсон муносабатига хос тасвир тамойилларида қайсидир жиҳатдан Чингиз Айтматовдек аллома адибнинг адабий мактабида таълим олгани ҳам сезилади.

II БОБ

АДИБ ҚИССАЛАРИДА ИНСОН ВА ТАБИАТ УЙҒУНЛИГИ

2.1. Инсон ва ноботот олами муносабатларида шахс фожиаси

Бадиий адабиёт марказида инсон турар экан, моҳир носирлар уни якка-ёлғиз тасвирламайди. Балки табиат ҳодисаларига уйғун равишда қаламга олади. Шу жиҳатдан, Нормурод Норқобилов ўзбек насрида одам, табиат, ҳайвонот оламининг ўзаро мураккаб муносабатларини муқоясалар асносида акс эттиришга интилаётган ижодкордир. Нормурод Норқобилов тоғ бағри қишлоқларини роса кезади: овчи, тоғчи, ўқитувчи, қизу аёл, бўри, ит, айиқ, қоплон сингарилар феълени кўп ва хўп ўрганади. Одам бозорини кезади,

имкон қадар бадий сўз воситасида уларни баҳолашга ҳаракат қилади. Унда муносабатлар, чину ёлғон хатти-ҳаракатлар, тусланиш ва турланишлар кўзга ташланади. Ёзувчи ҳайвону инсон аро ранго-ранг дуэлларга–детектив муносабатларга дуч келади. Ёзувчи ўз асарларида тириклик ҳаёт моҳиятига мос қатор ҳис-туйғуларни гўзал бир йўсинда очиб беришга ҳаракат қилади. Бадий асар рўй берган қизиқарли воқеалар тасвиридан эмас, балки инсон кўнгли туйғуларининг микро таҳлилидан иборатдир. Ҳар бир инсон олам ва одамятни ўз фаҳми-фаросати даражасидагина англай олади. Шунинг учун бугунги адабиётда одамдан ташқаридаги воқеаларга эмас, инсон руҳиятида содир бўлаётган ички кечинма ва жараёнларга кўпроқ эътибор қаратилмоқда.

Адибнинг “Овул оралаган бўри” қиссасида келтирилган пейзаж тасвири асар қаҳрамони Чўнгалла характери билан уйғун ифодаланган. Ёзувчи инсондаги ҳис-туйғу ва одамийлик фазилатлари йўқолишини қиш чилласидаги қорсиз дашт тимсолида жонли гавдалантиради. Инсон гоҳида ҳис-туйғуларига асир бўлади, бошқалар қалб туйғуларини ҳис қила олмайдиган, бир озгина ютуқдан ҳаволаниб, атрофида кечаётган ҳодисалардан беҳабар, бефарқ, лоқайд одамга айланади. Буни қарангки, ёзувчи асарида худди шу ҳақда қуйидаги фикрларни ёзади: *“Салом мерган қишлоқдошларининг ҳадяларини хушнуд қабул қилишда давом этаркан, шу тобда ўзига ажал тимсоли кўз тикиб турганини хаёлига келтирмасди. У мақтовлардан маст, ҳадялардан бахтиёр эди. Даштдаги тулки-ю қуёнларга қирон келтирувчи бу кимса бўрини илк бор қўлга тушириши эди”*¹.

Бир жониворнинг айрилиқ азобидан қийналиши, фиғони самоларни қақшатиб, маҳзун оҳ чекиши, мағрур бошини эгиши кишини таажжубга солади: *“Яйдоқ даштда ҳиднинг сақланиши қийин. Шунга қарамай, Чўнгалла айрим ҳидларни фарқлай билди. Аммо бундан кўнгли оройиш топмади. Ёлғизлиги қор қилиб, ички бир дард билан гингиб юборди. Бу нидода жудолик алами эмас, ёлғизлик мавжуд эди. Оқёлдан жудо бўлганини*

¹ Норқобилов Н. Овул оралаган бўри. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 8-бет.

у ҳануз хаёлига келтирмасди. Оқёл шунчаки банди, бандини эса қутқармоқ керак.”¹.

Бу азобли ҳижрондан қийналар экан, қисса қаҳрамони Чўнгалла ҳозирда қаватида бўлмаган жуфти Оқёл билан бошидан кечирган яхши, қувончга тўла хушбахт кунларини, шу билан бирга бирдам кўнгилни ғаш қилувчи, эслаганда бағрини ўрташ билан қандайдир оғриқни ҳис қилиши уни қийноқ гулханидан отилган бир парча чўғ каби кўйдирарди: *“Тошлибурунда катта бир фожиа юз берганди. Қоя этагидаги уяларида уларнинг тўрт боласи нобуд бўлганди. Улар чўпонлар томонидан тутунга димиқтириб ўлдирилганди. Чўпонлар улар инини қандай топишган бу ёлғиз Худобага аён. Аммо овдан қайтишганда, тўрттала боласи ҳам тарашадай қотиб ётарди. Шундан бери у тутун ҳидини жинидан баттар ёмон кўради. Ўшанда Оқёл роса бўзлаганди. Бир ҳафта болаларини ялаб-юлқаб, оёққа турғизмоққа уринганди. Барча ҳаракатлари бесамар эканлигини англагач эса, ойга қараб улаганди. Чўнгалла ички бир истакка итоат этиб, қатор ётқизилган болаларнинг устига тупроқ сочган. Оқёл унга қаршилик кўрсатмаган. Кейин тупроқ уюмини ҳидлаб-ҳидлаб, боши оққан томонга улоқиб кетган. Ўшанда у бемақсад дайдиган, йўлида учраган жонлиқларни тилка-пора қилиб ташлаган. Унинг бу юриши сел ювган жарликкача давом этган. Оқёл жар ёнидаги соз тупроқда тўрт кун кучала тушиб ётган. Чўнгалла содиқ ёр сифатида жар тубида унинг тинчини қўриган, тунлари овга чиқиб, ўлжа билан қайтган. Бироқ Оқёл хўракка оғиз урмаган”².* Бўрилар оиласидаги фожиа – Чўнгалла билан Оқёлнинг изтиробларини адиб реал тасвирлайди.

Бу фожиали йўқотишдан бутунлай тушкунликка тушиб, ўзини йўқотиб қўймаган, қолаверса, бефарқ ва лоқайд тушкун руҳий ҳолати ўз измига сола олмаган бу арлони бўрини асарда қатъият тимсоли сифатида кўриши мумкин. Ҳар қандай шароит ва ҳар қандай вазиятда ҳам Чўнгалла бир неча

¹ Норқобилов Н. Овул оралаган бўри. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005.11-бет.

² Норқобилов Н. Овул оралаган бўри. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 17-бет

бор Оқёлни излаб қишлоқ томон йўл солади. Унинг севгиси шу даражада кучлики, одамлар томонидан бериладиган ададсиз қийноқдан ҳам, ўлимдан ҳам қўрқмайди. Уни фақат Оқёлнинг иси ўзига чорлайди. Бироқ бу ис уни ўзи учун мутлақо бегона бўлган ҳидлар томон етаклар, юрагида ҳадик ва кўрқув ҳисларини уйғотар эди.

Қишлоқ ёқасида жойлашган баландликда улкан бошини, бақувват оёқларига қўйиб, қишлоқни маҳзун ва жиддий кузатади. Асарда вафодорлик, меҳр-муҳаббат, садоқат каби инсоний фазилатлар юқори ўринни эгаллайди. Энг муҳими, бу инсоний фожиалар бўрилар характерининг ўзига хос кирраларини намоён этиш билан кўрсатилади. Қиссадаги воқеалар ривожда, нафақат, инсондаги ижобий фазилатлар, балки салбий жиҳатлар ҳам жуда жонли гавдалантирилади. Теранроқ назар ташланса, қисса муаллифи ҳозирги кун учун долзарб бўлган экологик тарбияни ҳам ўқувчи онгига қаҳрамони Чўнгалла орқали, жуда муҳим рамзий образ воситасида сингдиради. Чўнгалланинг жуфти Оқёл овчилар қопқонига тушиб, Салом мерганнинг курбонига айланди. Вафодорлик тимсоли сифатида берилган бўри табиатида жуда гўзал ҳис-туйғулар худди инсон қалбидаги руҳий ҳолатларга монанд кўрсатилади.

Агарда инсонда туйғу бўлмаса, қуёш ҳароратсиз, табиат рангсиз, тириклик ва хаёл руҳсизлик касб этади. Биз таҳлил қилишга уринаётган машҳур "Овул оралаган бўри" қиссаси зотан инсонлар хусусида бўлмаса-да, табиатнинг яратиғи бўлган, ўз дунёсининг мушкулотлари билан курашиб дашт ва ўрмонларда яшовчи бўри ҳақида. Асарда Салом мерган зиддиятли образ. Бўри – образи концептуал образ даражасига кўтарилмагани каби Салом мерган образи ҳам бадиий етилмаган. Бундан келиб чиқадиган маъно асарда ёзувчи ғояси концептуал даражада кўтарилмаган. Асарда Салом мерган бир қатор қатъиятсиз, иродаси бўш, тез ҳаволанувчи, ўзгалар фикрига тез оғишиб кетувчи шахс сифатида тасвирланади. У табиатан феъли юмшоқ инсон сифатида келтирилган бўлса-да, бойликка ўчлик ҳисси унинг бу хислатларини кўмиб ташлайди. Манманлиги, тажанглиги

унинг муваффақиятга эришиш йўлидаги юнг катта муаммоли тўсик эканлиги асарда яққол кўрсатилади. Бизга маълумки, ҳаёт сўқмоқлари инсон характерини ўзгартиради. Талқинлар давомида инсон ва набобот олами ҳақидаги қарашлар таҳлил этилди ҳамда табиат ва инсон диалектик бирликда ҳаёт кечиришига алоҳида урғу берилди.

Чўнгкалла Салом мерган олдида – унинг қаршисида жуда ожиз колгандек кўринади. Айрилиқ азоби ҳар қандай қатъиятни, ҳар қандай иродани секин-асталик билан емиради. Қатъият бир тоғ бўлса, тош йўнувчи уни бир чеккадан йўниб адо қилади. Узоқ айрилиқ ҳижрони Чўнгкалланинг руҳиятини маҳзун эзмокда эди.

“Чўнгкалла бўриларча кулди ва ҳаракатини сал секинлатди. Оқпанжанинг қувиб етишига имкон ярата бошлади. Ана у оппоқ панжалари остидан нам тупроқ сочиб тобора яқинлаштириб келмоқда. Унинг ҳадиги Малла итдан эди. Агар итлар тенглашса, ўйлаган режасини амалга ошириш мушкул кечарди. Бахтига Оқпанжа янада тезлашиб, итлардан анча илгарилаб кетди ва бир муддатдан сўнг Чўнгкалланинг нақ яғринига оғиз солди. Бироқ тиши рақибининг яғринига етмай, ўзининг бўйни бўрининг даҳшатли жағлари орасига тушиб қолди”¹.

Шундан сўнг Салом мерганнинг тунлари пойлоқчиликда ўтарди. Юраги кўркув, ҳадик билан тўлар, қурол ушлаган қўллари ўзига бўйсунмай сассиз титради. Бир жон олувини пойлаб ўтирар экан, хаёлидан турли нарсаларни ўтказди, ўз аҳволидан норозиланиб дўстларининг иссиқ кўрпада роҳат қилиб ором олаётганларидан нолийди: *“Кўнглига инсоф униб, милтиқ тутган қўли тамомила бўшашиганди. Бироқ Гўнгтепада Чўнгкалланинг қорасини илгашти билан юрагидаги бу ҳис изсиз йўқолиб, унинг ўрнини ўша-ўша очкўзлик эгаллади. Бир сигирнинг пули ҳар қандай яхши ўйлардан устувор келди”².*

¹ Норқобилов Н. Ажал чорлаган кун. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 36-бет.

² Норқобилов Н. Ажал чорлаган кун. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 37-бет.

Салом мерган образи асарда анча қатъиятсиз, иродаси бўш, тез хаволанувчи, ўзгалар фикрига тез оғишиб кетувчи шахс сифатида тасвирланади. У табиатан феъли юмшоқ инсон сифатида келтирилган бўлса-да, бойликка ўчлик виси унинг бу хислатларини кўмиб ташлайди. Манманлиги, тажанглиги унинг муваффақиятга эришиш йўлидаги энг катта муаммоли тўсиқ эканлиги асарда яққол кўрсатилади: “Шунга қарамай, охирги дақиқада милтиқ милини атай титратди. Ички бир истак сўнгги лаҳзада уни шу ишга ундади ва оқибат, йирик қўрғошин Чўнгкалланинг боши устидан ўтиб кетди.

Чўнгкалла жонҳолатда дашт томон қочди. Салом мерган иккинчи ўқни бўшатмади. Отгани билан теккизиши қийин эди. У итларнинг хуружига бирпас қулоқ тутиб тураркан, совуқдан ёрилган лабларидан шу сўзлар учди: – Шеригинг омбортомда. Энди мени ўша ердан топасан. Ё мен сени тинчитаман, ё сен мени! У омбортомга кириб, бурчакдаги бўш қошларни ерга ташлади-да, Оқёлнинг қаватига ётиб олди. Аввалроқ шу иш хаёлига келмаганидан ичида ўзини сўкиб ҳам қўйди. У жуда тез пинакка кетди”.¹ Ҳар қандай жанрдаги бадий асарда воқелик баёнига образлараро конфликт қизиқарли тус беради. Чўнгкалла билан Салом мерган ўртасидаги зимдан зиддият ўқувчининг эътиборини тортади.

Ёзувчининг ушбу “Овул оралаган бўри” қиссасида ёритилган жондор – Чўнгкалланинг умри давомида ишониб, севиб, бирга (тўдадан айро ҳолда яшаса-да) бахтли умргузаронлик қилган жуфтидан, юпанчидан жудо бўлган ҳолати ва унинг ичкарасида кечган зилзилалар силсиласи жондорнинг руҳий оламини, ингроқ нидосини ва жуфтига бўлган садоқатини ниҳоятда теран акс эттиради: *“Ахир даштда санқиганингда, оёгинг остида қорнинг гирчиллашига нима етсин. Қорга чўмилишларни-ку асти қўяверасиз. Ҳозир айни қорга чўмиладиган ҳаво эди. Бироқ у нарса Чўнгкалланинг юрагига сизмас, негаки, қутилмаганда у ургочи бўри Оқёлнинг изини йўқотиб, қонли халқобга дуч келиб турарди-да. Қон Оқёлники, аммо жасади кўринмасди. Айни шу нарса*

¹Норқобилов Н. Овул оралаган бўри. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 54-бет.

Чўнгалланинг ортиқча безовталанишига изн бермасди. Нега деганда, жониворлар то шеригининг жонсиз жасадига дуч келмагунча жудоликка ишонмайди”¹. Бу тасвирларда онгсиз жониворнинг худди одамлар каби изтироб чекиши каби талқинлар асосли ифодасини топган. Тўғри, ёзувчи бу ўринда мажозий образ орқали инсонга хос бўлган ва бўлмаган хислатларни талқин этган.

Қиссада инсониятга хос бўлган баъзи бир хислатлар ҳам яққол кўзга ташланади. Бу Салом мерган образида ифодаланади. Салом мерганни обрў, шон-шуҳрат ва қандайдир мукофотни дея қора тунда жондор пойламоқчилигини ёки шу ваҳимали тунда хаёллар исканжасида қолиб, турли ўй-фикрларга чўмишини ёзувчи маҳорат билан тасвирлайди:

“Энг қизиги, ёввойи жондор жуфтини қидиради, бу борада ҳатто ўлимга тик боқади. Одамзод эса ўлиб кетганинг билан иши йўқ. Ана, аёли ҳолинг қалай демайди. Тўнғиб қолманг, деганича қайтиб қорасини кўрсатгани йўқ. Кўшилари милтиқ овозидан ҳам уйғонишмайди. Уйғонишса-да, иссиқ кўрпадан бош чиқаргиси келмайди. Салом мерган билан неча пуллик иши бор уларнинг. Эрталаб жасадини кўришса-да, бир туки қилт этмайди, йўлига ачинган бўлишади. Яқинлари йиглаб сиқташади... Кейин Салом мерган деган банда ўтганлигини ҳамма унутади. Ёввойи бир жондорча бўлолмас эканмиз, яшайдан не мақсаду, не маъни унда?”². Кабиларни хаёлидан ўтказиши ҳам ўқувчини мушоҳадага тортади. Китобхон ўйга толар экан, инсонлар ўртасидаги меҳринг, одамийлик каби тушунчаларнинг аста-секин йўқолиб бораётганлигини теранроқ ҳис этади, бундан изтиробга тушади. Худди шу каби ўй-фикрлар асар давомида Салом мерганни тинч қўймайди. Урғочи бўри Оқёлнинг қайсарлиги, тихирлигига қарамай, ўз жуфтини дея тунда мардларча икки бор ўлимга рўпара келган – Чўнгаллани кўрган Салом мерган бўрининг йўлига қопқон қўйишни таклиф этган Норкул чолнинг фикрига қарши туради. Сўнг Чўнгалла мард жондор,

¹ Норқобилов Н. Овул оралаган бўри. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Тошкент: Шарқ, 2005. 56-бет.

² Норқобилов Н. Овул оралаган бўри. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. – Тошкент: Шарқ, 2005. 57-бет.

у фақат мардона ўлимга лойиқлигини алоҳида таъкидлайди. Бу ўлим эса фақат милтиқ билан амалга ошириш лозимлигини қайд этиб, ўзи сезмаган ҳолда арлони бўри Чўнгкаллага меҳр кўяди.

Мукофот дардида бўлган ва бунинг учун жондорни ўлдиришга шай турган Салом мерганнинг асар сўнгида Чўнгкаллага бўлган муносабати ўзгаради: *“Жондорнинг қишлоққа тикилган кўзларида ёш қотиб қолганди. Бечоранинг юраги жудоликка бардош беролмаганди. Буни дафъатан англаб етган Салом мерганнинг томоғига ёнғоқдек нарса келиб тикилди. Эгилиб жондорнинг бошини силаркан, чуқур хўрсинди. Шунда у мукофот нақдлигини ўйлади. Бироқ бундан зигирча қувонмади. Жондорнинг ёшли кўзларига қараёлмай, узоқ-узоқларга термулиб қолди”¹.*

Ёзувчи Салом мерган образига ўзгача ёндашган. Асар бошида мансаб, обрў, шон-шуҳратга ўч, мукофот дардида тунни тун демай, куйиб пишаётган одам сюжет воқелиги ечимида умуман бошқа инсонга айланади. Унинг тош қалбида ҳайвонот оламига нисбатан илиқлик пайдо бўлади. Инсон ва наботот олами ўртасидаги зиддиятлар маҳорат билан талқин қилинган бу қиссада жамиятдаги ижтимоий-маиший фожиалар мажозий образларга сингдирилади. Инсон ва табиат бирлиги, унинг бири иккинчисига кераклигини теранроқ англашга ундайди.

Салом мерган характерининг ўзгаришини адиб деталлаштириб, одамлар ўртасидаги меҳрнинг йўқолиши, аммо ҳайвонот оламидаги ўзаро меҳр қисса қаҳрамонини шундай фикрлашга мажбур қилади. Буни ўқувчи арлони бўри Чўнгкалла ўлганидан кейин Норкул чол ва Эсон полвонлар жондорни тепиб, терисини шилмоқчи бўлганида бунга қарши чиққани Салом мерган бўрини иззатлаб кўмиш керак, деган сўзларидан аниқ ҳис этади.

Ёзувчи Нормурод Норқобилов арлони бўри Чўнгкалла ва Салом мерганнинг ўй-мушоҳадалари орқали инсониятда тобора камайиб бораётган баъзи бир хислатларни бир-бирига бўлган меҳр-муҳаббат, жонкуярлик, ўзаро

¹ Норқобилов Н. Овул оралаган бўри. Қаранг: Овул оралаган бўри. Қиссалар. – Тошкент: Шарқ, 2005. 58-бет.

ишонч, одамийлик, самимийлик, инсофлик каби қатор умуминсоний хислатлар ва шу билан бирга табиатни асраб-авайлаш, уни муҳофаза қилиш, наботот оламига меҳр қўйиш ҳамда унинг олдидаги бурч ва масъулиятни йўқотмаслик каби ғояларни илгари суради.

Дарҳақиқат, бундай умуминсоний ғоялар, бевосита инсон ва ҳайвонот олами муносабатлари машҳур қирғиз адиби Ч.Айтматовнинг “Оқ кема”, “Асрга татигулик кун”, “Қиёмат” каби асарларида жуда маҳорат билан бадиий акс эттирилади. Бадиий асарни ўрганиш воситасида муайян миллат адабиёти, тарихи, маданияти ҳақида турфа хил таассуротлар вужудга келади. Инсонни эзгулик, яхшилик руҳида тарбиялашда бадиий адабиётнинг роли бекиёс. Шунинг учун адабиёт миллат, элат, қабила, уруғ танламайди. Ҳар қандай миллат адабиётида инсон ва у яшаган давр муҳити ўз аксини топади. Инсоният яратилибдики, бадиийлик қонуниятлари замирида инсонни англаш, ҳис этиш, тафаккур дунёсидаги ўзгаришларни бадиий талқин этиб келмоқда. Бадиийлик замирида ҳаёт ва инсон, унинг бадиий образи ўз ифодасини намоён қилиш орқали шахс қисмати, ботиний олами, бадиий характерлар даражасига чиқишини таъминлайди. “Бадиийлик ижодий-руҳий фаолият маҳсули ўлароқ дунёга келган асарнинг санъатга мансублигини белгиловчи хусусиятлар мажмуи. Образлилик бадиийликнинг бирламчи шарти саналиб, у воқеликни бадиий образлар орқали идрок этиш, бадиий образлар воситасида фикрлаш демакдир”¹.

Дарҳақиқат, бадиийлик образлилик билан узвий бирликда мавжуд бўлар экан, образлиликнинг ҳам ўзига хос тамойиллари мавжуддир. Бу ҳақида сўз юритган адабиётшунос Тўхта Бобоев шундай муҳим назарий қарашни илгари суради: “Образлилик–санъатнинг асосий хусусияти, ҳаётни ўзлаштиришнинг ўзига хос шакли ва усули, унинг “тили” ва шу билан бирга ҳаёт ҳодисалари устидан чиқарган ҳукми”дир.² Қайд қилинганидек, образлилик – бадиий ижоднинг энг характерли моҳиятини очишга хизмат қилади. Шунинг учун

¹ Курунов Д., Мамажонов З., Шералиева М. Адабиётшунослик луғати. – Тошкент: Академнашр, 2010. 56-б.

² Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 41-б.

хам, асар поэтикаси бадиий образ, бадиий тил, табиат ва унинг ҳодисалари, жамият, инсоният, жисмлар, буюмлар, ҳайвонот дунёси кабиларнинг барчасига доир талқинларни ўз ичига қамраб олади. Буларни тадқиқ этиш ижодкорнинг бадиийлик мезонларига қанчалик амал қилганини кўрсатади.

Бадиийликнинг ўзига хос томонларидан бири шакл ва мазмуннинг диалектик бирлигидир. Ана шу бирлик таъминланса, етук бадиий мукамал асарлар майдонга келади. Ўтган асрнинг сўнгги чорагида адабиёт майдонига бир қатор навқирон авлод кириб келди; уларнинг барчаси замонавий адабиёт тараққиёти учун хизмат қилишди. Улар шундай бир шароитда адабиётга кириб келдики, унинг замирида эркин сўз ва фикр айтиш имкониятини ҳам ўша давр муҳити юзага чиқараётганлигини ҳам алоҳида қайд этиш керак. Бу давр ижодкорлари адабиётнинг, ҳаттоки, бадиийлик мезонларининг янгилашишига сезиларли таъсир ўтказа олди. “Адабиётнинг бош мавзуси инсон бўлгани боис унинг хилма-хил ҳолат, ҳаракат, интилишлари бадиий асар учун материал бўла олади. Лекин бадиий асарда гавдалантирилган воқеа-ҳодисалар ҳаётда рўй берган ёки бўлиши мумкин воқеаларнинг шунчаки баёни эмас, балки уларнинг муайян нуқтаи назардан қайта ишланган шаклидир”¹. Ҳаёт воқелигини турли адабий тур ва жанрлар ифодалаши мумкин, аммо чинакам бадиий асар истеъдод соҳибининг ҳаётдан олган таассуротлари ва сабоқлари маҳсули ҳамдир. Ўз асарлари учун муаллиф ҳаётдаги барча икир-чикирларни эмас, асар бадиийлигига монанд энг характерли ўринларнигина танлайди ва образлар оламига таяниб талқин этади.

Йиллар давомида шаклланган худди мана шу анъаналар, ўтган аср давомида адабиётни маълум бир мафкурага хизмат қилдиришга ҳаракат қилганлиги, сўз санъаткорининг ҳаётга ва оламга теранроқ назар солиш имконини бермаганлиги бугунги кунда ҳеч кимга сир эмас. Ўтган аср сўнгида ўзбек адабиётига кириб келган ижодкорларда инсон ва оламга, ҳаёт ва ҳақиқатга теран назар солиш анъанаси кучли эди.

¹ Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 42-б.

Адабиётшунос Абдуғафур Расулов таъкидлаганидек: “Инсоннинг барча кутиришларига табиат чидади, “шариф-ку, инсофга келиб қолар”, дея ўзига таскин берди. Бўлмади. Табиат ҳам инсонга қарши бош кўтарди. Табиат ва инсон ихтилофи қиёмат қойимни нақд қилиб қўйди. Инсон табиатнигина эмас, ўзини-ўзи нобуд этишга шитоб билан киришди. Қиёматнинг аниқ кўринишлари рўй берди”¹.

Ҳақиқатдан ҳам, инсон ўзи яратган мўъжизалар олдидагина эмас, табиат олдида ҳам ожиз қолади. Табиат инсоннинг диалектик бирлиги унутилиш даражасига келиб қолди. Аммо ўшанда ҳам инсон бу ҳолатнинг сабабларини англаб етмади. Табиат инсондан “ўч” олишга киришгандан кейингина экологик фожиаларга яқинлашганлигини теранроқ ҳис эта бошлади. Шундай бир вақтда инсон қалбида изтироблар шаклланди, бу изтироб ижодкорнигина эмас, китобхон қалбини ҳам ларзага сола бошлади. Изтироб мавжуд жойдагина адолат, ҳақиқат борлигича намоён бўлади. Инсон ўз жисми олдидагина эмас, табиат мўъжизалари олдида ожиз қола бошлайди. Йиллар давомида инсон изтиробларини табиат, наботот олами орқали, уларнинг диалектик бирлигини талқин этишга буюк истеъдод соҳиби Чингиз Айтматов тинимсиз ҳаракат қилди. Инсон ва наботот олами олдидаги узвий бирлик уларнинг мавжудлиги эмас, бутун борлигини намоён этади. “Негаки изтироб ҳайрат манбаидир. У юракларни ғубордан поклаб, атрофимизни ўраган оламни чуқурроқ англашга кўмак берибгина қолмай, энг буюк санъаткор томонидан олам ҳодисаларининг мукамал даражада уйғун ва баркамол яратилганлигию бошқарилиб турилишига тасаннолар ўқимоққа рағбат уйғотади”².

Асосли таъкидланганидек, изтироб борлиқни, Яратганни, оламни англашга олиб келади. Изтиробсиз ёзилган асар инсон қалбини ларзага сола олмайди. Худди шу изтироб, инсонга ўзлигини англаш, атроф-муҳитга теранроқ назар солиш ва хулосалар чиқариш имконини беради. Бу эса

¹ Расулов А. Бадийлик – безавол янгилик. Илмий-адабий мақолалар, талқинлар, этюдлар. – Тошкент: Шарк, 2007. 83-б.

² Ганиев И., Ибрагимов Р. Чингиз Айтматов ва XX аср. – Тошкент: Академнашр, 2013.10-11-б.

инсонни бeфapқлик туйғусидан халос этиб, унинг қалбидаги, шууридаги дардларни юзага чиқаришга изн беради. Ҳақиқат аччиқ бўлади, аммо уни англаш, ҳис этиш инсонни баркамоллик сари элтади. Қайд қилинган фикрларга асосланган ҳолда, ижодкорнинг энг асосий вазифаси мураккаб ҳодисаларни содда, образли қилиб етказиш, тушунтириш экани маълум бўлади. Англаш ва ҳис этишни одамлар қалбида нур каби сочишга интиланган хар бир ижодкор китобхон қалбини ҳам забт этади. Ахир, буюк сўз соҳиби Чингиз Айтматов ҳам табиат, инсон унинг бирлигини ўз вақтида талкин эта олганлигини қайд этмоқчимиз. Бу анъаналарни изчиллик билан давом эттираётган бир қатор ижодкорлар ўзбек адабиётида ҳам қалам тебратди ва қалам тебратмоқда. Шукур Холмирзаев, Нормурод Норқобилов, Шойим Бўтаев, Луқмон Бўрихон каби носирларнинг асарларига назар ташланса, қайд қилинган ҳолатлар замирида маълум даражада бўлса-да, ҳақиқат мавжудлиги ҳис этилади. Адиблар ёзган асарларда инсоннинг маънавий олами, унинг дарду аламлари, оддий қишлоқ кишилари мисолида очиб берилдики, бунинг замирида содда, тўпори, бағри кенг ўзбек қиёфаси теранроқ гавдаланади. Бу каби ҳолатларни Н.Норқобиловнинг “Овул оралаган бўри” асаридаги инсон ва ҳайвонот олами тасвирида кузатиш мумкин. Асардаги асосий воқеалар инсон ва табиат ўртасидаги курашдан иборатдек туюлса-да, аслида инсон ва унинг маънавий, ботиний оламидаги зиддиятлар замирида шаклланган адолат, адолатсизлик, ҳақ ва ҳақсизлик, манманлик ва тубанлик томон қадам ташлаётган инсон образи кўз ўнгимизда жонланади. Табиат мўъжизалари олдида лол қолаётган инсоннигина эмас, зулм, адолатсизлик сари қадам ташлаб кетаётган шахсни фожиалардан огоҳлантирмоқчи бўлганлиги, рамзлар асосида инсон характерининг турфа оҳангларда акс эттириш ҳолати кузатилади. *“Қишлоқ аҳли уларни тузук йигитлар деб билишади ва шу ваздан отлантиришганди. Кишилар назарида, улар ўлжа билан қайтмоқлари аниқ эди. Аммо одамлар ишонган бу отлиқлар бир-бирига мингашиб кетган қирлар орасида ожиз қолишганди... Бу орада Салом мерган шундай бир гап қилдики, оқибат, кўнглидаги тугун юмшаб,*

лоқайдлаша бошлаган идрок тийраклашди, эринчоқ нигоҳлар жонланди”¹. Салом мерганнинг биргина “Дашт кесиб, Кўҳна қишлоққача борамиз-да, бирров Зафарникига қўниб ўтамиз”, деган фикри уларни бир оз бўлса-да, жонлантирди. Совуқдаги тинимсиз, энг ачинарлиси мақсадсиз юриш уларнинг, қақраган, совуқда ёрила бошлаган лабларини ҳам жонлантирди. Лекин уларнинг қалбига қандайдидир илиқлик югурган бўлса, худди шу лаҳзалар Чўнгалла ўз изтироблари билан олишар эди: “Чўнгалла мунг тўла кўзларини теваракка тикаркан, юраги ёлғизликдан ўртанаётганлигини сизди. У Оқёлнинг эркаланишларини қўмсамоқда эди. Оқёл суйкаланишларнинг жонини киритарди. Баъзан ўзи ҳам эркалаб қоларди. Узун ва иссиқ тилини эшиб, шунақанги ялаб-юлқардики, бу лаззатдан шўрлик Чўнгалланинг эси оғиб қолай дерди”².

Табиат мўъжизалари олдида инсонгина эмас, унинг ҳар бир мавжудотию жонивори оҳ чекади, аммо бу оҳнинг замирида қандай дард борлигини инсон баъзан англаб, баъзан англамай қолади. Чўнгалладаги изтиробнинг замирида Оқёлга бўлган меҳрни, муҳаббатни кўрамиз. Ахир тафаккур дунёсига эга бўлган инсонлар ўртасидан бу тушунчалар узоклашиб бораётган бир лаҳзада, ижодкор рамзлар, мажозлар орқали уни англантишга, ҳис эттиришга интилади. Нормурод Норқобиловнинг тиниқ тасвирларида бадий адабиётнинг поэтик кучи, сеҳри намоён бўлади. Инсон қалбидаги изтироблар кунлик ҳаёт ташвишларинигина эмас, хаёл оғушидаги қалбларда уйғонажак туйғуларни ҳам теранроқ англайди. Чўнгалланинг Оқёлга муносабати уни жасорат сари элтади, у ҳозир ҳамма-ҳамма нарсага тайёр эди, шиддат билан ҳаракат этаётган одамлар тўдаси ҳам, елнинг намхуш эсиши ҳам унга қизиқ туюлмасди. “У ич-ичидан инграмоққа тушиди. Бу сас юрагининг туб-тубидан силқиб, бўғзи томон қўрғошин янглиг галати бир залвор ва оғриқ билан силжиётган дард эди. Бу хил дард ҳаммиша жониворнинг хоҳиш-иродасидан устувор келади”³.

¹ Норқобилов Н. Овул оралаган бўри. – Тошкент: Шарқ, 22-б.

² Норқобилов Н. Овул оралаган бўри. – Тошкент: Шарқ, 11-б.

³ Норқобилов Н. Овул оралаган бўри. – Тошкент: Шарқ, 13-б.

Ана шундай оғир дамда ҳам, умидга таяниб, илинжга суянишни истайди. Бўғизидан отилиб чиқмоқчи бўлган дардни қалбига яширади. Сўз санъаткори бадий адабиётнинг қайси турида асар яратмасин, нигоҳини умумбашарий муаммолар ечими, азалий қадриятларнинг поэтик талқинига қаратишга интилади. Поэтик талқин замирида ёзувчининг бадий ғояси ўз ифодасини топади. Бадий асарнинг композицион қурилиши ва сюжетнинг ички ҳаракати, воқеалар баёнидаги маром ҳам шу поэтика асосини ташкил этади. Шунга кўра Н.Норқобиловнинг қисса жанрида воқеликни теран таҳлил қилиши инсон руҳиятининг пучмоқларига назар ташлаши, инсон ва жониворлар орасидаги қалб муносабатларни ифодалашда, ҳаётнинг моҳиятини, инсоннинг ўзлигини англаштиришга бўлган эҳтиёж кузатилади. Борлиқ кузатилар экан, ўқувчи ундаги ҳар бир образда мужассамлашган, инсонийлашган ҳолатларни теранроқ англай бошлайди. *“Худди инсонлардек, жониворлар ҳам бу дунё иқир-чиқирларига кўмилган ҳолда умргузаронлик қилишади. Одамлардек қўшнилари, яъни қўшни товдаги бўрилар билан “санман”га бориб туришади”¹*. Ҳаётни инсонийлаштириш орқали ижодкор табиатга, жониворларга, нарсаларга ”жон” ато этади. Бунинг замирида жуда катта истеъдод ҳам мужассамлашган бўлади. Асардаги воқеалар ривожини шундан далолат берадики, тасвирдаги кўп овозлиликни, конфликтнинг мукамаллигини, руҳий талқиннинг ўзига хослигини, бадий-тасвирий воситаларнинг хилма-хиллиги, мавзулар кўламининг кенглигини кўриш мумкин. Ҳар бир ижтимоий давр замонасининг кишилари билан бир қаторда, бадий адабиётда ўзининг умумлашган тамойиллари асосида инъикосини топаётганлигидан далолатдир.

Нормурод Норқобилов ўз замондошларининг қалб қаърида кечаётган кечинмаларни, ботиний оламидаги зиддиятларни маҳорат билан талқин қилишга интиладики, бунинг асосида ҳаётга, инсониятга янгича қараш, ўзликни теранроқ англашга бўлган эҳтиёжни ҳам ҳис этиш мумкин. Қишлоқ ҳаёти, қишлоқнинг содда одамларининг қалб кечинмалари тасвири сўзлашув

¹ Норқобилов Н. Овул оралаган бўри. – Тошкент: Шарқ, 15-б.

жараёнидаги оддийлик, тилидаги жозоба, энг асосийси бағрикенг ўзбекнинг ўзига хос табиати тасвири адиб қиссалари поэтик қувватини кўрсатади.

Мустақиллик йилларига келиб ўзбек қиссачилигида жуда катта ўзгаришлар рўй берди. Бу жанрдаги адабий қаҳрамонларнинг дунёқараши, ҳаётга бўлган муносабати жиддий ўзгаришларга учради. Адабиётшунос Умарали Норматов кейинги йиллар ўзбек қиссачилигининг тараққиёти ҳақида шундай ёзади: “Бугунги қиссачилигимизга назар ташлаганда, биринчи галда ундаги мавзу, муаммо, шаклий, услубий жиҳатдан ранг-баранглик эътиборни тортади. Улар орасида тарихий, замонавий, ижтимоий-сиёсий, оилавий-маиший, ишқий мавзулардаги ҳам анъанавий романтик, реалистик, ҳам модернистик, ҳам жиддий, ҳам юмористик саргузашт – детектив йўналишдаги асарларни кўриш мумкин”¹.

Дарҳақиқат, ўзбек насрининг тараққиётида ўзига хос услуб эгаси бўлган Н.Норқобилов асарларида табиат ва инсон ўртасидаги бирлик билан бир қаторда, уларнинг асрлар давомидаги узвийлигидан асосли хулосалар чиқариш мумкин. Ёзувчининг “Юзма-юз”, “Оқбўйин”, Чангалзор ити”, айниқса, юқорида, батафсил таҳлили тақдим этилган “Овул оралаган бўри” каби қиссаларида инсон билан табиатнинг рўбарў келиши, одамларнинг наботот ва ҳайвонот оламига шафқатсиз муносабати бадий талқин қилинади. Жуда кўп вазиятларда ит ёки бўри каби ҳайвонларнинг “чин инсон” га хос хусусиятлари юксак бир маромда кўрсатилади.

Чингиз Айтматов, Эрнест Сетон Томпсон, Шукур Холмирзаев, Тоғай Мурод ижодида ҳам инсон ва табиат ўртасидаги бу каби талқинлар ўз ифодасини топган бўлса-да, ҳар бирида ўзгача бир дард мавжудлигини, бу эса инсонни ўзлигини англашга, ботиний оламидаги зиддиятлар билан курашишгина эмас, уларнинг сабабларини ҳис этишга ундайди.

Етук қисса ва ҳикоялар муаллифи Нормурод Норқобилов асарлари мавзу кўламининг кенглиги, эмоционал таъсир бўёқларга бойлиги ва наботот

¹ Норматов У. Қиссадан ҳиссалар. Жаҳон адабиёти // 1997. 3-сон. 157-бет.

оламининг сизу биз билмаган ўзига хос қирраларини ҳамда сир-синоатини ёрқин акс эттириш хусусияти билан алоҳида ажралиб туради.

2.2 Ёзувчи қиссаларида образ табиати ва рухий изтироблар тасвири

Бадиий адабиётда инсон образи муҳим. Чинакам ижодкор ҳамиша образга диққат қаратади ва уни турли рамзларда тасвирлайди. Рухий изтироблар оғушидаги образ нисбатан мураккаб бўлади. Аммо Нормурод Норқобилов инсон табиатидаги мураккаблик билан табиат ҳодисаларини бир бутунликда кўрсатади.

Хусусан, адибнинг “Қоялар ҳам йиғлайди” қиссасида қоя, булоқ, тош, арча, айиқ, ит, инсонлараро узвий, табиий боғлиқликда берилади. Қиссада Эрناзар полвон борлиғи, ўй-фикрлари билан табиат одами. У жамият тартиботини билади, фан-техника тараққиётини англайди, замон ва одамлар ўзгариб бораётганини кўради. Лекин, барибир, табиатнинг азалий тартиблари асосида яшашни ёқтиради. Эрназар полвон катта оиланинг қоядай мустаҳкам таянчи, қишлоқдошларининг етакчиси, Ғайбулла мергандай ақлли одамнинг дўсти. У заифаю ожизаларни эъзозлайди, лекин улар билан ҳисоблашишни хаёлига ҳам келтирмайди. Унинг қалб тузуқлари бор, уларга қатъий риоя қилади. Эр йигитнинг гўзаллиги қалбида. Эрназар полвоннинг аёли ўғиллар сонини яна биттага орттирганида, унинг юрагидан қуёш чиққандай бўлди. Чақалоқни кўрдию унинг капалаги учиб кетди. Йўқ, бола таъвия, ногирон эмасди. Аксинча, қош-кўзлари попуқдай, киприклари тўсдай қоп-қора, бетлари, даҳани келишган. Ота кўнглидан зимда хаёл кечди: “Қизбет”. Шу беозоргина фикр ота ва ўғил зиддиятига, оилавий фожиага сабаб бўлди. Хушбичим чақалоққа Ўсар деб исм қўйишади. У ақлли, тадбиркор йигитча бўлди, туман марказида вақтини ўтказди. Ака-укаларидай кураш тушмайди. Отаси ҳар қанча гапирмасин, даврага кирмайди. Туманда аллақандай спорт билан шуғулланади. Мотоциклда ғир этиб қишлоққа келади, ғир этиб шаҳарга кетади. Ўсар бебошлик кўчасига кириб, насл-насабининг тайини йўқ аёл билан танишади. Ҳаром-харишни фарқламай қўяди. Ота эринмасдан

марказга бориб, ўша аёлни кўриб қайтди. Эрназар полвоннинг дарди-дунёси зим-зиё бўлди. “Ички кечинмалар, туйғулар, ҳислар инъикоси орқали инсон киёфасининг тўла намоён бўлиши бадийликнинг муҳим мезони. Бу ҳол, ўз навбатида, истиқлол адабиётининг ўзига хослигини белгилайди. Нормурод Норқобилоннинг “Қоялар ҳам йиғлайди”, ”Тоғ одами” қиссалари бунинг ёрқин мисолидир”¹. “Қоялар ҳам йиғлайди” қиссасининг қаҳрамони Эрназар полвоннинг ҳар бир ҳаракати, қадам босиши, ўтириши, атрофига нигоҳ солиши, гапириш йўсини мақсад сари йўналтирилган, яъни бу нарсалар у қандай одам эканлигидан далолат беради. У ўз эътиқоди ва ақидасига эга шахс. Унингча, жўмардликнинг асоси оила, шу сабабдан унга қилча хиёнат аралашини керак эмас. Шундагина насл тоза бўлади. Насли тоза инсон гўшасига меҳр кўяди. Уни муқаддас деб билади. Иродаси кучли, руҳан соғлом бўлиб етишади. Унинг етти пушти шу ақидага амал қилган ва бу ақидани бузиш унинг аждодлари руҳига хиёнатдир. Лекин ўғли Ўсар боболаридан мерос бу анъанани бузади. Ҳатто отасига қўл кўтаради. Бундан қоялар ҳам ғазабга келиб, кўчкисини кўчиради, қалъадай тошлардан бири уни йиқитади, сўнг, чоғроқ харсанг белидан босади. Қисса ҳаётий ҳақиқатнинг бадий талқини воситасида инсоний фалсафадан сабоқ беради, кишини кўп нарсадан огоҳ қилади. Қисса номидаги рамз бош образ табиатида кечган изтиробларга мос тушади. Эрназар полвон қояга таққосланади. Тоғ қояларининг ўпирилиши – табиат ҳодисаси. Эрназар полвон оиласидаги нолийқ фарзанд ҳам шу ҳолга ўхшайди.

Ҳаётда инсон қўли билан яратилган, юзага келтирилган барча нарсани йўқотиш мумкин. Лекин ноҳақлик ва адолатсизлик туфайли инсоний ғурур ва шаънининг топталиши оқибатида, қалбда юзага келган жароҳатни йўқотиб ҳам, ўчириб ҳам бўлмайди. Чунки у инсоннинг вужудига жойлашади. Уни йўқотиш ўзини ҳам жисман йўқ қилиш демакдир. Табиийки, қалб жароҳати юракда бўлгач, кишини безовта қилади. Башарти инсоннинг инсонийлигини белгилаб берадиган шу туйғу устидан кулинса, мазах қилинса, бу ҳол

¹ Каримов Ҳ.Истиқлол даври адабиёти.”Янги нашр” нашриёти.2010 йил.208 бет

дунёдаги барча ёвузликлардан кўра ҳам баттар саналади. Кўнгил туйғулари пора-пора қилинган қалб изтироби эса, барча азоблардан ҳам азоблидир. Чунки унда инсоннинг кўнгил майли билан маънавий олами, одамийлик ва инсоний қисмат, тақдир юзма-юз келади. Албатта, бундай хусусият барча одамлар учун эмас, балки жўмард инсонларгагина хос хусусиятдир. Бу жихатлар Нормурод Норқобиловнинг “Бекатдаги оқ уйча” “Тоғ одами”, “Қоялар ҳам йиғлайди” каби қиссаларида ўзининг бадиий ифодасини топган.

Бу қиссалар ўзбекнинг орияти, миллий анъана ва қадриятларининг эҳтироми тўғрисида битилган “Қоялар ҳам йиғлайди” қиссасидаги Эрناзар полвон нафақат ўғиллари, набираларининг покдомон, жасур бўлишини истарди. Унинг итлари ҳам ёвқурлик, жасурлик имтиҳонидан ўтарди. Эрназар полвон атай йилда бир, шу йил туғилиб вояга етган сара итларини айиққа рўбарў қилади. Айиққа дуч келган итларнинг сарагини саракка, пучагини пучакка бирдан ажратади ва табиатан ёвқур бўлган итгина айиққа ҳамла қила олади. Журъатсиз итлар эса нари-берида акиллаб тураверади. Ва ниҳоят, кучлар тенг бўлмаган бу тўқнашувда, айрим ҳолларда, табиий равишда ҳужумкор ит жароҳат топади. Эрназар полвон кейинчалик айна шу итни асраб қолади, қолганларини эса журъатсиз итлар сони кўпаймаслиги учун йўқ қилади. Эрназар полвон ушбу қадимий одат бўйича итларини синовдан ўтказиб келади. Бунақа пайтда, айиққа дахл қилинмайди, у синовчи объект сифатида хизмат қилади. Тўқнашувда жароҳат топган ёвқур ит эса алоҳида парваришланади. Чунки у насли тоза, ноёб ит ҳисобланади. Адиб табиат ҳодисаларини қайсидир маънода оилавий муҳити билан зимдан таққослайди. Эрназар полвоннинг кичиги Ўсар бўлса оиланинг муқаддас тартибини бузмоқчи. Ота қишлоққа сиғмади, тоққа чиқиб кетди: куйди, ёнди, ўртанди. Унинг ҳолини кўриб қоялар юм-юм ёш тўкди. Яна бир сафар ота нобакор ўғлини тоққа олиб чиқди. Юрагини “ёрди”. Гап-гапга тўғри келмади. Ота ўзини қўярга жой тополмай қолди. Кейин туйқусдан ич-ичидан кўзгалган аччиқ аламга чидаёлмай, боя кўз олдига олиб қўйган калладай тошни чангаллаб, бор кучи билан пастга улоқтирди. Тош пакана арча танасига

бориб урилиб, қасир-қусурлаганича қуйига юмалаб кетди. Қиссада қизик ҳолат рўй бера бошлади: тош, дарахт, атрофдаги нарсаларга жон битади. Эрназар полвон жон-жахди билан қуйига итқитган калладай тош рамз-тимсол даражасига етди. Ота ва ўғил муносабатлари ўта кескинлашди. Табиат ҳам ўзини аранг тутиб турибди. Ўғил беихтиёр отанинг кулоқ-чаккасига мушт туширди. Ота карахт бўлиб қолди. Табиат қутурди. Ўғил борлигини азобли, титроқ жунбушга келтирди. У ўзиданми, жону жаҳонини ўртаётган ҳолатданми, тоғ томон қоча бошлади. Отанинг: *“Тўхта, оқнадар!”* деган наъраси еру кўкни титратди, бунга яна ваҳимали шовқин-сурон қўшилиб, борлиқ силкиниб кетди. Бирдан ҳушёр тортган ота беихтиёр бошини кўтарди. Шундоқ тепада хўмрайиб турган баланд қоя қошидаги харсанг тошлар уюми қўзғалиб, йигитнинг устига бостириб келмоқда эди. Не ҳодисот рўй берди, ё қодир эгам? Қаттиқ изтироб ва қўрқувга тушган ота бир лаҳза қотиб қолди-да, сўнг бор овозда:

“– Чапга ўт, чапга!..

...Эрназар полвон энг олдинда мисоли коптоқдай сакраб келаётган калладай-калладай тошлардан бири ўғлини уриб йиқитганини аниқ кўрди. Ундан кейинги чоғроқ харсанг бошидан босиб, янчиб ўтаётганини ҳам илғади. Салдан сўнг Ўсар тошлар оқими орасида бутунлай кўздан йўқолди. Ота жонҳолатда бўкириб юборди: “Ули-им!”¹.

Ўсарни уриб йиқитган тош боя ғазаб алангасида қоврилиб, юрак-бағри ўртаниб турганида Эрназар полвон жон-жахди билан пастга улоқтирган “калладай тош” бўлиб туюлаверади. Ёзувчи қаламнинг кучи тоғу қояга, асрлар бўйи қимир этмай ётган тошга жон, яъни ҳаракат ато этгандай бўлди. “Қоялар ҳам йиғлайди” қиссасида жамоdot хилқати ва полвон келбатли кишиларнинг ўзаро муносабати ифода топган. Муҳими, Эрназар полвон, Кўчар полвон, Туркман полвон сингари образлар табиати тошлар, харсанглар билан уйғунликда ифода этилади. Эрназарнинг полвонларга хос тушунчалари оддий, содда, таъбир жоиз бўлса, ҳатто эскириб кетгандай.

¹ Норқобилов Н.Бекатдаги оқ уйча. Тошкент: Шарқ нашриёти, 2000 йил. 378 бет.

Аслида эса, табиатнинг тузилиши, минг-минг йиллик ҳаёти оддий, содда, ниҳоятда теран қонун-қоидаларга асосланган. “Қоялар ҳам йиғлайди” қиссасида борлиқ инсонлар феъли-атворига менгзаб кўрсатилади.

Эрназар полвон Ўсардан ранжиган, уни яхши сўз, панд-насихат билан ҳақ йўлга туширмоқчи бўлганди. Кутилмаганда, воқеалар селдай давом этди. Вазият инсон инон-ихтиёридан устун келди. Қиссадаги ушбу тасвирда онг оқими ҳам, қудратли ташқи кучнинг таъсири ҳам, синергетика қонунияти ҳам лаҳзада ўзини намоён қилди. Таъбир жоиз бўлса, чақилган чакмоқ Ўсарни йўқлик дунёсига олиб кетди, табиатни алғов-далғов қилиб ташлади; Эрназар полвон қалбида битмас рухий жароҳатни бошлаб берди. Нормурод Норқобилов асарларини ўқиган ҳар бир ўқувчининг қалбига наботот оламига бўлган ўзгача бир меҳр туйғуси уйғонади. Унинг қиссаларида образ табиатининг индивидуал талқини билан ҳамоҳанг, ҳолда наботот оламининг қоронғу жиҳатлари намоён бўлади. Инсонлар орасида нисбатан камайиб бораётган меҳр-муҳаббат, ўз жуфтига вафодорлик, содиқлик, мардлик, шижоат, тиришқоқлик каби эзгу фазилатлар маромига етказиб кўрсатилади.

Адабиётшунос У.Норматов қайд қилганидек: “Бадият асосидаги энг асосий ўзгариш шундан иборатки, санъат, адабиёт, адабиётшунослик якка ҳоким исқанжасидан ҳалос бўлди, санъат ва адабиётнинг эркин, хилма-хил фалсафий-эстетик ўзанлар бўйлаб ривожланиши учун кенг йўл очилди. Энг муҳими, қадимий ва илғор замонавий қадриятларни ардоқлаш, уларни янги асосда қарор топтириш бош масалага айланмоқда”¹. Дарҳақиқат, бадий адабиётдаги тасвир усулидаги ўзгаришларга жаҳон адабиётидаги мавжуд анъаналар ҳам ўз таъсирини кўрсатиши табиий, албатта.

Асрлар давомида шаклланиб келган бадий насрий асарларда инсон ва ижтимоий муҳит ўртасидаги зиддиятлар турфа хил оҳангларда ўз ифодасини топади. Бадий адабиёт яралибдики, яхшилик ва ёвузлик, адолат ва

¹ Норқобилов Н. Ғанимлар. Қисса. Қаранг: Бўрон қўпган кун. Қисса ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2007. 3-б.

адолатсизликни турли воситалар, рамзлар, мажозлар орқали ифодалашга интилади.

Ҳаётдаги мавжуд зиддиятлар ҳеч бир инсонни четлаб ўтмайди. У кўпинча узок муддат ўзаро бирга бўладиган инсон ва инсон, инсон ва муҳит, инсон ботинидаги зиддиятлар замирида содир бўлади. Одатда шундай тасаввурлар мавжудки, конфликт – бу доим таҳдид, душманлик, араз, тушунмовчилик уйғотадиган салбий ҳодиса сифатида намоён бўлади. Аслида эса, инсон тафаккуридаги эврилишлар, жамиятдаги зиддиятлар конфликт воситасида поэтик ифода қилинади. Шу жиҳатдан, Нормурод Норқобилов асарларига мурожаат қилинганда, унинг барча насрий асарлари роман, қисса, ҳикояларида бадиий конфликтнинг асар сюжетида маҳорат билан сингдирилгани кузатилади. “Ғанимлар” қиссаси бу фикрга ёрқин мисол бўлади. Асардаги воқеалар оддий кишлоқ ҳаёти билан чамбарчас боғлиқ. Инсон ва наботот олами диалектик бирликда яшаб келгани сингари, адиб мажозий образлар орқали ҳаётнинг зиддиятларни ифодалашга ҳаракат қилади: *“Суйукли ити Диккиқулоқ ўлдириб кетилгандан сўнг, ғазаби кўкка ўрлаган Сарвар, итнинг қотили бўлмиш Ёлдор бўрининг жонини олмоққа қатъий аҳд қилди. Шу тоғда ё сен турасан, ё мен, дея бор овозда бақирди”*¹.

Сардордаги нафрат ҳисси, севимли итининг Ёлдор бўри томонидан ўлдирилишидан бошланадики, бу эса ҳар иккиси ўртасидаги зиддиятни юзага чиқаради. Инсон қалбидаги изтиробларни ёзувчи асар сюжетида маҳорат билан сингдириб юборади. Конфликтлар, инсонларнинг ўзаро бир-бирига таъсир кўрсатиши, ўзаро муносабатлар жараёнида вужудга келиши билан бир қаторда, муҳитнинг таъсирида образ табиатининг шаклланишини ҳам кузатиш мумкин.

Конфликт ҳодисаси фақат инсонлар ўртасида мавжуд бўлиб қолмай балки, бир инсоннинг ўзида, яъни ботинида ҳам мавжуд бўлади. Шунинг учун бадиий асар таркибида конфликтнинг бир қанча кўринишлари

¹ Норқобилов Н. Ғанимлар. Қисса. Қаранг: Бўрон кўпган кун. Қисса ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2007. 125-б.

фарқланади. Бу ҳақида адабиётшунос олим Ҳ.Умуров қуйидагича ёзади: “Психологик (рухий) конфликт қаҳрамон қалбидаги ҳиссиётлар, тушунчалар, ожиз ва кучли жиҳатлар курашидир. Ижтимоий конфликт – асар қаҳрамонлари билан улар яшаётган шароит ўртасидаги кураш. Шахсий – интим конфликт – бир-бирига қарама-қарши характерлар, гуруҳлар ўртасидаги кураш”¹.

Ижтимоий конфликт – бу тарафлардан бири иккинчиси билан қаршилик ёки очиқ курашга кирган ҳолати сифатида қаралади. Ижтимоий конфликтлар билан бир қаторда конфликтнинг ижтимоий-психологик ва психологик категориялари ҳам ажратилади. Конфликтнинг асосий кўринишлари ёзувчининг юқорида қайд қилган қиссасида маҳорат билан ўз аксини топган: *“Буларда фақат жасад бор, фаҳм-фаросатдан зигирча йўқ, дейди. Тулкисимон Диккиқулоқни эса дунёдаги барча итлардан афзал кўради. Бунда бор йўғи забон йўқ, қолган ҳамма нарсани одамдай илғайди, одамдай фаҳмлайди, ишонмасангиз синаб кўринг”*². Бу талқинлардан кўриш мумкинки, Сарвар ўз итидаги хислатларни санар экан, ботинида ўзи билан ўзи курашади. Рухий конфликт асар образ табиатини ёритишга асос бўлган.

Нормурод Норқобиловнинг кўплаб асарларида ҳайвонлар инсоний фазилат, фаҳм-фаросат билан кўрсатилади. Гоҳида итлар ёки бўрилар билан инсон ўртасидаги зиддиятларида онгли мавжудот аталмиш одамнинг тубанлашгани кўринади. Ҳар қандай конфликтнинг қамров доираси жуда кенг бўлиб, ички ва ташқи ҳолатларга, омилларга, ҳаёт воқелигига боғлиқдир. Бу ҳолатлар қанчалик ўзгарувчан ва ўзига хос бўлишини асардаги воқеалар ривожини намоён қилади. Шунинг учун бадиий матндаги конфликт предмети деганда, томонлар ўртасида объектив жиҳатдан мавжуд бўлган ёки бирор мақсадни кўзлаб юзага келтирилган муаммолар мажмуаси тушунилади. “Ғанимлар” қиссасидаги воқеалар ривожига назар ташланса, инсон ва инсон, инсон ва наботот олами, инсон ботинидаги турли зиддиятлар

¹ Умуров Ҳ. Сайланма. 4 томлик. 2-том. – Тошкент: 2010. 45-бет.

² Норқобилов Н. Ғанимлар. Қисса. Қаранг: Бўрон кўпган кун. Қисса ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2007. 125-б.

асосида ёрқин образлар юзага чиқади: “ – Нима, тутқич бермаябдим, меҳмон? – деди Суюн чол ҳол-аҳвол сўраган киши бўлиб. – Тутишингиз қийин уни. Эргаиш бодигаям тутқич бермаган у. Ўрта ерда Эргаишнинг ўзи ўлиб кетди... – Итимнинг хунига мана шуни тикаман! – деди иддаоли, ҳам киборли оҳангда. – Шарти шу, жасади оёғим остида бўлиши керак! Тепкилаб аламимдан чиқмоқчиман!”¹.

Асардаги воқеалар ривожланиб борар экан, Суюн чол билан Сарвар ўртасидаги диалогик нутқда уларнинг маълум даражадаги характер кирраларини англай бошлайди. Чунки Суюн чолнинг “пичинг, кесатик” шаклидаги фикрини Сарвар теран англаган ҳолда, “кибор ва мағрурлик, шаҳарлик”ка хос хислатини намоён қилади. Аслида эса, Суюн чол Ёлдор бўрининг тарафини олади, агар унга бирор кори-ҳол бўлса, уларнинг тўдаси қишлоққа қирғин келтиришини жуда яхши англайди. Аммо Сарварда бу тушунча мавжуд эмас. Маълум муддатга тоғ этагидаги қишлоққа келган, табиийки, ўз манфаатини халқ манфаатидан устун қўяди. Киборларча айтилган бу фикрдан кейин ҳар иккиси ўртасида англамаган зиддият вужудга келади.

“Ғанимлар” қиссасида сюжет ва бадиий конфликт орасида иккиёқлама алоқа мавжудлиги кузатилади, сюжет конфликтларни умумлаштириб намоён қилса, иккинчидан, конфликт сюжетни ҳаракатга келтирувчи асосий бадиий унсурга айланади. Кўринадики, сюжет ва конфликт бадиий асарда уйғунлашади, бири иккинчисини тўлдиради ва тақозо этади. Бадиий асар воқеликни акс эттиргани ва унинг марказида инсон образи тургани учун ҳам, инсоннинг реал ҳаётида мавжуд зиддиятларнинг бари унда бадиий аксини топади. Юқорида қайд қилинган талқинларда ҳам шу хусусиятлар кузатилади.

Биринчидан, зиддиятлараро уйғунлик сюжет такомилени белгилайди, иккинчидан, сюжет ва воқеалар ривожини конфликт салмоғига туташади,

¹ Норқобилов Н. Ғанимлар. Қисса. Қаранг: Бўрон қўпган кун. Қисса ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2007. 127-б.

учинчидан, характер мантиғида ҳам ботиний, ҳам зоҳирий кескинлик марказлашуви устуворлашади, тўртинчидан, воқеалар тизими халқлараро яхлитлик бадиий муносабатлар зиддиятининг кўламини уюштиради. Аслида, сюжет қисмлари вазифадошлигини таъминлайдиган воситалар қарама-қаршилиқлар ҳамда асардаги тасвир хусусиятлари уни намоён қилади. Асарда сюжет ва конфликт муносабатлари алоқалантирилган бадиий изчилликни ҳосил қилади. Тасвир зиддияти (киноя, кесатик, пичинг) одамзод феъл-атворидаги кескинликни тафовутласа, характерлараро ихтилоф ижтимоий муносабатлар рақобатини ҳам юзага чиқаради. Сарвар қайд қилган фикри ўринсиз эканини ўз ботинида англашга, ҳис этишга ҳаракат қилади. Унинг бу ҳолатини адиб қуйидагича беради: *“У, бу камми, деганча бўлмай, кимдир бу йил қиш эрта келиши мумкинлигини айтиб қолди. Бир зум сукутга толган давра бирдан жонланди. Қишининг эрта келиш-келмаслиги ҳақида ҳар ким ўз билганича башорат қила бошлади. Сарвар сездики, бунинг ҳаммаси шунчаки гап. Ноқулай вазиятдан қутулмоқ учун кўтарилган “завго”¹.*

Асардаги талқинларни кузатар эканмиз, ноқулай вазиятдан асар қаҳрамонини чиқариш учун гап бошқа томонга бурилади. Халқона ва айни вақтда одилона ҳукмни ёзувчи чиқаришга интилар экан, китобхоннинг Сарвар образига нисбатан ачиниш ҳиссини ҳам шакллантиради. Унинг эса хаёлида бу қишлоқ муҳитига, одамларига нисбатан илк нафрат ҳиссини сезади. Ана шу воқеалар ривожидан бадиий қаҳрамон ва муҳит ўртасидаги зиддият шаклланади.

Ҳар бир бадиий асар – яхлит бир олам эканлигига эътибор қаратсак, бу оламга кириб бориш адиб яратган ижодий воқеликни бадиий талқин этиш жараёнида теранроқ намоён бўлади. Унда фавқулодда нафосат ва эстетик идрок, маърифий шахс хусусиятлари кўз ўнгимизда жонланади. Шу маънода, муаллифнинг ўзига хос талқини ҳаётни теран англаши, асар қаҳрамонларининг ҳар бир ҳолатини жуда гўзал тасвир этиш билан изоҳлаш

¹ Норқобилов Н. Ғанимлар. Қисса. Қаранг: Бўрон қўпган кун. Қисса ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2007. 128-б.

мумкин. Ёзувчи фаолиятида алоҳида аҳамият касб этадиган ҳолат, ҳаётга ижодий ёндашувни тақозо қилади. Сюжетда – бадиий яхлитлашадиган воқеалар силсиласида ёзувчининг ҳаётга асосли реал ёндашиш намоён бўлади. Аслида бадиий идрок шакл ва мазмун уйғунлигини таъминлайдиган муҳим ҳалқа бўлиб, ҳам назарий, ҳам амалий моҳият касб этади. Тўғрироғи, талқиндаги воқеалар тасвирида инсон руҳиятидаги ўзгаришлар ўз аксини топган. Суюн чол ҳаётнинг кўп мураккабликларини кўрган шахс сифатида жонланса, Сарвар ҳали ҳаёт мураккабликларини англамаган, зиддиятлар замирида шаклланмаган образ экани маълум бўлади. Бадиий идрок ва поэтик тафаккур табиати ёзувчи ҳаётининг оддий қирраларини зўр маҳорат билан ёритганида ҳам кўзга ташланади. Бадиий асар кичик-кичик руҳий манзаралардан ташкил топган яхлит тизим саналади. Талқин ва тасвир моҳиятида – одамзод орзу-ўйлари, истак-интилишлари, талпинишлари, соғинчу севинчлари ўзига хос тарзда тасвирланади. Бундай хусусият Сарвар образида ёрқин ифодаланганини кўриш мумкин. Унинг ботинидаги изтироб, жисмидаги касаллик, одамни ўйлашга, ўзини танишга, ўзлигини англашга ва шу жараёнда ўзлигини аён этишга ундайди.

Адабиётшунос А.Расулов таъкидлаганидек: “Инсон ўсади, ўзгаради, шаклланади, руҳан, маънан бойиб боради, лекин инсон тамоман ўзгариб, иккинчи «мен» касб этмайди, ўзлигини йўқотмайди, яъни ижтимоий муносабатлар мажмуи, инсон моҳияти, фитрати, меҳварида рўй беради. Аниқроқ айтсак, фитрат мавжудки, инсон ўзгаради, мослашади, тусланади, турланади”¹. Инсондаги моддий бойликлар унинг қалбини зулматдан қутқара олмаслигига ўқувчида ишонч ҳосил қилади. Маънавий қашшоқлик эса, шахсни тубанлик сари қадам ташлашга мажбур этса-да, маънавий юксаклик ўзликни англашга асос бўлишини теранроқ англай бошлайди. “Сиз нонни “нана” деб юрганингизда, Шойим акангиз шаҳарнинг кўзирларидан бири бўлган. Вақтида аҳмоқликни кўп ва хўп қилганмиз. Қисқаси, гап битта, жондорни ўлдирилмасангиз, сурувни ташлаб кетасиз. Акси бўлса, менинг

¹ Расулов А. Бадиийлик–безавол янгилик. –Тошкент: Шарқ, 2007. 9-б.

сурувим сизники!” Шойим йўғон қишлоқ одамларига хос, мард, танти шахс сифатида, Сарварни иккилантириб кўяди. Худди қатъий келишувни ўртага ташлагандек, фикрларни баён этар экан, аслида қисматда нима борлигини англаш мумкин эмаслигини ўртага ташлайди. Аммо инсоннинг шаъни, ғурури, бевосита қиборона қарашлар соҳиби Сарварни даҳшатга солади.

Асарда инсоннинг жамиятдаги ўрни, кадр-қиммати асосий ўринга кўйилиб, инсон ва табиат ўртасидаги муаммолар, асар сюжетида сингдирилади. Бу жараён шиддатли воқеалар тасвирида қаҳрамон характери шаклланишига асос бўлади. Бадиий асар, қайси давр, қандай ижтимоий-адабий шароитда ёзилганидан қатъи назар, муаллиф нигоҳи орқали умуминсоний қадриятларнинг бадиий асар мазмунига сингдирилиши ва ўқувчи қалбини ларзага солиши, ёзувчининг бадиий маҳоратидан далолат беради. Асар қаҳрамони борлигини қамраб олган руҳий зиддиятлар изтиробини юзага чиқаради. У бутун жамият руҳиятида акс садо бераётгандек кўринади. Лекин инсон дунёси, ўзининг ёлғизлиги, орзу истак ва ирода-бардоши билан алоҳида-алоҳида олам экани маълум. Ўзлигини англаган шахс сукунатнинг изтиробларини теран англайди. Ёзувчи Нормурод Норқобилов ўз қиссалари моҳиятига фалсафий мушоаҳаларни сингдириб юборади.

Адабиётшунос Баҳодир Карим таъкидлаб ўтганидек: “Кейинги йилларда ўзбек адабиётида янги бир нафас, янги бир иқлим об-ҳавосини олиб киришга интилаётган ижодкорлар вужудга келди. Адабиётимиз суратидан сийратга, жамиятдан инсонга, ташқаридан ичкарига қайтаётгандек, ирмоқдан денгизга уланаётгандек. Ўз асарларини даврнинг ижтимоий-сиёсий муаммолари билан безашни ўзларига эп кўрмаган, бадиий адабиётни рамзлар тили, эзгулик ва қабоҳатнинг мангу жанггоҳи, инсон қалбидаги чексиз изтироблар чизгиси эканлигини ҳис этаётган ёш иқтидор эгалари, имкони борича инсонларнинг ботинига, ҳис-туйғулари тўлқинига, орзу-армонларига диққатни

каратаётгандек таассурот беради”¹. Юқоридаги мулоҳазалар бугунги насрдаги бадиий ўзгаришларни, инсон тафаккуридаги баҳс-мунозараларни моҳиятан ўзликни англаш йўлидаги ҳаёт воқеаларини ва инсон тафаккуридаги ўзгаришларнинг бадиий талқини билан изоҳланади.

Дарҳақиқат, ҳаёт зиддиятларидан иборат экан, у инсоннинг руҳий оламига ўз таъсирини ўтказади. Инсон руҳий оламидаги конфликт Нормурод Норқобилов қиссаларида маҳорат билан талқин этилади. Шунинг учун ҳам конфликт асар персонажларининг сюжетда бадиий ифодасини топадиган ўзаро тўқнашув ва курашлари қаҳрамон билан муҳит орасида ёки унинг руҳиятида кечувчи зиддиятлар, қарама-қаршиликлар тарзида берилади.

Демак, ёзувчи композицион воситалардан бири бўлган табиат тасвиридан ҳам образларнинг руҳий-психологик ҳолатини кўрсатишда унумли фойдаланган. Юқоридагилардан келиб чиқиб ушбу бобни қуйидагича хулосалаш мумкин.

Боб бўйича хулосалар

Ёзувчи ўз қиссаларида образ табиати ва психологик ҳолатини ёритишда бадиийлик унсурларидан унумли фойдаланади;

Ҳар бир образ тасвирида бадиий тўқима ва ҳаёт ҳақиқатининг ўзаро уйғунлашгани кузатилади.

Характер психикасининг ёритилишида ёзувчи поэтик параллелизм пейзаж тасвир, персонаж диалоги каби кўплаб бадиий тасвир воситаларини ўринли қўллайди.

Характер психологияси уларнинг хатти-ҳаракатлари ва ҳолатлари орқали ҳам тавсифлашга ҳаракат қилинган. Бундан бадиий деталнинг ўрни ҳам сезиларли даражададир.

Албатта, асрлар давомида шаклланган бадиий адабиётдаги инсон концепциясининг ифодаси ва бадиий талқинида турли хил поэтик усулларни қўллаш муҳим саналади.

¹ Карим Баходир. Моҳиятнинг намоён бўлиши. Қаранг: Мустақиллик даври адабиёти. Адабий-танқидий мақолалар. – Тошкент: 2006. – 262-б.

Бугунги кунда глобаллашув жараёнида инсоният олдида турган энг катта муаммо олам ва одам, одам ва одам муносабатларининг бадий талқинида миллийлик билан бир қаторда инсоният олдидаги фожиалар, унинг замиридаги қалб изтиробларини теранроқ англаш мумкин.

Дарҳақиқат, адиб “Қоялар ҳам йиғлайди”, “Ғанимлар”, Юзма-юз”, ”Оқ бўйин”, “Овул оралаган бўри” ва шу каби кўплаб қиссалари билан айна жанр тараққиётига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Нормурод Норқобилов ўз характериға кўра табиатға яқин ёзувчи эканлиги, ҳайвонот оламини синчиклаб ўргангани, бирор кучук, айиқ ёки бўриға хос хусусиятлар юзасидан етарлича билимға эғалиги асарларининг поэтик жиҳатдан таъсирчан, ҳаққоний ва ишончли чиқишиға ёрдам берган, албатта.

III БОБ. БАДИЙЛИК ВА ҲАЁТИЙ ТАЛҚИН

3.1. Образлар олами ва бадийлик

Бадий адабиёт инсон ҳаётининг жуда кенг манзараларини, инсон қалби ва руҳиятидаги, тафаккуридаги эврилишлар ҳамда ўзгаришларни образлар воситасида намоён қилади. Бунда ижод аҳли воқеа-ҳодисаларни, инсонлар кўнглидан кечадиган ҳис-туйғуларни бадийлик мезонлари асосида талқин қилади. Зеро, ижодкорлар жуда сезгир одамлар саналади, улар ҳар қандай жамият – ижтимоий ҳаётнинг турфа хил ҳолатларини жуда теран англайди. Шу сабабли, ўтган асрнинг сўнгида инсон қалбидаги дардни айта олиш имкони кенгроқ шаклланди. Бу эса, табиий равишда, сўз санъатининг юксалишига, мавжуд қолип ва андазаларнинг бузилишига сабаб бўлди. Ҳар бир давр адабиётининг ўзига хос тамойиллари мавжуд бўлгани каби даврлар ўтгани сари бадий адабиётда одам ва оламни англашга бўлган эҳтиёж орта боради. 80-йиллар охирларига, хусусан, истиқлол даврига келиб, улкан миқёсдаги сиёсий тутумлар, ижтимоий ҳаёт мазмун-моҳияти ўзгара бошлади. Етмиш йиллик зуғумлардан сўнг бизда ҳам фалсафий-мафкуравий, асос жиҳатдан хилма-хил йўналишга мансуб, бадий мукамал асарлар пайдо бўла бошладик, бу эса адабиётнинг санъат сифатида ўзининг турли образли табиатини намоён қилишга замин ҳозирлади. Реализм билан баробар деярли барча адабий тур ва жанрларда диний-маърифий, модернистик, анъанавий ва ноанъанавий талқин устуворлиги сезиладиган бадий асарлар майдонга келди. Мурод Муҳаммад Дўстнинг “Лолазор” романида полифоник тасвир етакчилиги қилса, Улуғбек Ҳамдамнинг “Мувозанат” романида реализмнинг янги бир қирралари ўз ифодасини топди. Омон Мухторнинг “Тўрт томон қибла” трилогиясида ёки Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Бозор”, Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар”, “Озод” романларида рамзий-мажозийлик етакчилиги қилса, Нормурод Норқобиловнинг “Дашту далаларда”, “Қорақуюн” романларида соф реалистик тасвир билан бирга қисман рамзий тасвирлар биринчи ўринга чиққани кузатилади. Қайд қилинган асарларда

воқелик инсоннинг ўзликни англаш йўлидаги изтироблари, давр ва жамиятнинг шафқатсизликларини муҳит нуқтаи назаридан баён этиш яққол кўзга ташланадики, булар замирида энг гўзал кечинмаларни, ҳис-туйғуларни бошидан ўтказган инсон образи, унинг яшашдан мақсадининг бадиий талқини мужассам топади.

Қандай жанр ва қандай тасвир усули бўлишидан қатъи назар, олам ва одамнинг ўзаро диалектик бирлигини англаш ҳамда шу уйғунлик тасвирини кучайганини кейинги йиллар романларида ҳам кузатиш мумкин. Шу жиҳатдан адабиётшунос Ислонжон Ёқубов: “Маълумки, ўзбек романи поэтикаси янгилашмоқда. Айтиш мумкинки, романчилигимизнинг асосий тамойиллари муайян даражада ойдинлашмоқда. Бадиий рамзларга эътибор кучайганлиги сабабли муайян рамзни англамоқ учун унинг моҳиятини теран фалсафий-психологик мушоҳада ва таҳлил қилиш лозимлиги аён. Романларда метафорик образлилик, мажозийлик, полифоник талқинлар ва ҳатто гротеск йўлидан боришга интилиш кузатилади”¹, деган таъкидлари ўринли, албатта. Бинобарин, турфа хил оҳангларни ўзида мужассамлаштирган роман жанрининг тасвир кўлами кенгайди ва тараққиёти сезиларли даражада юксалди. Талқин замиридаги поэтик оҳангларда инсон ва табиат ҳодисаларини англаш, наботот ва ҳайвонот оламини тасвирлаш орқали инсон қадрини баландга кўтариш янги давр романчилигига хос хусусиятлардан бири экани ҳам сезилмоқда. Айнан ўтган бобларда - ҳикоя ва қиссалари мисолида кузатилган инсон ва табиат уйғунлиги масаласини Нормурод Норқобилов ўзининг улкан эпик кўламдаги асарлари - романларида давом эттирди.

Янги давр адабиёти шахсни фақат ижтимоий муносабатлар маҳсули ёки маълум бир мафкурага хизмат қилувчи қаҳрамон сифатида эмас, балки кўпроқ туғма-табиий, сирли-сеҳрли мавжудот тарзида кўрсатувчи, унинг ижтимоий тарихи, шароит-тузум, давлат, сиёсат, мафкурага бўйсунмайдиган ғаройиб туйғу, ҳислатларини онг-идрокидан ташқаридаги англаб етилмаган

¹ Ёқубов И. Ўзбек романи тадрижи. – Тошкент: Фан ва технология, 2006. 89-бет.

ҳолатларини бадиий тадқиқ этувчи асарлар ҳам худди шу даврда кетма-кет юзага кела бошлади. Узоқ йиллар таги пуч ғояларга алданган шахс фожиаси, умрининг, меҳнатининг бемаънилигини қабарик тарзда, кўпинча рамзий-мажозий тимсоллар воситасида кескинлиги-ю, фожиаси билан кўрсатувчи асарларда бош қаҳрамоннинг маълум бир нуқтада ўзликни, бу фоний дунёнинг ўткинчилигини англаш туйғусининг пайдо бўлиши романлардаги умумбашарий мазмунни ўзида жамлаганини билдиради.

Таниқли адабиётшунос Умарали Норматов “Умидбахш тамойиллар” китобида янгиланаётган асарларнинг бадиий хусусияти ҳақида сўз юритиб шундай ёзади: “Бугунги адабиётимизда, жумладан, насримизда хилма-хил фалсафий заминга асосланган адабий-ижодий тамойиллар амал қиляпти. Улар орасида эндигина шаклланиб келаётгани ҳам бор. Уларни кўз қорачиғидай асраб-ардоқлашимиз, айна пайтда уларнинг бирини иккинчисига қарама-қарши қўйиш, бирини улуғлаб, иккинчисини камситишдан тийилмоғимиз даркор, деб ўйлайман”¹. Эътироф қилинганидек, адабиётдаги талқинлар ўзгарди, тафаккурдаги эврилишлар бадииятда намоён бўлди, бу ҳам даврнинг энг асосий хусусиятларидан бири эди. Илмий-назарий таҳлил ва талқинларда холисликка ундаётган олимнинг фикр-мулоҳазаларини қадрламоқ лозим, албатта.

Нормурод Норқобилов ўзининг одам ва олам ҳақидаги қарашларининг баёни нисбатан кичик ва ўрта эпик турлар тўқимасига жойлаштира олмагани оқибатида роман жанрига қўл ўрган бўлса ажаб эмас. Роман жанри ҳаётни эпик тасвирлаш билан бир қаторда ўзида инсон ички дунёсини, унинг сирларини чуқур ва батафсил тасвирлашга асослангани учун ҳам жанрлар орасида етакчилик қилишини қайд қилиш мумкин. Психологизм ва психологик таҳлил адабиётнинг қонуний ҳодисаси сифатида ўзининг бутун борлигини асосан романчиликда намоён қилди. Шу жиҳатдан олиб қарайдиган бўлсак, истиқлол романчилиги турфа хил бадиий талқинларни

¹ Норматов У. Умидбахш тамойиллар. – Тошкент: Маънавият, 2000. 24-бет.

Ўзида мужассамлаштира олгани аниқ сезилади. Бу ҳол объект адиб ижодига ҳам хос.

Бадиий адабиётда инсоннинг бадиий жиҳатдан мукаммал образини яратиш энг мураккаб масалалардан биридир. Адабиёт ва санъат жамият ҳаётида маълум ўрнини эгаллай бошлаган даврлардан бошлаб инсонни талқин қилишга, унинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини, руҳий дунёсидаги ўзгариш ва қарама-қаршиликларни, инсон ва табиат бирлигини бадиий тадқиқ қилишга интилиб келган. Романий тафаккурнинг эпик талқини онг ва туйғуда намоён бўлиб, сифат ўзгаришларининг ҳосиласи тарзида мураккаб ички уйғунликка, диалектик узвийликка интилди. Дунё халқлари адабиётига назар ташлар эканмиз, инсон характеридаги ва жамиятдаги ўзгариш ҳамда эврилишларни асрлар давомида бадиий талқин этганлигини кузатамиз. Шу маънода истиқлолга эришиш жараёни ҳам мураккаб кечгани, йиллар давомида эрк ва озодликни ижодкорларимиз тараннум этиши ҳам бежиз эмас.

Мустақиллик йилларига келиб эса, бадиий адабиётимизда турли шакл ва мазмун ўзгаришлари, услубий-баёний ўзига хослик, образ яратишдаги индивидуаллик ўз аксини топмоқда. Табиийки, бу мавзулар чекланмаганлиги, бадиий ижодда эркинлик ҳукм суриши билан боғлиқ ҳодисадир. Кейинги йиллар адабиётида чинакам ижод қилиш, ҳақ сўзни, ҳақиқатни айтиш эркинлиги кенг қамровда ривожланди. Шунинг учун Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов “Адабиёт ва замон” мақоласида қуйидаги фикрларни илгари суради: “Шўролар даврида миллий қадриятларимиз, мозийдаги қаҳрамонларимиз қарийб қаламга олинмас, олинганда ҳам улар синфийлик ва партиявийлик нуқтаи назаридан таҳлил этилар, қораланарди, холос. Диний эътиқод эса бутунлай манфий тушунчага айлантирилган эди. Бир ёқламалик, юзакилик адибларимизни бир хил овозда, бир хил оҳангда куйлашга ўргатиб қўйган эди. Фақат бахтни ва саодатни куйлаш, аслида йўқ ёрқин келажакни улуғлаш одат тусига айланган эди. Инсон ҳаётидаги турли изтироблар,

зиддиятлар, мағлубиятлар катағон мавзу ҳисобланар, улар асло рағбатлантирилмас эди”¹.

Дарҳақиқат, мустақиллик йилларига келиб, тарихга, тарихий шахслар образига, ҳаёт ҳақиқатига ҳаққоний ёндашиш анъанаси етакчилик қилди. Чунки тузумнинг ўзгариши, жамият эврилишлари бадиийлик мезонларининг янгилашишига, образлар тизимида жиддий ўзгаришлар рўй беришига кучли таъсир кўрсатди. Ижодкорлар олам, одам ҳақида аввалгидан ўзгачароқ фикрлаш мумкинлигини ангадилар ва шу йўлда жиддий ўзгаришларнинг маҳсули бўлган бадиий асарларни майдонга келтирди. “Давр ва адабиёт муаммоси ғоят мураккаб ҳодисадир. Чунки замоннинг асосий белгиси унинг тинимсиз ҳаракатдалиги, ўзгариб туриши бўлса, асл адабиётнинг бош хусусияти унинг ўзи яратилган замонга қараганда кўпроқ яшашга интилиши, барқарор бўлишга уринишидир... Айни вақтда, ўтган йиллар шундай салмоққа, шундай ўзгарувчилик қудратига эгадирки, халқ психологияси, дунёни идрок этиш, тушуниш ва тушунтириш тарзида шунчалик катта ўзгариш ясадики, аввалги бир неча ўн йилларда ҳам бундай қилиб бўлмасди”², деб ёзади адабиётшунос олим Қозоқбой Йўлдошев.

Инсоният тарихида узоқ даврлар мобайнида яратилган бадиий асарлар ҳеч қачон ҳамма учун бирдай тушунарли бўлмайди. Шу жиҳатдан кейинги йиллар бадиий адабиётида сюжет ва композицион жиҳатидан мураккаб характерга эга бўлган асарлар майдонга келмоқда. Истиқлол даври адабиёти инсон руҳиятидаги ўзгаришларни, қарама-қаршиликларни, ботиний оламидаги зиддиятларни акс эттириш билан бир қаторда, инсон тафаккурдаги эврилишларни, ижтимоий ҳаётдаги зиддиятларни ҳаққоний акс эттириш анъанасини юзага чиқарди. Истиқлол даври бадиий-эстетик тафаккуридаги бундай ўзгаришлар олам ва одамга, инсон ва табиат муаммоларига теранроқ назар солиш ва глобаллашув жараёнида кечаётган ўзгаришларни бадиий талқин этар экан, эстетик идеалларнинг, ёки жаҳон

¹ Орипов А. Адабиёт ва замон. Мустақиллик даври адабиёти. Адабий-танқидий мақолалар, бадиалар. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2006.5-6.

² Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. Адабий ўйлар. – Тошкент: Янги аср авлоди, 2006. 15-б.

адабиётидаги етакчи тамойилларни бадиият таркибига кириб келиши билан ҳам узвий боғлиқ эканлигини кузатиш мумкин.

Маълумки, эпик майдон тушунчаси муайян изчиллик асосида шаклланадиган фалсафий категория ҳисобланиб, сюжетдан воқеалар ривожига, воқеалар ривожидан композицион яхлитликка олиб борадиган жараёни ўзида мужассамлаштиради. Бу жараён давр руҳи, макон ва замон муносабати, ҳажм ва миқдор муштараклиги бадиий образни юзага чиқариш нуқтаи назаридан битта фокусда бирлашади.

Истеъдодли адиб Нормурод Норқобиловнинг бадиий асарларида илгари сурилган тушунчалар мажмуасида инсон ва табиат, олам ва одамнинг бирлиги талқин этилган. Уларда турли образлар орқали, шахс ва жамият, инсон ва наботот олами ўртасидаги узвийлик асосида, инсон тафаккуридаги эврилишлар ўз ифодасини топган. Адиб “Дашту далаларда” романида макон ва замон муаммоси ички қарама-қаршилик, ҳаётий воқеалар силсиласида янада теранроқ реаллашади.

Тўғрироғи, муаллиф эпик макон тасвирига кўпроқ урғу берар экан, замон зиддиятларининг инсон характери шакллантиришга хизмат қилдиради. Эпизодик чизгилар, характерли бадиий деталлар миллат турмуш тарзини асар руҳига сингдиради, натижада инсоний муносабатлар миллий анъаналарни ёрқин ифодалаган типик характерли умумлашмаларни юзага чиқаради. Инсоннинг маънавий олами, унинг характери шаклланишида ижтимоий муҳитнинг у ёки бу даражадаги таъсири ёрқин талқинларда ўз ифодасини топади. Инсоният ва табиат бирлиги ҳақидаги талқинларда бу хусусиятлар янада теранлик касб этиб, инсон руҳиятидаги ўзгаришларнинг сабабларини англашга, ўқувчини мулоҳаза юритишга ундайди.

“Дашту далаларда” романида деб ёзади, адабиётшунос олима Шоҳсанам Давронова, табиат ва инсон муносабати масаласини маънавий муаммолар билан уйғунликда тасвирлаш анъанаси намоён бўлади. Адиб асарларида устоз адиблар ижодий йўлида юз кўрсатган маҳорат қирралари табиат билан биргаликда очилади. Миллий заминда турган бадиий қаҳрамон айна пайтда

ёзувчининг умуминсоний ва гуманистик қарашларини табиатга муносабати орқали юзага чиқаради”¹.

Дарҳақиқат, инсон ва табиат бирлиги эпик майдонда, инсон ботинидаги эврилишлар асосида талқин этилганлигини жаҳон адабиётида Эрнест Сетон Томпсон, Чингиз Айтматов каби бир қатор истеъдодли ижодкорларнинг бадиий асарларида кузатамиз. Айниқса, Чингиз Айтматов асарларида Шохдор она буғу, Қора нор, Акбара, Тошчайнар каби ҳайвонларнинг образлари инсоният дунёсини акс эттириш, табиатни ҳикоя қилиш ва авраб асраш борасидаги ғояларни ташишга хизмат қилади. Бундай тасвирий услуб қайсидир маънода дунё адиблари ижодига, шу жумладан, ўзбек адибларига ҳам қайсидир маънода ўз таъсирини ўтказди. Бу масалада профессор Йўлдош Солижонов: “Чингиз Айтматов асарларида ифодаланган ғоявий фикрлар, инсон ва жамият, инсон ва табиат, инсон ва ҳайвонот олами, инсон ва дин, муҳаббат ва нафрат, эзгулик ва ёвузлик сингари умумбашарий муаммолар, уни ифодалашга хизмат қиладиган образлар галереяси, улар ўртасидаги ўзаро муносабатлар, зиддиятлар тасвири ўзбек ижодкорлари асарларида ҳам муҳим ўрин эгаллаётгани кувонарлидир”, деб ўринли таъкидлайди ва фикрига мисол ўлароқ бир қанча ўзбек адиблари қаторида Нормурод Норқобиловни ҳам санаб ўтади².

Нормурод Норқобилов асарларида ҳам миллий ўзликни англаш ифодаси эпик майдонда ўз ифодасини топганлигини алоҳида қайд этиш лозим: *“Бир қараишда, бўрилар учун бу даишда емиш қаҳат эмасдек туюлади. Масалан, шундоққина ёнларида Тўланбойнинг подаси. Қиш-қировли кунлар бошлангунга қадар кечаю кундуз даишда ёйилиб юради. Аммо бўри зоти уни жойлашган ҳудуд тасарруфига кирувчи ердаги жонлиққа тегмайди. Зеро, уларнинг тинчлиги ҳам шунга боглиқ”*³.

¹ Давронова Ш. Истиқлол даври ўзбек романчилиги ва шарқ адабиёти. – Тошкент: Наврўз нашриёти, 2019. 104-бет.

² Йўлдош Солижонов. Муштараклик, ҳамоҳанглик, ўзига хослик. Чингиз Айтматов ва Ўзбекистон. Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2018. 199-200-бетлар.

³ Норқобилов Н. Дашту далаларда. Роман. – Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 2009. 12-13-б.

Инсон ва табиат, инсон ва наботот олами азалдан диалектик бирликда ҳаёт кечириб келди. Аммо ўтган асрнинг олтмишинчи йилларидан бошлаб бу анъаналар маълум даражада унутила бошланди. Инсон ўзи англамаган ҳолда табиат ва унинг мўжизалари олдида “лол” қолишга мажбур бўлди. Эзгулик, адолат, ҳақиқат ўрнини ёвузлик, ваҳшийлик, инсон характеридаги шафқатсизлик эгаллай бошлади. Бу каби муҳим хусусиятлар Нормурод Норқобиловнинг “Дашту далаларда” романи қаҳрамонлари бўлган Тўланбой, Рўзиқул, Ҳайдар образларида яққол кузатилади. Романда оламнинг гўзаллиги, инсониятнинг шу гўзалликка муносабатини, гуманизм моҳияти ва кадр-қимматини бутун ижоди бадиий тўқималарига ёйилиб кетган миллий маънавият ифодасига сингдирилади. Одамзоднинг руҳий баркамоллиги, эзгу мақсади ҳақида фалсафий теран тасвир йўналиши адиб дунёқараши ва бадиий тасаввури кенглигидан далолат беради. Шунинг учун ҳам ижодкорнинг ҳар бир асарида хоҳ у кичик жанр бўлсин, хоҳ йирик ҳажмли бадиий полотно бўлсин, адолат, ҳақиқат, меҳр-шафқат, эзгулик каби тушунчалар талқини асосий ўринни эгаллайди.

Адиб асарларида доимо ўз даврининг илғор маънавий-ахлоқий интилишларининг талқини етакчилик қилади. Чунки ижодкор нуқтаи назарида жамиятнинг ана шу муаммолари поэтик мушоҳада ва муҳокамасида теран эстетик қиймат касб этади. Ёзувчи поэтик изланишларининг мағзини инсон борлигини ижтимоий-психологик такомилда тасвирлаш, талқин этиш ташкил этади. Романда ифодаланган маъно-моҳият халқимиз анъаналари, урф-одатлари замирига сингдириладики, бу эса мураккаб характерга эга бўлган инсонни англаш мушқиллигини намоён этади.

Поэтик талқинда мужассамлашган муаллиф концепцияси қаҳрамон руҳияти ва ботиний оламини ойдинлаштиради, етакчи образ динамик тадрижи тасаввур чизиқларини марказлаштиради, тасвир тамойилларидаги ўзига хос талқинлар эса эпик майдондаги фалсафий теранликларини бадиий умумлаштиришга замин тайёрлайди.

Роман эпик борлигида Тўланбой образи ва унинг ҳаёт тарзи, кечинма ва изтироблари тасвири сиймоси етакчилик қилади. Ижтимоий-психологик зиддиятларни бирлаштириб турадиган бадий қаҳрамонда мужассамлашган хотира, мулоҳаза, унинг фаолияти давомида турғунлик даврининг умумлашма типини намоён этади. Тўланбойнинг ҳаёти, ўз дарду дунёсига эга инсон экани, индивидуал характери воқеалар ривожига кўрина боради. Адиб бу образни турли қарама-қаршиликлардан иборат ҳаёт фонида тасвирлар экан, ўзлигини англаётган, баъзан буни унутиши фожиавий кайфият уйғотишини теран рухий-психологик тасвирлар билан баён қилади: *“Тўланбой жониворнинг яғрин туклари биқин юнгларига нисбатан дағалтоблигини гўё энди пайқагандай, панжаларини гоҳ оҳиста, гоҳ тезроқ ҳаракатлантиришида давом этаркан, бирдан тулки мўйнасининг ўзига ҳеч кераги йўқлигини фаҳмлаб қолди. Бироқ бундан унинг туклари тўкилган яроқ телпак остидаги сўпоқ бошига Қорақулоқни озодликка қўйиб юбориш фикри келмади”*¹. Тўланбой характериға қачонлардир ўрнашиб қолган аламдан пайдо бўлган бундай ёвузлик аста-секинлик билан эзгулик ўрнини эгаллай бошлайди. Унинг болалигидаги наботот оламиға бўлган муҳаббати йўқолиб боради. Тасвирдаги аниқлик эса айнан кичикдан каттаға, хусусий ҳодисалардан ҳаётий умумлашмаларға интилишға мойилликнинг кучлилиги билан изоҳланади. Ўз навбатида ёзувчи ғоявий муносабати халқ руҳияти, миллат истиқболини атрофлича таҳлил этишға ҳаракат қилади. Бу муносабат инсоният келажағига ишонч билан қараш, уни идрок этиш ва тушуниш нуқтаи назаридан мантиқий изчиллик касб этади.

Аслида, ижодий мантиқнинг асл мазмуни ҳам миллат иродаси ва мақсад-интилишларини чуқур ўзлаштиришға бориб тақалади. Чунки мазкур тушунча характерли белгини ахтариш ва унга урғу бериш муштараклигидан озиқланади. Инсониятдаги бундай ёвузлик хислати аниқ ва яхлит воқеалар силсиласида бадий умумлашма образлар асосида ўз ифодасини топади.

¹ Норқобилов Н. Дашту далаларда. Роман. – Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 2009. 15-б.

Ёзувчи бадииятида эпик образ тасвири услубий нозикликни намоён этадиган воситалар мажмуига айланади. Бадиий психологик таъкид, ёрқин ҳаётий тафсилот, ситуация каби адабий унсурлар эпик майдон табиатини очиб берадиган ёрдамчи воситалар тарзида вазифавий аҳамият касб этади. Муаллиф бадиий талқин замирида инсон тўғрисида ҳаёлот–ҳаётда мужассам оғриқ нуқталар, инсон қалбидаги безовта ҳис-туйғуларни қарама-каршилиқлар силсиласида акс эттиради.

Одамзод табиатини рўйи рост тасвирлаш ёзувчи эстетик тамойилларини белгилайди. Санъаткорнинг адабий маҳорати – жамият ва ҳаёт ҳаққонийлиги нуқталарини аниқ илғай олишида, қаҳрамон маънавий оламини тўғри тасвир этишида, шахс манфаат ва қизиқишларини ягона эстетик мақсадга йўналтиришида, инсоният масъулияти, маънавий ва маърифий савияни шакллантириш иқтидориди тўлиқ намоён бўлади. Н.Норқобиловнинг бадиий маҳорати ҳам айнан шундай сифатларда кўзга ташланади.

Эпик майдон қаҳрамон қиёфасининг улуғворлиги, миллат савиясини ўзига сингдирганлиги, умуминсоний масалаларни уюштириб турганлиги билан диққатга сазовор. Зеро, ёзувчининг поэтик ифодаси асосий образ табиатидан фалсафий умумлашмага қадар бўлган масофада ҳаракатланиб, ҳаётий миқёсни аниқлаштиришга яқиндан ёрдам беради. Ёзувчи қўллаган усул воқеалар ривожини изчиллиги ҳамда қаҳрамонлар ўзаро муносабатини тасвир атрофига жипслаштиради. Ёзувчи бадииятида эпик характер услубий нозикликни намоён этадиган воситалар мажмуига айланади. Ёзувчи ўзига хос услуби орқали рамзий воситалар асосида турфа хил оҳангларни бадиий асар сюжетига сингдиради. “Энди ўзбекнинг адабиёти фақат ўзбекнинггина туйғуларини эмас, айни вақтда, жаҳондаги ўзга кишиларнинг сезимларини ҳам ифодалаш ва миллий адабиётимиз, табиий равишда, дунё адабиётига ҳам айланиши керак. Бу ҳол дунё адабиётидаги энг яхши жиҳатлар ўзбек адабиётида намоён бўлгани каби жаҳон эстетик тафаккури ривожига ўзбекча

оқимлар ҳам кириб бориши зарурлигини тақозо этади”¹. Кейинги йилларда ёзилган ҳар бир насрий асар ғарб ва шарқ адабиётидаги кўплаб анъаналарни ўзида мужассамлаштирганлиги билан замонавий ўзбек романчилигини юксак даражага кўтармоқда.

“Дашту далаларда” романда ижодкорни тўлқинлантирган, хаёлотини безовта қилган ва қўлига қалам олишга ундаган инсоний тақдирларга кенг ўрин берилади. Ёзувчи оқибатни кўрсатишдан сабабни тасвирлашга жиддий эътибор қаратади. Бу ҳолатнинг бадиий тасвир усулидан ўрин олиши бежиз эмас, чунки замонавий ўзбек насрида инсон руҳияти ва унинг психологик кайфиятини акс эттириш анъанаси етакчилик қилмоқда. Адабиёт инсоншунослик экан, санъатнинг бу тури инсоннинг табиати энг мураккаб қирралари ва характер хусусиятларини акс эттиради. Шунинг учун ҳам баъзи ўринларда инсонни тушуниш ўта мураккаб, айна дамда бетакрор оламга эгаллиги билан ўзига хослик касб этади. Аслида ҳам борлиқдаги энг мураккаб жонзот инсондир. У дунё ичидаги дунёдир. Шунга кўра Н.Норқобилов асарларида сюжетидаги воқеалар тизимида атроф-муҳитни тафтиш этадиган кимсалар тасвири секин-аста ўз руҳиятини текширадиган индивидуал образлар даражасига кўтарилади. Ёзувчи романида оддий инсоннинг тафаккуридаги зиддиятлар талқини ҳам маҳорат билан ифодаланади: *“Қуёш уфқни қонга белаб, чексиз сарҳадга бош қўйган. Ўша томондан ҳур-ҳур эсаётган сарин ел шuvoқ иси аралаш бошқа ўт-ўланлар ҳидини олиб келиб, димоққа урар, нарида эса пода тинчгина ўтлаб юрарди. Дунёда қорамол подасини боқшидан осони йўқ, ҳайдаб қўйсанг бўлди, узоқламай ёйилиб юраверади”*². Бундай талқинларда табиат билан инсонга хос туйғулар уйғунлиги сезилади ва айна дамда, подасидан, йиллар давомида меҳр қўйган касбидан ҳам аста-секинлик билан беза бошлагани кузатилади. Подачи Тўланбой дўстларининг эркин юриши, ўзининг эса далага, даштга боғланиб қолгани хусусида кўпроқ ўйлай бошлайди. Бироқ унинг шунда ҳам, ҳаётига,

¹ Йўлдошев Қ. Ёник сўз. –Тошкент: 2006. 109- бет.

² Норқобилов Н. Дашту далаларда. Роман. – Тошкент: Ўзбекистон нашриёти, 2009. 59-б.

ўз турмушига бўлган меҳр йўқолмайди. Фақат қалб изтиробларини хаёлан жонлантиради, холос. Инсоннинг умри, ҳаёти ўткинчи лаҳзалардан иборат эканлигини яхшироқ англай бошлайди. *“Тўланбойнинг ёлғиз ўтовга кўникиб кетиши осон бўлмаган. Худди кўкракдан ажратилган гўдакдай хийла вақт қийналиб юрган. Илгари таиқарилаши билан отасининг ўтовига кўзи тушарди. Кўнгли хотиржам тортиб, кундалик юмушига уннаб кетаверарди. Отаси посбони ва суянчиги эди. Ота-онаси ўтовини йиғиштириб, қишлоққа эниб кетишгач, етим қўзидай бўлиб қолди. Буни аёли Ойгулу болалари руҳиятида ҳам сезди”*¹. Баёндаги “худди кўкракдан ажратилган гўдакдай”, “етим қўзидай” каби таъбир ўқувчининг эсида қолади. Айни пайтда, Тўланбойнинг қалб кечинмаларини намоён қилади.

Йиллар шамоли Тўланбойнинг хаёлларини тўзғитиб юборади, аммо унинг қалбида ўз касбига нисбатан нафратни уйғота олмайди. Хаёлан узоқ олисларга назар ташлар экан, мураккаб ҳаётнинг кўп қирраларини ўзича таҳлил қилишга, хулосалар чиқаришга интилади. Шунинг учун ҳам баъзан ўз хаёллари билан яшашга интилади. Бунинг сабаби ҳам, ўзлигини англашга бўлган интилиш деб қараш мумкин. Тўланбой ёлғиз қолган онлари ўз борлиғига назар солади, демак, адиб бу образни тафаккур эгаси, мушоҳада юритувчи, ҳаётнинг мураккаб қирраларини ўзича муҳокама қиладиган қаҳрамон сифатида тасвирлайди.

Ёзувчи юқорида қайд қилинган тасвирларда, “Қуёш уфқни қонга белаб, чексиз сарҳадга бош қўйган. Ўша томондан хур-хур эсаётган сарин ел шувок иси аралаш бошқа ўт-ўланлар ҳидини олиб келиб, димоққа урар, нарида эса пода тинчгина ўтлаб юрарди” каби талқинларида макон ва замон хусусияти билан бирга асар қаҳрамони руҳиятидаги ўзгаришларга ҳам урғу беради. Адиб макон ва замоннинг ифодасига Тўланбойнинг руҳиятидаги эврилишларни сингдириб юборади. Асарда берилган бадиий тасвирлар ва реал воқеалар мазмуни Тўланбой руҳиятига ҳамоҳанг келади. “Қуёш уфқни қонга белаб, чексиз сарҳадга бош қўйган” жумласидаги мазмун, қаҳрамон

¹ Норқобилов Н. Дашту далаларда. Роман. – Тошкент: Ўзбекистон” нашриёти, 2009. 62-б.

руҳиятидаги ўзгаришларни, қалб кечинмаларидаги орзу-истакларни намоён бўлиши билан узвий боғланиб кетади. Асар қаҳрамони характери ни бўрттириш, маиший ҳаёт зиддиятларини умумлаштириш асосида унинг ботиний оламидаги изтироблар янада теранроқ аҳамият касб эта бошлайди. Назарий адабиётларга кўра, характер образнинг мукаммалашган, теран индивидуаллашган, ўзининг бошқалардан аниқ ажраб турадиган ҳам ғоявий ва маънавий жиҳатдан таъсирдорликка эга бўлган туридир. Шунга кўра, ҳар қандай характер образ бўла олади, лекин ҳар қандай образ характер бўлолмайди. Ғоят мукаммал, инсонга хос хусусиятлар бутун тўлалигича ўз ифодасини топган, фаолиятида, хатти-ҳаракатида, тутган ишида ўз замонасининг, даврининг, ижтимоий шароитининг руҳи сингган шахс образи тип деб аталади.

“Эшқул полвон ажал тимсоли сифатида от қўйиб келган Ўсарқул баттолни, у кутганчалик, тошлар орасига биқиниб эмас, гиёҳ унмас қоя чўққисидан кутиб олади. Мисли тош ҳайкал на қимирлайди, на қилт этади. Мактаб ҳовлисидаги аллакимларнинг ҳайкалига ўхшаб турибди, узоқ-узоқларга мағрур боқиб.

Ўсарқул баттолнинг биринчи бўлиб пайқазани ва менгзагани шу бўлди. Иккинчи сезгани, йигитнинг қуролсизлиги эди. Баттолга ўхшаганлар ҳар қанча газаб отита минмасин, ичидан ҳаммиша бир қоидага тўла амал қиладилар, яъни биринчи бўлиб рақибининг авзойига, сўнг қўли ва қўйнида не яроғи бор, шунга эътибор қаратадилар. Нега деганда, рақибнинг авзойи, одатда, кўп нарсани англайди. Агар итдай ақиллаб кутиб олса, унинг куч-қудрати итникидан зиёда эмас, салгина ҳимо қилсанг, итдай гингиб қочади. Гар у заҳархандалик билан илжайиб турса, албатта, қўйнида яроғи бўлади ва пайт пойлаб оч биқинингга тиқиб олиши турган гап. Бундан ҳам ёмони, рақибнинг мағрур ва сокин қаршилагани, ишонган нимасидир борки, унақалар билан беллашиши ҳеч қачон осон кечмайди. Бу энди Ўсарқул баттолнинг орттирган шахсий тажрибалари эди. У яна шуни яхши билардики, ор ва номус дея, ўзини минг ўтга-чўққа урмасин, жин чалгандай,

ҳарчанд қутурмасин, жон қурмагур атиги битта ва жойи келса, у гоятда мўрт ва қилдан нозик. Бармоқ учидек ўқ ёхуд муштдай тош зарбидан чирт узилиб кетиши ҳеч гап эмас. Аммо айни дамда у ўз жонидан алағда эмасди, устунлик ўзи томонда эканлигини сезиб, кўриб-билиб турарди. Бунинг учун елкасидаги милтиқни қўлига олиб, бир ўқ узса бас, қоя пойида оғзини очиб турган тубсиз жарлик ганимининг жонсиз жасадини ўз комига тортади қўяди”¹.

Бадий асарда конфликт энг асосий компонентлардан бири саналади. Чунки у асар сюжет чизиғини ҳаракатга келтирувчи куч ҳисобланади. Агар образли қилиб айтсак, асар юрагини ишга солувчи қон томири конфликтдир. Ҳақиқий ҳаётий конфликтга эга бўлмаган асар том маънодаги санъат асари бўлолмайди. Санъат ҳамма вақт қарама-қаршиликлар, зиддиятлар тасвири билан қизиқ ва ҳаётийлик касб этади. Маълумки, ҳар бир давр, муҳит ва ҳатто инсон ўз зиддиятларига эга бўлади. Ёзувчи бу зиддиятларни бадий инъикос этар экан, уни шунчаки тасвирламайди, балки кўнгилдан ўтказиб, ўша зиддиятлар сабабини англашга интилади. Бу жараёнда ўз-ўзидан маълумки, шу зиддиятларга нисбатан ёзувчи нуқтаи назари юзага келади. Яъни зиддиятни юзага келтирган икки қутбдан бири хатти-ҳаракатини кўллаб-қувватласа, иккинчисининг фаолиятини инкор қилади. Шу асосда бу зиддиятларнинг моҳиятини очишга киришади. Бизга аёнки, ҳар қандай воқелик ва зиддият инсон фаолияти асосида таркиб топади. Ҳар бир инсон савияси, руҳияти, дунёқарашининг кўламига қараб ҳаёт ҳодисаларига баҳо бериши, унинг тенденцияларини таҳлил ва тадқиқ қилиши ўзгача бўлади. Яъни улар айримларининг жамият ва ҳаётдаги негатив ҳолатлар билан тўқнашуви заминида умуминсоний масала ётади ёки ётмайди. Бундан кўриняптики, ҳар бир инсон фаолияти индивидуалликка эга.

Айнан, эътиборга молик шу жиҳатлар Н.Норқобиловнинг “Дашту далаларда” асарида ўзгача қиёфа касб этади: “*Бўз бўрини кўкартирмайди у! Қаранг, бу йил ҳам иккитагина болалабди. Болаламай ўлсин у! Ойбарчин бу*

¹ Норқобилов Н. Дашту далаларда. Роман. –Тошкент: Шарқ, 2008. 29-бет

гапни кенг даштнинг узоқ бир бурчига қараб, урчугини йигира-йигира айтади. Бўзбўрига ичи ачиб-ачиб айтади. Қораманглайни қарғаб-қарғаб айтади.

Ўтов соясидаги тақран ерга ташланган кигиз устида ёнбошлаб ётган Эшқул полвон у тикилган томонга қарамайди. Қарамаса-да, даштнинг кўз илгамас узоқ сарҳади-дан ўтиб бораётган Бўзбўри тўдасини ўзича тасаввур қилади. Кампирининг ўтқир кўзларига ҳаваси келади. Кўзи ўтқирлик Ойбарчинга ота мерос. Ўсарқул баттолнинг кўзлари бургутники каби ўтқир эди. Ундаги бу хусусият қайнотасидан аёлига, аёлидан ўгли Тўланбойга ўтган. Яқинларига ёмоннинг ёмон феъли эмас, ноёб хусусияти кўчганига шукр қилади. Бу ҳақда мушоҳада юритмоқ истайди. Бироқ кампири сўзламоғига изн бермайди. – Мен гўрсўхтаням Қораманглайдан ҳеч неш жойим йўқ, – дейди ҳазин ва андак аламли оҳангда. – Ўн уллик сиёғи бор эркакка зўрға иккитагина фарзанд туғиб бериб ўтирибман. Униям бири қиз. Кўнгил-пўнгил деб ўтирмасдан мени ҳайдашингиз керак эди, чол. Этагимга осилиб, бекорга умрингизни хароб қилдингиз.

– Ундай дема, кампир, мен сени суйиб олганман.

– Суйиб эмас, опқочиб олгансиз.

– Опқочмасам, отанг бермасди-да.

– Э, анову жондорлар бу томонга юргандай бўлаяпти. Мол-ҳолга тегмасмикан?

– Қачон молинга тегувди?

– Айтиб бўладими?

– Даштга худди бугун чиққандай гапирасан-а.

– Унда нега бу томон ўрлаяпти?

– Сен уларни қаерда кўраяпсан?

– Қизилбетда.

– Қизилбетдан Чоридовонга бурилиб кетишади.

– Билгандай гапирасиз-а.

– Билмай нима, Бўзбўри неча йиллик қадрдоним.

- *Ошнам денг, – Ойбарчин беозор жилмаяди.*
- *Шундай десаям бўлади.*
- Эшқул полвон хушнуд кулимсирайди.*
- *Э-я, чинданам Чоридовонга бурилишиди улар.*
- *Билатуриб, ёш боладай ҳайратланишинг зўр-да сени.*
- *Феълимни билиб уйлангансиз...*
- *Ва суйиб уйланганман...”¹.*

Бу диалогик нутқдан Эшқул полвон билан унинг умр йўлдоши Ойбарчиннинг ўзига хос характер қирралари, рухий-маънавий олами жуда гўзал экани англашилади. Уларнинг узоқ йиллик ҳаёти, қалб қаъридаги гўзал туйғулар билан ҳамоҳанг тарзда ифодаланади. Одамларнинг турли тийнатга эга бўлиши барчага маълум гап. Лекин бу нарсанинг бежиз эмаслиги кўпчиликка аёнмас. Улуғ аллома Беруний бу ҳақда шундай дейди: *“Одам табиати жиҳатидан бир-бирига зид аъзолар қўшилмасидан таркиб топган мураккаб танага эга бўлганлиги боис, унинг ҳолати ўз характерига кўра, хилма-хил ва турли-туман бўлади”²*. Шундан борлиқдаги ҳар бир инсон ўз зоҳирий ва ботиний дунёсига эга.

Демак, янги характерлар билан бирга янги конфликтлар юзага келади. Бадиий асарда конфликт қанчалик ҳаётий, объектив, динамик ва уларнинг бирлигида изчиллик бўлса, унинг қаҳрамони ҳам шунчалик жонли ва жозибадор бўлади. Албатта, ижод жараёнида бу нарсага эришиш осон кечмайди. Ёзувчидан катта истеъдод ва маҳорат талаб қилади. Шундан ёзувчи ўз асарида бу борада маҳорат кўрсатиш билан ўз истеъдодининг кенг имкониятларини ҳам намоён этади. Романидаги ҳолат, муносабат, зиддият ва тўқнашувлар тарихи Эшқул полвон хотиралари, яъни ретроспектив сюжет усул билан тасвирланади. Эшқул полвон марказга, сиҳатгоҳга келган: оёғи оғрийди, даволанмоқчи. У жисман сиҳатгоҳда, бироқ руҳи, жони-жаҳони даштда, адоқсиз далаларда кезади. Саъдулла боди билан танишиб қолмаса,

¹ Норқобилов Н. Дашту далаларда. Роман. –Тошкент: Шарк, 2008. 33-бет.

² Норқобилов Н. Дашту далаларда. Роман. –Тошкент: Шарк, 2008. 35-бет.

эхтимол, даштни эсламас, хотираларга берилмаган бўлиши ҳам мумкин эди. Аслида, бу танишув ёзувчининг маҳоратидан дарак беради. Бу икки образнинг ўзаро муомала-муносабати жуда табиий ва бадиий жиҳатдан маҳорат билан уюштирилади. Аслида, кўпгина қиссалари ҳамда муҳокама қилинаётган ушбу романларида ҳам адиб қўллайдиган хроникал сюжетга ретроспектив сюжетни маҳорат билан улаш ҳодисаси ижодий индивидуаллик сифатида ўринли бўлади.

“Дашту далаларда” романидаги Саъдулла боди образи – бу йигирманчи асрнинг олтмишинчи йилларида қишлоқдошларини зир қақшатган, камчисидан қон томган, туман фирқа кўмитасининг йўриқчиси бўлган Фармоновнинг ўғли. Ёши қирқни қоралаган, оқ эшакқуртдай семириб кетган Саъдулла боди бетайин, ахлоқан бузуқ, ғурурсиз, лакма одам. У ўтмишни билмайди, келажак билан қизикмайди. Ўз қадрини билмаган бу кас ҳеч кимни сариқ чақага олмайди. Унингча, Эшқул полвон ғирт қишлоқи, ёшини яшаб бўлган кераксиз одам. Кўпни кўравериш пишиб кетган Эшқул полвон бу тентакдан йироқроқ бўлишга интилади. Лекин сиҳатгоҳ кичкинагина жой. Қолаверса, Саъдулла бодига гапларини эшитадиган қулоқ керак. Йигит алжираб-алжираб ҳеч нарса бўлмагандай, кетаверади. Эшқул полвон ва Саъдулла боди муносабатлари портлаш даражасига етди. Алалоқибат полвон кап-катта одамнинг юзини ерга қаратиб ётқизади, юмшоқ ерига роса уради, тепади. Аслида, ўлдириш нималигини ҳам билмайдиган содда полвон Саъдулла бодига пўписа қилди:

“– Отахон, мен сизни ўлдираман, – деди. Сал вақт ўтар-ўтмас Саъдулла боди “ваъда”сини унутди”.

Эшқул полвон Саъдулла боди билан гаплашади-ю, ярим асрлик воқеалар хаёлидан кўтарилмайди. Ўтган асрнинг олтмишинчи йиллари бошларида коммунистик фирқа Марказий кўмитасининг ўта ўйловсизлик билан қабул қилинган қарори, айниқса, қишлоқ кишиларининг жон-жаҳонини ўртаб юборган эди. Қарорга биноан, ҳар бир шахсий хўжалик қарамоғидаги молини давлатга топшириши шарт. Оилага фақат уч-тўртта майда мол қолдириш

мумкин. Дехқоннинг дехқонлиги, чорвадорнинг чорвадорлигидан қандай наф-манфаат борки, унинг молхонаси, ҳувиллаб ётса?! Қишлоқ кишиси беш-ўнта мол қилай, омборим дон-дунсиз қолмасин, деб эрта-кеч тер тўкади. Жамоа хўжаликлари тузилаётган паллада ҳам ҳар бир дехқон дон-дунини умумомборига топширсин, деган буйруқ бўлган эди. Шу буйруқ жамоа хўжаликлари тагига илк бор сув қуйганди. Аслида Н.Норқобиловнинг дарду дунёси бўлган бу ҳодисани ўзбек адабиётида қайсидир маънода Шукур Холмирзаев ўзининг “От эгаси”, Тоғай Мурод “От кишнаган оқшом”, Нурали Қобил “Салом, тоғлар” каби асарларидан бадиий акс эттирди. Нормурод Норқобилов улардан кейинги адабий авлод сифатида айна мавзуга қайта қўл уради. Бунинг асосий сабаби ўзбек миллати тарихида рўй берган бундай фожиалар ортидан йиллар ўтса ҳам, ичкарисидан, хотираларидан йироқ кетмайди.

Шунинг учун ҳам “Дашту далаларда” романидаги ўзбекнинг ҳаёт тарзи, унинг бошига келган мустабид тузум давридаги мусибатлар қайта адабий сахнага чиқади. Романда чорвадорлар ҳаётини тубдан салбий тарафга ўзгартирадиган ўша машъум қарор ижроси ва унинг фожиавий оқибатлари холисона тасвирланади. Чорвадор оёғига теша урган бу ҳужжатга қарши биринчилардан бўлиб, романдаги Бойғози кал образи қарши чиқди. Аввалига, ўз молхонасини мол-поли билан ёқиб юборди ва бу ўша машъум қарорга нисбатан ўз исёнини намойиш қилади. Асардаги тасвирга кўра, адолатли Эшқул полвоннинг қишлоқдошлари молини олиб, даштга чиқиб кетишга базўр кўндиришди. У йиғилган подани ҳайдаб, даштга кетади. Сюжет воқелиги ва хотиралар баёни кетма-кетлигига кўра туман фирқа кўмитаси йўриқчиси Фармонов жон-жаҳди билан халқ манфаатига зид қарорни ўрнига қўйиб, ижро этишга киришади. Майда, қора моллар хатланди, махсус идораларга жўнатилади. Ўсарқул, Шавкат қирриқ, Рўзиқул мелиса сингарилар Бойғози кал, Эшқул полвон қилмиши ҳақида махсус маҳкамаларга хабар етказиб турдилар. Ўз миллати, ўз элидан чиққан бундай хоинлар ҳамма замонларда эл-юртнинг шўри бўлган. Қолаверса, айна

образлар гуруҳи ўртасидан ёзувчи томонидан ижтимоий-психологик конфликт маҳорат билан уюштирилади. Дейлик, Фармонов ҳар куни Эшқул полвон олиб кетган подани излаб тиним билмайди. Тасаввур қилинг, подани топса, нималар содир бўлиши мумкин? Бир ўринда ёзувчи фирқа вакили Фармонов билан Эшқул полвонни Қизилтепада тўқнаштиради. Улар орасида мана бундай суҳбат – сўз дуэли бўлди:

“ – ...Қадамимни пойлагунча, шугина подани кўриб кўрмасликка, билиб билмасликка олсанг бўлади-ку! Ё, ҳашиша топасан, деб, биров сенинг ёқангдан оляптими?!

– Мен отамни алдашим мумкин! – Фармоновнинг овози ўта расмий тус олди. – Лекин партияни ҳеч қачон алдай олмайман!

– Ўв-в! – Эшқул полвон дилига тугиб юрган гапларини айтмоққа жазм этди. – Биз сени ҳукумат ва ҳукуматнинг одами деб биламиз... Шу кенг даштда яшаб туриб, сурув-сурув мол қилмаслик гуноҳи азим эмасми, а?! Одамларни буйтиб сиққунча, халойиқ, чоғинг етганча мол қил, ҳам эл тўяди, ҳам ўзинг, демайсанми?! Биласанки, эшигида тўртта моли йўқ одам на ўзига эн бўлади, на бировга!”¹ Бадиий асар қиммати фикрларнинг асослилиги, одамлар ҳаётининг ҳаққоний тасвирига мос келиши билан белгиланади.

Ёзувчи қай макон, қай замон ҳақида ёзаётганини, қаҳрамонлари кимлар эканини яхши билади. Романда тасвирланган дашту далаларни: Илондара, Тошдара, Қоялидара, Ингичкадара, Қорадара, Пучуктепа, Ўртақир, Чўтирқир, Қизилтепа, Оксийна чўққиси, Очкамар, Юқоригаза, Толлижарлик, Суяклисой, Иссиқжар деган маконлар белгилайди. Асарда Эшқул полвон ва Ойбарчин момо, Тўланбой ва Ойгул келин, Бўзбўри ва Қораманглай бўри, Қорақулоқ ва Жайноққўз тулки, Бойғози ва Зарбуви жуфтлиги, Ўсарқул баттол, Ҳайдар, Сулаймон чавандоз, Фармонов, унинг боди ўғли Саъдулланинг ҳаёт йўли, тақдири тасвирланган. Биз ҳамisha бадиий характер ижтимоий муносабатлар самараси, деб келганмиз. Ваҳоланки, қаҳрамонларни шакллантирадиган омиллар мўл экан. Табиий муҳит Эшқул

¹ Норқобилов Н. Дашту далаларда. Роман. –Тошкент: Шарқ, 2008. 72-бет.

полвон ва Бўзбўри тўдасини ҳамкорликда яшадини тақозо этди. Одам ва махлуқ аро ёзилмаган, аммо изчил риоя қилинадиган шартнома бор. Эшқул полвон Тўланбой, уларнинг қариндошлари Бўзбўри ва Қораманглайни ўз яқинлари, деб биладилар. Улар ҳаётида рўй берадиган ҳар бир янгиликдан хабардорлар. Бўзбўри нафақат ўзи, Қораманглайни, ўзга тўдаларни Эшқул полвон молларига яқин йўлатмайди. Эшқул полвон сихатгоҳда даволанаркан, тушида икки-уч бор Бўзбўрини кўради.

Бўри ёстикқа ёнбошлаб гурунг бераётганмиш. Тўланбойнинг тушида Ҳайдар тоғаси Бўзбўрининг кизига уйланаётганмиш. Ойбарчин момо қачонки, Бўзбўридан гап очилса, Қораманглайни яқин кишисидай тилга олади. Мен ҳам, Қораманглай ҳам сизларни (Эшқул полвон ва Бўзбўрини назарда тутяпти) фарзандга ёлчитмадик деяверади. Ойбарчин алпдай полвон эрига иккитагина фарзанд ҳадя этди. Қораманглай ҳам ҳамиша икки бўлтириққа она бўлади. Уларни эплаб-сеплаб вояга етказа олмайди.

Эшқул полвон билан Бўзбўридан даштнинг катта-ю кичиги ҳайиқиб яшайди. Эшқул полвон фидойилиги, элпарварлиги билан обрў-эътибор топган. Бўзбўри неча бор ўзга тўдалар етакчилари билан ҳаёт-мамот жангига киришган. Ҳали енгилмаган, майдондан думини қисиб чиқиб кетмаган. Аксинча, у шердай олишади, жанг майдонини тўс-тўполонга айлантириб юборади. Унинг вазоҳати атрофдагиларга кўрқув солади.

Бўзбўри Эшқул полвонга “ҳурмат” билан қарайди. Унинг мол-ҳолига кўз олайтиришни ҳаёлига ҳам келтирмайди. Уларнинг ўзаро муносабатини китобхон воқеалар ривожидан англаб олади. Ҳар иккиси ҳам бу ерларнинг эгаси эди. Бири тафаккурга эга инсон бўлса, иккинчиси жонли жонзот. Лекин ундаги ўзига хос ишонч тушунчаси, майлини ҳам инкор этиб бўлмайди. Эшқул полвон унинг қадам олишидан кайфиятини англаб, ҳис этарди. Бу ўринда инсон ва наботот оламининг узвий бирлигини англаш билан бир қаторда, узвийликни инкор этиб бўлмаслигини ҳам тушуниш, ҳис этиш зарур.

Бадий адабиёт тараққийтининг ички омиллари мавжудлиги ва уларнинг аҳамиятини заррача инкор этмаган ҳолда, биз ҳар бир давр адабиётининг ғоявий-мазмуний ҳамда поэтик хусусиятлари, аввало, ўша даврнинг ижтимоий тарихий шарт-шароитлари билан белгиланади, деб ҳисоблаймиз.

Хуллас, асардаги образлар олами даврнинг энг характерли хусусиятларини ўзида мужассамлаштирган. Инсонни англаш, ўзликни англаш сари илк ҳаёлий қарашлар, характерлар руҳиятига сингдирилганлигидан далолат беради. Бунинг замирида оддий инсон тақдири, қисмати, ҳаёт йўли ўз ифодасини топган. Романдаги оддий инсон қисматининг поэтик тасвири муайян тарихий замоннинг мураккаб жиҳатлари ҳақидаги умумлашма хулосаларни чиқариш имконини беради.

3.2. Рамзларда ифодаланган ҳаёт тасвири

Узоқ тарихга эга бўлган бадий адабиёт мавжуд воқелик ва ҳаётий мураккабликларни турли йўсинда, турлича образ ва рамзлар билан бадий талқин этиш билан бирга инсонни англаши, унинг мураккаб тақдирини кўрсатиш йўлидан боради. Дунё халқлари адабиёти тарихига назар ташланса, инсон характеридаги ва жамиятдаги ўзгариш ҳамда эврилишлар энг истеъдодли сўз санъаткорлари томонидан кенг кўламда бадий талқин этилганлигига гувоҳ бўлиш мумкин. Шу маънода ўзбек адабиётида истиқлолга эришиш жараёни мураккаб кечгани, йиллар давомида эрк ва озодликни турли рамзлар асосида истеъдодли адиблари бадий баён этишга урингани – бу ҳам тарих ҳақиқати. Мустақиллик йилларига келиб эса ўзбек романлари поэтик жиҳатдан турфа хил шакл ва оҳангларда ўз аксини топа бошладики, бунинг замирида ҳаёт ва инсонни теранроқ англашга бўлган эҳтиёж мавжуд эди. Кейинги йиллар адабиётида чинакам ижод қилиш, ҳақ сўзни, ҳақиқатни айтиш эркинлиги кенг қамровда ривожланди.

Шу ўринда адабиётшунос Озод Шарафиддиновнинг фикрларини келтириш ўринли бўлади: “Истиқлол адабиёти бу хронологик тушунча эмас.

Соддароқ қилиб айтсак, истиқлол адабиёти деганда биз фақат 1991 йилдан кейин яратилган асарларнигина тушунмаслигимиз керак. Истиқлол адабиёти Чўлпонлар, Фитратлар ижодидан бошланганидек, у сўнгги ўн йилликда ҳам шаклланишда давом этди. Табиийки, бундан кейинги ўн йилликларда ҳам такомилда давом этади”¹. Бу мулоҳазалар замирида ҳаёт ҳақиқати мавжудлигини инкор этиб бўлмайди. Даврнинг мураккаб қирраларини у ёки бу даражада талқин этиш анъанаси ўша даврларда ҳам кузатилар эди, аммо истиқлол арафаси ва ундан кейинги давр адабиётида ўзига хос талқин ўзгаришлари майдонга келдики, бу эса адабиётда рамзийлик билан бир қаторда фалсафийликни ҳам юксак даражага кўтарди.

Ижодкор фитратида мужассамлашган ҳаётни қайта талқинлар замирида синтезлаш, рамзлар асосида образлар оламини намоён этиш хусусиятлари ҳам ўз ифодасини топа бошлади. Бу ўринда ижодий мушоҳада бадий талқин ва қайта яратиш маҳоратини ҳам ўзида мужассамлаштиради. Бу уйғунликнинг юзага чиқишида ҳиссий идрок пайдо бўлган фикр-туйғуни шакл ва мазмун уйғунлиги негизида бадийликка сингдириш муҳим аҳамият касб этади.

XX аср бошларида вужудга келган анъаналарни кейинги йилларда янада теранроқ талқин этиш тамойилининг вужудга келганлигига урғу берилмоқда. Шунинг учун бадий талқин замиридаги фалсафийлик ҳам, рамзийлик ҳам кеча пайдо бўлиб қолмаган, унинг генезиси-илдиз ва куртаклари маълум бир даврда юксак даражага кўтарилганини ҳам унутмаслик керак. Фақат истиқлол йилларида турли рамзлар асосида воқеа-ҳодисаларни баён қилиш усули ва миллий ўзига хос бадий талқин учун кенг имкониятлар пайдо бўлди. Асрлар давомидаги анъаналарнинг бадий адабиётда, инсоннинг руҳий-психологик ҳолатини, изтиробни, қувончини кашф этиш орқали, маънавий-ботиний оламини рамзларда ифодалаш йўлидан ҳам бормоқда. Рус психолог-адабиётшуноси Л.С.Виготский таъкидлашича: “Ҳар қайси давр

¹ Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. – Тошкент: Шарқ, 2004. 5-б.

санъат томонидан саралаб олинадиган ўз психологик гаммасига эга”¹. Буни инобатга олсак, истиқлолгача шаклланган бадиий анъаналарнинг кашфи янада теранлашиб бораётганини ҳис этиш мумкин. “Бу даврдаги рамзийлаштирилган романлар сирасига Аҳмад Аъзамнинг “Рўё”, Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф”, Назар Эшонқулнинг “Тўр ўғли” ва бошқа шу типдаги асарларни киритиш мумкин. Айни дамда ўз романларида рамзлардан унумли фойдаланаётган бир гуруҳ адиблар ҳам борки, улар сафидан Н.Норқобилов ҳам ўрин олади, албатта”². Адибнинг катта-кичик жанрдаги асарларида кўпинча табиат ва инсон ўртасидаги борлиқ рамзийлик касб этади. Чунки ёзувчи қишлоқ ҳаётини, тоғ одамларини, умуман, табиат ҳодисаларини жуда яхши билади. Ёзувчи дунёқарашидаги шу жиҳатни инобатга олган профессор Й.Солижонов ёзади: “Нормурод Норқобилов асарларида табиатни шунчаки тасвирлабгина қолмайди, балки мусаввир сифатида унинг манзараларини аниқ ва қуюқ бўёқларда чиза олади; табиатшунос олим қиёфасида наботот, ҳайвонот, жамодотни илмий томондан чуқур тадқиқ ҳам қилади”³. Худди шундай фазилатларига кўра ёзувчининг ҳикоя, қисса ва романларида тасвирланган воқелик табиийлик касб этади.

Аслида, бадиийлик таркибида келадиган рамзий-психологик талқинлар замирида инсон қисмати мавжуд бўлади. Бу жараён эса миллийлик ва умуминсонийлик тушунчалари билан узвий боғланиб кетади. Умуминсоний ғоялар, муаммоларни ўзида мужассамлаштирган адабиёт шакллана бошладики, бу эса миллий ва жаҳон адабиётидан озикланганлигидан далолат беради.

Бадиий тасвир ва ижодкор дунёқарашига, бадиийлик мезонлари ва образлар кайфиятига мавжуд ижтимоий тузумнинг ўзгариши, жамият эврилишлари ҳам кучли таъсир кўрсатганини қайд этиш лозим. Зотан, истиқлол йиллари ижодкорлар олам, одам ҳақида аввалгидан ўзгачароқ

¹ Виготский Л.С. Психология искусства. – СПб. Азбука, 2000. 92-93-бетлар.

² Қочқорова Д. Филологи фанлари бўйича фалсафа доктори диссертацияси. Тошкент: 2021

³ Солижонов Й. Мўъжизалар сеҳри. Тошкент: Адиб нашриёти. 2013 йил. 62-бет

фикрлаш мумкинлигини англадилар ва шу йўлда жиддий ўзгаришларнинг маҳсули бўлган бадиий асарлар ёзишди.

Чин санъаткор ёзувчи ҳаётга яқин бўлиши лозим. “Санъаткор борликни ҳаққоний тасвирлаган ҳолда, асарда воқеалар ўзининг табиий оқими ва мантики билан ривожланган тақдирдагина, у ҳақиқатга максимал яқинлашиши мумкин”¹.

Инсоният тарихининг узоқ даврлар мобайнида яратилган бадиий асарлар ҳеч қачон ҳамма учун бирдай тушунарли бўлмайди. Шу жиҳатдан кейинги йиллар бадиий адабиётида сюжет жиҳатидан мураккаб характерга эга бўлган асарлар майдонга кела бошлади. Нормурод Норқобиловнинг “Қорақуюн” романи сюжети ҳам нисбатан мураккаб асосга қурилган бўлиб, унда ретроспектив тасвир усули етакчилик қилади.

Дарвоқе, янгиланаётган романчиликка нисбатан неореализм атамасини қўллаган профессор Санжар Содик тадқиқот объекти иштирок этган бир саҳифада шундай мулоҳазаларни ёзади: “Ҳозирги ўзбек насрида неореализм методи қарор топаётганлиги секин-асталик билан бўлса-да, унинг бадиий ижод соҳасидаги жаҳон андозаларига яқинлашаётганидан гувоҳлик беради. Буни тасдиқловчи мисоллар сифатида ёзувчи Хуршид Дўстмуҳаммаднинг “Донишманд Сизиф”, Нормурод Норқобиловнинг “Қорақуюн” ва Наби Жалоловнинг “Тегирмон” романларини эслаш кифоя”². Тўғриси, янги даврнинг янгиланаётган реал тасвирларига доир бу неореализм атамаси ҳам муҳокама ва мулоҳазага муносиб истилоҳ саналади. Бироқ Н.Норқобилов романининг синчков ва талабчан мунаққидлар назарига тушгани – бу муҳим ҳодиса саналади.

“Қорақуюн” романининг сарлавҳасиданоқ рамзийликни кузатамиз. Буни инсон ҳаётининг мураккаб қирраларини, унинг ўй-хаёлларини, ботиний изтиробларини жуда теран тарзда талқин этгани билан изоҳлаш ўринлидир. Ўқувчи романнинг дастлабки саҳифалариданоқ рамзларга бурканган ҳаёт

¹ Раҳимов А. Роман санъати. – Фарғона: Фарғона нашриёти. 2015. 51-бет.

² Содик С. Янги ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Ўқитувчи нашриёти. 2019. 158-бет.

воқелиги замирида инсоннинг мураккаб қисмати турганини ҳис этади. Адибнинг бадиий баёнига диққат қаратилса, рамзий усулни маҳорат билан қўллагани кузатилади: *“Ғулдаги ит – Қорақуюн ярим тунга яқин тин олмай, узлуксиз бир алфозда газабкор ириллай бошлади. Бу гайритабиий вазоҳатга тўла сас ўтовда кенг оғир қора пўстинга ўралганча, эндигина уйқу тўрига чирмалган Эрманга шунчаки итнинг овози эмас, балки ер бағирлаб ўрмалаб келаётган балойй азим – қирқ минг оёқли ёвуз, даҳшатли бир махлуқнинг шарпа-садосидек туюлди”*¹.

Романнинг асосий қаҳрамони Эрманнинг қалб нидоси шу ўринларда мужассамлашган. Аслида, унинг қалбидаги изтиробнинг вужудга келишига ҳам асосий сабаб, эрксизлик, тутқунлик эди. Эрман жуда мураккаб ҳаёт йўлини босиб ўтган инсон образидир. У оддий чўпон йигити бўлса-да, унинг инсоний фазилатларининг индивидуал қирралари мавжуд. Бу эса умуминсоний тамойилларни юзага чиқаришга хизмат қилади: *“Бу сафар Эрманни таажжублантирган нарса– итнинг маромли ва узлуксиз ириллаши, яъниким ҳаддан ташқари бўғзига зўр бериши бўлди. Овозида газабдан кўра қўмсаш, соғинчга ўхшаш нимадир бордай, соғинган нарсасига етишмоққа монелик қилаётган эрксизликка қарши тенгсиз бир қаҳр мужассамлигини илгамасдан қолмади. Бу қаҳр гоятда даҳшатли – юракка ададсиз қўрқув соларди”*².

Асарда объектив борлиқ, яъни воқеа-ҳодисалар, ташқи тасвир, қаҳрамон хатти-ҳаракатлари, уни ўраб турган муҳит ва шароит, замон ва макон – барча-барчаси тўғридан-тўғри бадиий тўқимага айлантирилмай, балки уларни инсон тасаввури, шуурига таъсири, қаҳрамоннинг ҳаётга ва оламга муносабати сифатида рамзий-фалсафий акс эттирилади. Воқеалар силсиласида бадиий қаҳрамон муаллиф яратган оддий образ эмас, балки ўзини-ўзи “ихтиро” қилган, ўз тасаввурлари, онг оқими асосида шаклланаётган етакчи адабий характерга айланиб боради. Энди китобхон

¹ Норқобилов Н. Қорақуюн. Роман. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. 3-б.

² Норқобилов Н. Қорақуюн. Роман. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. 4-б.

қахрамон билан эмас, балки унинг маънавий олами “тафаккури” билан мулоқотга киришадиган, унинг тафаккур жараёни билан баҳслашадиган ҳолатлар юзага чиқаётганлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтиш жоиздир. Романдаги талқинларда мураккаб рамзлар ўз ифодасини топгани кузатилади. Асардаги ҳар бир воқеа-ҳодиса мазмуни турли тасвирий йўсинларда ҳар хил маконларда ўз ифодасини топиб боради. Роман сюжети муаллифнинг инсонга бўлган ўзига хос муносабатни теранлаштиради ва унинг руҳий-маънавий қиёфасини ҳам намоён қилади. “*Ўшанда ҳис-ҳаяжонга банди бўлган Эрман қасам замиридаги ўта оғир, ўта залворли юкни дастлаб тўла ҳис этмаган, гулдор кигиз устида бамисоли бақадек қотиб ўтирган, аниқроғи, ҳайратдан тош қотган Итолмаснинг беҳад қутиришини ва унинг ғазабкор бўқиришидан тоғлар боши кўчиб, олам остин-устун бўлиб кетишини кутганди*”¹. Эрман Итолмаснинг характерини жуда яхши билар эди, аммо бу сафар унинг хаёллари ўзига панд берди. Шундай бўлса-да, унинг ҳар доимгидек қутуриб бақиришини, аччиқ-аччиқ ҳақорат қилиши минг чандон яхши эканлигини теранроқ англай бошлади. Эрманнинг устидан ним табассум билан кулиши, баттар жаҳлини кўзғатар, унинг кўзларига тик боқишга ҳаракат қиларди. Шунинг учун ҳам Эрман тинимсиз интиқом олиш учун ҳаракат қилади ва айнан Қорақуюнни ана шу интиқом учун тарбияларди. Қасос олиш учун у бутун вужудини бағишлаган бўлиб, қалб қаъридан отилиб келаётган ҳайқириқни шу билан босиб қоларди. Аммо бўғизига тикилган сари интиқом олиш истаги унда кучайиб борар эди.

Инсонда интиқом унга хос эмаслигини, йиллар давомида англаб улгурмаганлиги, унинг қалб кўзлари ҳам очилмаганлигидан далолат эканлигини англамасди. Эрман қалбидаги энг оғриқли нуқта, йиллар давомида кутиб ўтирмасдан, ўч олиш учун тоғ йўлига равона бўлиши мумкин эди, аммо у ерда Ойбекачнинг борлиги унинг қалбини яна изтиробга солади. Чунки унинг кўзлари гўё тоғ йўлини тўсиб тургандек, унга қарши бориш мумкин эмаслигини англади. Шунча зулм, адолатсизлик ҳам

¹ Норқобилов Н. Қорақуюн. Роман. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. 7-б.

Ойбекачининг ўша ердалиги учун, Итолмас қароргоҳига кадам қўйиш имконини бермас эди. Лекин қалбининг бир четида Итолмаснинг қачондир ташриф буюришига ишонч ҳосил қилади. Ҳатто Бибисора момонинг Қушқўнмас қояси томондаги ғорга имо қилиб, “У сени истаб келади! Этингни нимталаб, қонингни ичгани келади!” деган сўзларини ҳеч унута олмайди. Телба момонинг башоратларига инониб, ана шу лаҳзаларни кутиб яшайди. Н.Норқобилов ўз қаҳрамони Эрман табиатини теранроқ кўрсатиш учун кўп ҳолларда Ойбекач, Итолмас, Бибисора момо каби образлар қуршовида, гоҳида уларнинг хаёли билан тўқнашувлар жараёнида кўрсатади. Булар романнинг алоҳида-алоҳида эпизодлари сифатида тақдим этилади.

Ёзувчи асарда Қушқўнмас қоясини жуда гўзал таъсирини келтиради. Унинг ҳар бир қарич жойини мукамал ўрганганидан далолат берар ва инсон характериға ҳамоҳанг тарзда ифодалаганлигини англай бошлайди. *“Қушқўнмас зори Туякўз водийсининг бош дарвозаларидан бири ҳисобланса-да, аммо бу томондан кирди-чиқди жуда кам, деярли йўқ деса ҳам бўлади. Қавм аҳли, улар таъбири билан айтганда, кенг дунё билан Оқтўш довони орқали боғланган”*¹. Миллий қавмларнинг ўзаро алоқаси, уларни ўзаро айна йўл боғлаб туриши, аммо унинг маълум бир даврда хавф-хатардан иборат бўлганлигини англаш мумкин. Ёзувчи меҳр-муҳаббат билан тасвирлаган образлари талқинида, макон-замон ифодасида Эрман каби инсонларнинг ички оламини табиат билан уйғунлаштириб, рамзийлаштириб ёритади. Қавм аҳли довон ортидаги Каттасой водийсини макон тутган Уймовут ҳамда Сариўт қавмлари билан борди-келди қилса-да, Қушқўнмасга доимо ҳадик билан назар солади. Боболарнинг айтишича, тарихда ҳам уларга барча балолар шу томондан кириб келганлигини бот-бот эслаб туришади. Шунинг учун ҳам қавм оқсоқоллари Туякўз водийсини тоғлар салтанати билан боғловчи Қушқўнмасни бекитишга доимо уриниб келганлиги таъкидланади. Эрманнинг йўқолиши жуда сирли бўлиб, одамлар уни “бирор зовдан (тоғнинг тик жойи шундай номлади) тушиб ҳалок бўлгандир”, дея бутун

¹ Норқобилов Н. Қорақуюн. Роман. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. 12-б.

қавм излашга тушади. Аммо топа олмагач, ўзларига далда бериб, бирор одамхўр айиқ судраб кетгандир, деб тасалли беради. Лекин онанинг кўнглида қандайдир сезим, учкун бўлади. Унинг бирор кун қайтиб келишини жуда истади ва худди шундай бўлиб чиқади. Аммо қуллик исқанжасида қайтиши бутун қавмнинг қалбини, руҳини ларзага солади: *“Бироқ аза очмоққа сира кўнгли бормаган она шўрликнинг кўз ёшлари қуриб улгурмай, Эрман деганлари тоғ бошидаги кўкламги оппоқ булутдек оқ тулпорда овулга кириб келди. Қавм аҳли шундагина уни қуллик балосига гирифтор этилганидан огоҳ бўлди. Қуллик! Бу сўз овулга сизмай, тоғларда акс-садо берди. Жилгалар оқишдан тўхтаб, дов-дарахтлар ҳайратдан донг қотди. Бу сўз кексалар юрагини тилкалаб, йигитлар вужудига ўт ёқди. Улар дилидан ўтгани шу бўлди: “О, қавм юзи қора бўлди!” “Қавм шаъни ер билан яксон бўлди!”*¹ Н.Норқобилов ҳурриятни, хурлик қадрини Эрман ва унинг ориятли қавми мисолида рамзий тилга қўчиради. Асардаги талқинларда инсоннинг қулликка гирифтор бўлиши, унинг изтироблари рамзлар асосида талқин этилади. Бутун қавмнинг қалбидаги изтироблар отилиб чиқади. Уларнинг руҳий-маънавий олами шу каби ўринларда теранлашади. Бундай рамзий-фалсафий таҳлиллардан инсоннинг маънавий қиёфасини талқин этиш асосида, маълум бир даврни, унинг қиёфасини китобхон кўз ўнгида жонлантиришга ҳаракат қилганини англаш мумкин. Шу ўринда инсон маънавий оламидаги таназзулни Нормурод Норқобиловга замондош истеъдодли адиб Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” асари воқелиги билан бир сидра қиёслаш ўринли бўлади.

Маънавий таназзул масаласи ва мавзусига адиблар турли йўсинда ва турли адабий усулларда мурожаат қилишади. Бу анъаналарнинг мавжудлигини ўтган давр мобайнидаги ўзбек насри тараққиётидан далолат бериши мумкин. Шунинг учун Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романида дардли ҳолатларнинг, изтиробга тўла кечинмаларининг ўзига хос, ёзувчи услуби орқали акс этирилганини кўриш мумкин. “Шакллар,

¹ Норқобилов Н. Қорақуюн. Роман. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. 12-б.

киёфалар, ғоялар ва образлар ёритилар экан, тобора шиддатли тус олиб бораётган замонавий дунё яна янги руҳий таянчга эҳтиёж туя бошлаган эди. Бадиий асар хаёл маҳсули, хаёл эса келажакда рўй бериши мумкин бўлган воқеа-ҳодисаларни олдиндан жонлантириб кўриш деганидир. Бутун оламда адабиёт янги йўл излай бошлади”¹. Дарҳақиқат, кейинги йилларда адабиёт турфа хил оҳангларда шаклланиб, ривожланиб жаҳон адабиётидаги етакчи тамойилларини, тасвир усулларидан унумли фойдаланилмоқда. *“Боқий дарбадар” романида ҳам ноанъанавий талқин усулини, онг оқими хусусиятларини рамзий характердаги образлар тизими орқали тушунчалар йиғиндиси, фалсафий мушоҳадалар акс эттирилади: “Қатл учун тепаликда маҳсус жой тайёрлаб қўйилган, маҳкумнинг оёқларига, қўлларига елкаси аралаш зил-замбил кишанлар урилган бўлиб, залворидан жуда қийналиб қадам ташлар, ҳансираб нафас олар, теваракдаги одамларнинг ҳазил-мазаҳ аралаш айтган сўзлари қулоғига гоҳ кириб, гоҳ эшитилмай қолар эди. Қизил денгизнинг чучук сувли оқимлари узра бино бўлган оқ булут парчаси ана шу маҳкумнинг боши узра соя ташлаб келаятган эди. Маҳкум - бир Муборак Киши эди. Ким билсин, балки ҳозир унга Илоҳ фаришталари ёрдамга келган-у чўян кишанларнинг оғирлигини балки сезмаётгандир ҳам? Теваракдаги оломон “Қани сенинг худойинг? Нега у сенга мадад бермаяпти?”- деб қичқирар ва кулар эди. Кулаётган бу бадбахт оломон орасида бир этикдўз ҳам бор эди”².*

Тасвирлардан кўринадикки, асарда яхлит анъанавий шаклдаги образлар тизими мавжуд эмас. Юқоридаги парчада Муборак Киши ва Этикдўз образларини кузатиш мумкин. Маҳкумнинг оёқларига, қўлларига урилган кишанлар оғирлигидан базўр қадам ташларди. Ундаги хусусиятлар худди олдиндан башорат қилгандай таассурот уйғотарди.

Қайд қилинган ҳар икки романдаги тасвирларни келтиришимизга сабаб, инсон эрки, озодлиги, ўзликни англаш йўлидаги қарама-қаршиликларнинг

¹ Расулов А. Асрлар фалсафаси. Сўнгсўз ўрнида. Исажон Султон. Озод. Роман ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2012. 406-407-б.

² Исажон Султон. Озод. Роман ва ҳикоялар. – Тошкент: Шарқ, 2012. 98-бет.

мавжудлигини рамзлар асосида ифодаланганлиги билан изоҳлашдан иборат эди.

Исажон Султоннинг “Боқий дарбадар” романида инсон эрки, ўзликни англашга бўлган интилиш ифодаси етакчилик қилса, Нормурод Норқобилонинг “Қорақуюн” романида эса тоғлик йигитнинг тутқинликдаги азобу изтироблари, озодликка чиққач эса, қуллик чоҳига маҳкум этган инсондан ўч олиш илинжидаги курашлари талқини ўз ифодасини топган. Рамзийлик бадиий адабиётнинг жуда муҳим унсури саналади. Рамзийлик кўплаб қиёслар ва таҳлиллар учун асос беради. Фикрлар кўлами-қамровини кенгайтиради. Бир адиб инсон эркини глобаллашгаётган дунё фониди тасвирилик тақдим этса, иккинчиси қишлоқ ҳаёти ва ундаги рамзийлашган қавмлар орияти, анъанавий бетакрор қадриятларини улуғлаш фониди тақдим этади. Романлардаги рамзийлик бевосита поэтик тасвир билан алоқадор, албатта. “Роман поэтикасини белгиловчи энг муҳим жиҳат унинг инсон ҳамда жамият маънавияти негизлари, кишилар онги ва қалбига бадиий-эстетик таъсир қилишида намоён бўлади. Зотан, миллий роман бизнинг идеалларимизни образли тарзда ифода этади. Кўринадики, романда тарихий жараённинг инсон онги, тафаккури, маънавий руҳий оламига таъсири ифодаланади”¹. Бу ҳолатни “Қорақуюн” романида ҳам кузатиш мумкин. Адиб ўз тасвири йўлида ҳаяжонли, таъсирли жумлалар тузилди. *“...Аммо шу ўтган фурсат ичида тутқунлар неча-неча бор ўлиб тирилмасди дейсиз. О-о, у кунлар даҳшатини унутиб бўларканми! Қисқаси, бандиларнинг жони, агар ўхшатиш жоиз бўлса, қавм бошлиғи Итолмаснинг кафтида эди – хоҳласа, итлар оёғи остига ташлайди, хоҳласа, омон қолдиради. Бу қадар бедодликка қарши чиқувчи кимсанинг ўзи йўқ – хиёл монелик қилган тутқуннинг жисму жони тупроққа қоришиб, чанги шамолга совурилиши тайин эди”*².

Инсон тийнатидаги тутқунлик аста-секинлик билан унинг руҳий-маънавий оламига ўз таъсирини ўтказса, “Қорақуюн” романида инсоннинг

¹ Ёқубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. – Тошкент: Nurafshon business. 2021. 31-бет.

² Норқобилон Н. Қорақуюн. Роман. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016. 6-6.

эрки ва озодликка чиқиши, аммо унинг қалбидан ўрин олган ўч олиш истагида итни тутқинликда сақлаб, унга қарши қўйилиши ўз ифодасини топган. Бу ўринда тутқинликдаги инсон ўз қисматини, азобларини унутишга интилди-ю, аммо итнинг тутқинликдаги азобини ҳис эта олмаганлиги уни фожиалар сари етаклайди.

Хуллас, бадиий адабиёт инсонни ички оламини, руҳий дунёсини талқин этса-да, унинг тақдири азал ҳукмидан қутула олмаслиги, ўзликни англаш ҳаёт йўлини ёритувчи шамчироқ эканлигини англашга ундайди. Н.Норқобилов романи сюжетидан ўрин олган образлар тизими, воқеалар талқини замин билан, ундаги реал ҳаёт билан боғланганлиги билан изоҳланади. Шу жиҳатдан роман таркибидаги образлар кўпинча ўз ички “мен”и билан курашади, зиддиятлар ва мураккаб ҳаётнинг залворли тўлқинлари тасвири орқали уларнинг характери ёрқин очила боради.

Маълумки, ҳаётда нимаки содир бўлмасин, у инсоннинг меҳнати ва заковати орқали рўй беради. Демак, ҳар қанақа ютуқ, ҳар қанақа техника забтининг заминиде инсон қўли тафаккури бор. Бундан кўринадики, ёзувчи ҳаётдаги қандай ютуқ ҳақида ёзмасин, аввало, инсон заковатини ва унинг ўзини ҳис қилмоғимиз даркор. Ёзувчилар буни чуқур ҳис қилиб инсонни табиат қўйнида ҳам тасвирлаш йўлидан бормоқда. Тўғриси, кейинги йилларда ёзилган асарларда биринчи ўринда воқелик тасвири эмас, балки инсон қалбининг таҳлилига эътибор бериш кучайди. Инсон тақдири, унинг руҳий олами таҳлили орқали ҳаётнинг долзарб масалаларини, шунингдек, бу борада туғилган конфликтларни ёритиш, ҳар бир воқеликни инсон қалбидан ўтказиб, унга ҳаётийлик бағишлаб тасвирлаш тенденцияси кучайди. Адабиётшунослик илмидан маълумки, ҳаётда илгари сурилган бирор масалани қўллаб-қувватлаш, унга эътироз билдирган шахс ва душман кучларга қарши курашиш, бу ҳали том маънодаги конфликт эмас, чунки бундай курашда мақсаднинг моҳияти аниқ концепцияга эга бўлмайди. Қачонки шахс ўзи тасдиқлаётган ёки инкор қилаётган масаланинг туб моҳиятини онгу шуури балан англаса, уни амалга ошириш ҳаёт ривожига,

инсоният келажига қай даражада наф келтиришини олдиндан кўра билса, хатти-ҳаракати ва ёзувчи сўзи билан бу етакчилик кишини ишонтира олса, шундагина ҳақиқий ҳаётбахш конфликт туғилади. Бундан кўриняптики, ҳар қандай конфликт инсон фаолияти билан боғлиқ, яъни унинг фаолияти асосида юзага келади. Н.Норқобилов асарларида худди шу ҳолни кўриш мумкин, яъни адиб асарлари поэтик негизидаги замоннинг долзарб масалаларини, мутлақ турмуш жараёнида туғилган конфликтларни изчил акс эттириш ҳамда замондошларнинг фаолиятини, руҳий оламини теран таҳлил қилишга бўлган интилишни қайд қилиш лозим.

Ҳар қандай ижодкор ўз асарида тасвирлаган воқеликни, қаҳрамонлари, улар орқали илгари сурган бадий ғояси кенг оммага маъқул келишини, қалбига сингишини, ундан жой олишини, халққа кенг ёйилишини истади. Шундай асар ёзишни орзу қилади. Бу борада Нормурод Норқобиловдек адибларга устоз мақомида бўлган Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўткир Ҳошимов шундай дейди: “Шундай асар ёзсангки, китобхон уни ўқиганда ҳамма нарсани унутса, асар қаҳрамонлари ҳаёти билан яшаса. Китобни ўқиб бўлган куни кечаси билан ухламай тўлғониб чиқса, вақти келиб ўша китобни яна кўлига олганида қайтадан ҳаяжонга тушса... Орзуйим – шу...” Бундай орзу барча ижодкорлар ботинида бўлади, албатта. Демак, барча ижодкорлар асарни кенг оммага ёйилишини истади. Инсон ўзини ўзи танлайди, деганда ҳам фақат бу билан чекланиб қолмай, ўзгаларни ҳам танлашни, яъни англашни назарда тутади. Машҳур француз файласуфи Ж.П.Сартр ёзади: “Ўзимизни танлашимиз қандай ҳолда бўлмасин, биз ҳеч қачон ёвузликни танлашимиз мумкин эмаслиги сабабли, айти пайтда танлаганимизнинг қадриятини барқарор этишни билдиради. Бизнинг танлаганимиз эса эзгуликдир. Бироқ ҳамма учун эзгулик ҳисобланмаган нарсанинг биз учун эзгулик бўлиши мумкин эмас”. Бадий асарлар негизига жойланган эзгу фикр фақат яхши ният, яхши аъмоллар эмас, бундай адабий ҳодисалар умуминсоний манфаатга қаратилгани учун ҳам муҳим саналади. Бадий

ижоддаги янги тасвир усуллари, дейлик, неорелистик йўналишлар ўз-ўзидан юзага келмайди. Унинг ҳам ўз асоси, тарихи, энг муҳими - зарурати бўлади. Истиқлол даври романчиликдаги янгиланиш тамойилларнинг вужудга келиши, инсон ва табиат муносабатларининг рамзий талқини ҳам худди шундай омилларга боғлиқ. Унутилган қадриятларнинг тикланиши, маънавиятнинг асоси бўлган динга эътиборнинг кучайиши, давлат бошқарувида демократик йўналишнинг пайдо бўлиши, бозор иқтисодининг таркиб топиши – булар бадий ижод учун ҳам ўзак масалалар ҳисобланади. Зеро, шундай масала ва мавзулар, поэтик тафаккурдаги эврилиш давр адабиётида ўз ифодасини топиши муқаррар ва табиийдир. Замонавий адабиётида барча эпик жанрга хос ғоявий-тематик кўлам кенгайди; ижтимоий, ахлоқий, маънавий, оилавий масалага эътибор кучайди; гуманистик мазмун ва руҳий таҳлил теранлашди, миллий ўзига хослик кенг кулоч ёйди, инсоннинг ҳаётдаги ўрни, яшашдан мақсади каби масалалар моҳияти фалсафий йўналишда очиқ берилди. Бу ҳоллар Н.Норқоблов ижодий фаолиятида ҳам кўзга яққол ташланади.

Бадий адабиётда миллийлик деганда, аксарият адабиётшунослар буни урф-одатда, миллий либосда, фаолиятда, саъй-ҳаракатда, нутқда кўришади ва шу ҳолатларда ўз мужассамини топади, деб билишади. Тўғри, бу ҳолатлар миллийликни белгилайдиган омиллар ҳисобланади. Лекин мазкур восита ва омиллар ўзида миллийликни тўлиқ ифодамайди, деб бўлмайди. Чунки булар миллийликнинг зоҳирий кўринишларидир. Зоҳирийлик эса шакл ҳодисаси. Шакл эса ҳеч қачон масала моҳиятини белгиламайди. У белгилашга хизмат қиладиган восита, холос.

Миллийлик биринчи навбатда, руҳиятда ўз мужассамини топади. Миллийликни белгилайдиган бошқа хусусиятларнинг барчаси унга боғлиқ ва ундан келиб чиқади. Руҳият эса инсоннинг табиатини ва ўзлигини белгилайдиган маънавий озиқдир. Руҳияти кучли одам тўғри йўлдан

тоймайди, эътиқодидан воз кечмайди. Жамоа бўлиб яшаш руҳининг устунлиги; ота-она, маҳалла-қўй; умуман, жамоатга юксак ҳурмат-эътиборнинг кучлилиги; она тилига муҳаббат; каттага ҳурмат ва кичикка иззат; аёл зотига эҳтиром; сабр-бардош ва меҳнатсеварлик; ҳалоллик, меҳроқибат каби хусусиятларнинг барчаси миллий руҳиятнинг маҳсулидир. Чунки мазкур фазилатлар инсоннинг жисмидан эмас, руҳий-психологик кайфиятидан, ҳис-туйғуларидан келиб чиқади. Бугунги кун адабиётининг қаҳрамони мана шу хусусиятга эга. Инсон кўзгуга қараганда, албатта, бирор зоҳирий “камчилигини” тuzатади, ўзига ўзи рўпара келганда эса, ўзини ботиний иллатлардан халос этади. Зеро, француз ёзувчиси Стендал: “Адабиёт – катта йўлга қўйилган кўзгу”, деб айтган эди. Нормурод Норқобилов ижоди - бу адиб борлиғи, айни дамда ҳар бир шуурли инсон юзига тutilган кўзгу ҳамдир. Адиб ижоди истиқлол даври насрида ўзига хос муҳим ўринни тутади.

Адабиётшунос Н.Раҳимжонов истиқлол давр адабиёти ва адабий жараёни ҳақида сўз юритиб, қуйидаги тушунчаларни қайд қилган: “Истиқлол давр адабий жараёни бир неча минг йиллик Шарқ маданияти, мумтоз адабиётимиз тараққиётининг таркибий қисми, туркий улус маънавиятининг узвий бугуни сифатида баҳоланмоқда”.¹ Бу фикрларда адабий жараённинг ўзига хос хусусияти, поэтик ўзгаришларнинг мавжудлиги эътироф этилган. Истиқлол адабий жараёни ва танқидчилиги теран фикр ва мулоҳазаларга бой бўлганлиги сабабли, мавжуд анъаналар билан бир қаторда турфа хил таҳлилий ўзгаришларни ҳақли равишда юзага чиқарди. Истиқлолга эришганимиздан сўнг маънавий қадриятларга, маданиятга сўз санъатига нисбатан муносабат тубдан ўзгарди. Бу даврнинг энг характерли хусусияти фақат адабиётимиз тарихига эмас, балки замонавий адабий-бадий жараёнга ҳам янгича бадий эстетик мезонлар билан ёндашишни талаб этмоқда.

¹ Раҳимжонов Н. Истиқлол ва бугунги адабиёт. (Адабий – эстетик, танқидий тафаккур тамойиллари). – Тошкент: Ўқитувчи, 2012. 54-б.

Бугунги кун адабиётининг қаҳрамонлари ўта маънавиятли ва ўта мулоҳазакор шахслар. Олам ва одам ҳақида кенг фикр юритади, ҳаёт, жамият иллатларидан, ноҳақликдан, ёлғончиликдан, энг муҳими, имон ва эътиқодсизликдан қайғуришади, изтиробга тушишади. Яна шуниси муҳимки, улар иллатларни жамият, муҳитга боғлашмайди, балки барчасига инсоннинг ўзи сабабчи деб қарашади.

Бадий асарда характер яратиш учун кишилардаги алоҳида психологик хусусиятлардан ташқари, унинг шахсиятидаги мана шу ирода йўналишини пайқаб олиб, унга алоҳида эътибор берилиши керак. Биринчи саналган белгилар кўпроқ шахснинг индивидуал хусусиятларини белгиласа, ундаги ирода йўналиши кўпроқ типикликни белгилашга ёрдам беради. Бундан ташқари, шахс ирода йўналишини пайқаш ва уни тасвирлаш кўп жиҳатдан ёзувчининг ижодий ютуғига сабаб бўлади, шу йўл билан ёзувчи ҳаётнинг маълум бир томонини чеклай олади, бинобарин, асарда ғоявий аниқлик пайдо бўлади, кишиларнинг социал муҳитидир. Мазкур боб доирасидаги муҳокамалардан шундай умумлашма хулосалар чиқариш ўринли бўлади.

Боб бўйича хулосалар

1. Истеъдодли адиб Нормурод Норқобиловнинг ижодий-поэтик изланишларида шаклий мундарижанинг ўзига хослиги ва теран фалсафий мушоҳадакорлик узвийлиги, тасвир маҳорати, руҳий таҳлил теранлиги ва ифода индивидуаллигининг ўзаро яхлитлиги етакчилик қилади.

2. Адиб тасвирлаётган миллий турмуш ва миллий психологияни жуда яхши билган ҳолда роман яратишда жаҳон адабиётидаги энг илғор тажрибаларга таянган. Ёзувчи романларида макон ва замон тасвирлари орқали инсон характерининг шаклланиши ёки руҳий изтиробларини бадий ифодасининг узвий бирлигини кузатамиз.

3. “Дашту далаларда” романида оддий инсон талқинида давр ва муҳитнинг мураккаб қирралари бадий тасвирланган бўлса, уларнинг руҳий-

маънавий олами орқали инсоннинг буюк эътиқод эгаси эканлигига алоҳида урғу берилади. Адибнинг бу романига профессор Й.Солижонов жуда юксак баҳо бериб: “Роман далаларнинг бетакрор ва ўзига хос оҳангидан иборат мадҳия сингари жаранглайди. Унда инсон ва табиат ёнма-ён тасвирланади ва ҳаракатланади. Улар бир-бирини тўлдиради, тақозо этади, ҳамкорлик қилади”, деган мулоҳазаларни баён қилади¹. Бу фикр роман поэтикаси бўйича биз илгари сураётган умумлашма фикрга айнан ҳамоҳанг келади.

4.Адибнинг “Қорақуюн” романи эса инсоннинг маънавий тануззул сари қадам ташлаши, унинг зулм ва қуллик исканжасига элтишига жиддий эътибор қаратилади.

5.Адабиётшуносликка доир назарий манбалардан маълумки, фикрни аниқ баён қилиш ҳамда “тасвирнинг жонли ва ёрқин бўлишига эришиш”да икки ёки ундан ортиқ нарса, воқеа-ҳодисани ўзаро қарама-қарши қўйиш ҳамда таққослаш муҳим ўрин тутаяди. Зотан, бу параллелизм ҳодисаси бадиий адабиётда жуда кўп қўлланиладиган поэтик усуллардан биридир; аслида, бу усул “икки ёки ундан ортиқ нарса-ҳодисани ёнма-ён қўйиш орқали поэтик мазмунни очиш” учун хизмат қилади². Шу нуқтаи назардан диққат қилинса, Нормурод Норқобиловнинг романлари поэтикасида табиат билан инсон образининг параллел тасвири алоҳида ўрин тутаяди. “Дашту далаларда” романида Тўланбой образи билан Қорақулоқ тулки, Эшкул полвон образи билан Бўзбўри ўзаро ёнма-ён келтирилса, “Қорақуюн” романида бутун тасвир озоликка чиққан ва душманидан ўч олиш ниятида ўз режаларига кўмилган Эрман билан унинг тутқунликда сақлаётган Қорақуюнни параллел равишда тасвирланади.

6.Замонавий ўзбек адиблари орасида ўзига хос мавқега эга бўлган Нормурод Норқобиловнинг поэтик маҳорати ҳикоя ва қиссалари билан бир

¹ Солижонов Й. Мўъжизалар сеҳри. – Тошкент: Адиб нашриёти. 2013 йил. 63-бет

² Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Тошкент: Ўқитувчи нашриёти, 1983. 235-б.

қаторда “Дашту далаларда” ҳамда “Қорақуюн” романларида тасвирланган образлар табиатида, инсон ва табиат оламининг параллел инъикосида, инсон ички дунёсининг ишонарли руҳий-психологик талқинида ҳам кўзга яққол ташланади.

УМУМИЙ ХУЛОСА

1. Н.Норқобиловнинг мазкур муаммоларни қай йўсин ҳал қилганини тадқиқ этиш орқали “бадий асар ва реаллик”, “ифодалашиш ва ифодаланмиш муносабатлари”, “ижодкор шахс ва жамият” каби қатор умумназарий муаммоларнинг айрим қирраларини оидинлаштириш имконияти вужудга келади. Боз устига, бу ўринда бадий асарни ўқиш ва уқиш, уни талқин қилиш масалаларини ёритиш зарурати юзага чиқадики, бунинг амалга оширилиши бадий асарга ёндашиш ва баҳолаш тамойилларини ўзгартириш, бадий дидни қайта шакллантириш тақозо этилаётган бугунги кунда бағоят муҳимлиги далилланди.

2. Н.Норқобиловнинг кичик насрий асарларини кузатганимизда ҳам унинг чин маънодаги иждоқор шахс, изланувчан, янгиликка ўч инсон бўлганига амин бўламиз. Унинг ҳатто бир жанр доирасидаги асарлари ҳам турфа жанр хусусиятларини намоён этиши, тасвир воситаларию ифода йўсинининг ранг-баранглиги шунга далолат қилади. Ёзувчи миллий адабиётимизда эндигина қарор топаётган жанр формаларининг имкониятларини тўла намоён қилишга интилангани, унинг тажрибалари ўзбек насри ривожини учун муҳим аҳамиятга молик эди.

3. Чинакам истеъдод ҳаётнинг ҳар бир қиррасидан нафосат топади, фалсафа кашф этади ва ҳикмат яратади. Негаки, у олам ва одам муносабатларини мутлақо бетакрор йўсинда идрок қилади. Характер туйғулари теранлигига эришиш ҳар бир иждоқорнинг эзгу аъмоли. Шунинг учун ҳам Нормурод Норқобилов барча катта-кичик жанрдаги асарларида характерларни бадий далиллашга асосланади. Демак, ҳақиқий иждоқ сезги ва фикр фалсафасини поэтик ифодага кўчиришдир. Ёзувчининг услубий тамойиллари истеъдод табиати, иждоқий қиёфаси, тафаккур тарзи, ифода йўсини, халқ оғзаки анъаналарига муносабатига боғлиқлиги аниқланди.

4. Миллий адабиётимизда истиқлол даврига келиб замонавий насрчилик янада жозибалироқ шаклланаётган паллада иждоқ қилаётган Нормурод Норқобиловнинг қиссалари насримизнинг поэтик арсеналини бойитишга

сезиларли ҳисса бўлиб қўшилмоқда. Адиб ўз ижоди билан насрий жанрларнинг турфа имкониятларини намоён қилганлиги, турли поэтик усул ва воситаларни дадил тажриба қилиб, уларнинг миллий адабиётимизда ўзлашиб қолишига пухта замин ҳозирлаганлиги таҳлиллар мобайнида аниқланди.

5. “Дашту далаларда” романида қаҳрамон тадрижи ички кечинмаларга мувофиқлиги интизомининг бузилиши, услубий ғализликлар, сюжет ва конфликт ривожда баёнчиликка берилиб кетиш, ўринсиз такрорлар, фалсафий мушоҳада юзакилиги, монологик онг бадииятида муаллиф нутқи устуворлиги, характер табиатини индивидуаллаштиришда вақт ўлчовига эътибор бермаслик ҳамда баъзи ўринларда бир қадар мавҳумлик кўзга ташланса-да, жанр тараққиётига ҳам сезиларли таъсир кўрсата олди.

6. Нормурод Норқобилов мураккаб ижтимоий-сиёсий эврилишларга бой даврда ижодий фаолият юритган адиблардан биридир. Ёзувчи турли жанр ҳамда услубий йўсинларда ўз бадиий маҳоратини синаб кўрди. Аммо қайси ижодий аспектда қалам тебратмасин, миллат маънавияти, юксак ахлоқий-эстетик қадриятлар моҳиятини теран илғай олиш ҳисси ҳамиша санъаткор бадиий изланишларининг таянч маркази бўлиб қолаверди.

7. Нормурод Норқобилов асарлари поэтикасини тадқиқ этиш шундай хулосага олиб келдики, муайян ижодкорнинг фақат ўзигагина хос бадиий услуби, энг аввало, шу ёзувчи қалбини мавжлантирган муаммо ва ғояларда, унинг мавзу танлаш ва шунга мос сюжет танлашида, шу ҳаётий мавзунини юксак адабий маҳорат билан талқин эта билишида, йирик ижтимоий-сиёсий муаммоларни ҳаёт ҳақиқатига содиқ қолиб тасвирлашида намоён бўлади.

8. Адиб асарларининг эстетик қийматини икки жиҳат бирлаштириб туради. Улардан бири поэтик тадрижга йўналтирилган кенг эпик тафаккур таҳлилининг бадиий тадқиқи бўлса, иккинчи хусусият, миллий ментал ва умуминсоний қадриятлар, характерлар моҳиятида уйғунлаштира олиш маҳорати билан изоҳланади. Бу икки хусусият бадиий талқинда синкретик

характер касб этадики, шу боис уларни бир-бирдан ажратиш маълум маънода мураккаб жараёндир.

9. Ана шу факторни назарда тутиб, ишда матн поэтикаси ва ижод концепцияси, эстетик танлов ва тарихий ҳақиқат, бадиий макон ва замон, характер эволюцияси ва типик шароит, ижодий услуб ва адабий компонентлараро изчилликда талқин қилинди. Зотан, бадиий изланишлар миллий мустақиллик мафкурасини мустаҳкамлашда, ёш авлодни иймон-этиқод, юксак идеаллар воситасида тарбиялашда, она Ватанга садоқат, инсонийлик руҳини қарор топтиришда муҳим аҳамият касб этади.

10. Адиб дунёқарашда устувор бўлган инсон ва табиат ўртасидаги мувозанатни сақлаш, борлиқ, меҳр-муҳаббат, экологик муаммолардан огоҳ қилиш – бу каби энг долзаб тушунчаларнинг реаллик ва рамзийлик уйғунлигида кўрсатиш фалсафий муҳокамани-мушоҳаданинг чуқурлашуvidан дарак беради.

11. Н.Норқобилов асарларининг бадииятида ифода самимияти, руҳий тасвир кўлами, воқеликни мантиқий муайян нуқтага йиғиш, ҳаётий зиддиятларни ишонарли акс эттириш – булар ўзига хослик касб этади. Қаҳрамон нутқи ва воқеалар тизими, ҳис-туйғулар силсиласи, портрет тасвири, образлар тавсифи поэтик жозибани белгиловчи воситалар сирасига киради.

12. Адиб поэтик услубида бадиий макон даврлараро руҳий бўшлиқларни бирлаштириб туради. Эпик миқёс қамрови поэтик образнинг умумий савиясини таъминласа, вақт оқими образ дунёси ва ҳолат-ҳаракат давомийлигини чуқурлаштиради. Характерлар онгости туйғулари тасвири ва ижтимоий муносабатлар муштараклиги ҳам ёзувчи ижодий концепциясини белгилайдиган муҳим поэтик хусусият саналади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Сиёсий адабиётлар

1. Мирзиёев Ш.М. Миллий тараққиёт йўлимизни қатъият билан давом эттириб, янги босқичга кўтарамиз. – Т.: Ўзбекистон, 2017. – 592 б.

2. Мирзиёев Ш.М. “Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-5850-сонли Фармони, 2019 йил 21 октябрь.

3. Мирзиёев Ш.М. Адабиёт ва санъат, маданиятни ривожлантириш – халқимиз маънавий оламини юксалтиришнинг мустаҳкам пойдеворидир.

4. Президент Ш.Мирзиёевнинг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувдаги нутқи “Халқ сўзи”. – 2017. – 4 август.

II. Илмий адабиётлар:

5. Абдуғафуров А. Қалб қаъридаги кадриятлар. – Т.: Ўқитувчи, 1998. – 215 б.

6. Адабиёт назарияси. Икки томлик. I том (Адабий асар). – Т.: Фан, 1978. – 416 б.

7. Адабиёт назарияси. Икки томлик. II том (Адабий-тарихий жараён). – Т.: Фан, 1979. – 448 б.

8. Адабий турлар ва жанрлар. I-жилд. Эпос. – Т.: Фан, 1991. – 383 б.

9. Алимасов В. Фалсафа ёхуд фикрлаш чанқоғи. – Т.: Фалсафа ва ҳуқуқ, 2007. – 276 б.

10. Аристотель. Поэтика. – Тошкент: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1980. – 152 б.

11. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. – М., Наука, 1986. – С. 445.

12. Бахтин М.М. Проблемы поэтики и история литературы. – Саранск.: Прогресс, 1973. – С. 271.

- 13.Бахтин М.М. Проблемы поэтики Достоевского.– М.,Художественный литература, 1971. – С. 471.
- 14.Бахтин М.М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар. Рус тилидан У.Жўракулов таржимаси. – Т., “Akademnashr”, 2015. – 288 б.
- 15.Бахтин М.М.Литературно-критические статьи. – М., Художественная литература, 1986. – С. 543.
- 16.Бобоев Т. Адабиётшунослик асослари. – Т.: Ўзбекистон, 2002. – 540 б.
- 17.Бренер А.Д. Время и пространство в повестях Ф.М. Достоевского 1870-х годов. Ритм, пространство, время в художественном произведении. Алма-Ата. 1984. – С. 74-81.
- 18.Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. – Т.,Ўзбекистон, 1993. – Б. 191.
- 19.Варфоломеев И. Типологическая основы жанров исторической романистики. – Т., “Фан”, 1979. – С.168.
- 20.Вселовский А.Н. Историческая поэтика. – М., Высшая школа,1989. – С.406.
- 21.Винокур Г. Культура языка. – М., 1925. – С. 166.
- 22.Виноградов В.В. Поэтика русской литературы. – М., Наука, 1976. – С. 484.
- 23.Виноградов В.В. О языке художественной прозы.– М., Наука,1980. – С.124.
- 24.Гегель В.Ф. Эстетика. 4-х т. Т. 3. – М., Наука, 1971. –С.621.
- 25.Гей Н.К. Художественности литературы. Поэтика. Стилль. – М., Наука, 1975. – С.471.
- 26.Давронова Ш. Истиклол даври ўзбек романчилиги ва шарқ адабиёти. –Т.: “Наврўз”, 2019. – 218 б.
- 27.Долгов С.Ф. Типология художественного конфликта в современном романе. – Т., “Фан”, 1990. – С.180.

- 28.Егоров Б.Ф. О мастерстве литературной критики. Жанры, композиция, стиль. – Ленинград: Советский писатель, 1980. – С.319.
- 29.Ёкубов И. Ўзбек романи тадрижи. – Т., Фан ва технология, 2006. – 218 б.
- 30.Ёкубов И. Мустақиллик даври ўзбек романлари поэтикаси. – Т.: “Nurafshon business”. 2021. – 336 б.
- 31.Жирмунский В.М. Теория литературы. – Ленинград. Наука, 1977. – С.404.
- 32.Жўраев Т. Онг оқими модерн. – Фарғона. Фарғона, 2009. – 204 б.
- 33.Жўрақулов У. Худудсиз жилва. Илмий-адабий мақолалар. – Т., Фан, 2006. – 204 б.
- 34.Жўрақулов У. Назарий поэтика масалалари. – Т., Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2015. – 356 б.
- 35.Затонский Д. Искусство романа и XX век. – М., Наука, 1973. – С. 229.
- 36.Имомова Г. Миллийлик ва бадиий нутқ. – Т., Янги аср авлоди, 2004. – 120 б.
- 37.Йўлдошев Қ. Ёниқ сўз. Адабий ўйлар. – Тошкент, “Янги аср авлоди”, 2006. – 336 б.
- 38.Каган М.С. Морфология искусство. – Ленинград: Искусство, 1977. – С. 276.
- 39.Каримов Ҳ. Истиқлол даври адабиёти. – Т., “Янги нашр”, 2010. – 364 б.
- 40.Каримов Ҳ. Кечаги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси (70-80-йиллар). Монография. – Т.: Yangi nashr, 2018. – 320 б.
- 41.Карим Баҳодир. Абдулла Қодирий. – Т., “Фан”, 2006. – 232 б.
- 42.Карим Баҳодир. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. – Т., “Akademnashr”, 2014. – 256 б.
- 43.Карим Баҳодир. Рухият алифбоси. – Т., Гафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2016. – 364 б.

- 44.Лейдирман Н. Л., Липовецкий М.Н. Современная русская литература. 1950-1990-е годы. В 2т. Том-2. – М., “Академия”, 2006. – 688 с.
- 45.Мамажонов С. Сайланма: Адабий-танқидий мақолалар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1981. – 400 б.
- 46.Мамажонов С. Услуб жилолари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наширёти, 1972. – 220 б.
- 47.Маҳмудов М. Талант ва ижод фалсафаси.–Т.: Ўзфан, 1976.–282 б.
- 48.Мирвалиев С. Наср, давр, қахрамон. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат наширёти, 1983. – 240 б.
- 49.Мирвалиев С. Истеъдоднинг қўш қаноти. –Т.: Ёзувчи, 1993.– 150 б.
- 50.Мирзаев С. Ўзбек романчилиги. – Самарқанд: СамДУ нашри. 1998. – 128 б.
- 51.Мирзаев И. Тафаккур ва наср. – Самарқанд: Зарафшон, 1993. – 192 б.
- 52.Муродов Ғ., Темирова Д. Тарихий романда сюжет муаммоси. –Т.: Фан, 2008. – Б. 40.
- 53.Муродов Ғ. Тарихий роман: генезиси, кейинги тараққиёти. – Т.: Фан, 2005. 172 б.
- 54.Норматов У. Ижодкорнинг дахлсиз дунёси (Адабий суҳбатлар). – Т.: Мумтоз сўз, 2008. – 316 б.
- 55.Норматов У. Умидбахш тамойиллар.–Т.: Маънавият, 2000.–112 б.
- 56.Норматов У. Насрнинг мунаввар йўли // Жаҳон адабиёти, 2008. – 36-48б.
- 57.Норматов У. Ижод сеҳри. – Т.: Шарқ, 2007. – 352 б.
- 58.Назаров Ў. Романда бадиий хронотопнинг ўзига хослиги. – Т.: Турон замин зиё, 2014. – 140 б.
- 59.Орипов А. Адабиёт ва замон / Мустақиллик даври адабиёти. – Тошкент, Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа уйи, 2006. – 224 б.
- 60.Оскоцкий В.Д. Роман и история. – М., Художественная литература, 1980. – С.384.

- 61.Пардаева З. Бадиий-эстетик тафаккур ривожини ва ўзбек романчилигини. Адабий-танқидий мақолалар. – Т.: Янги аср авлоди, 2002. – 100 б.
- 62.Пардаева З. Ўзбек романи поэтикаси. – Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 2003. – 143 б.
- 63.Поспелов А. Введение в литературоведение. – М.,Наука, 1988. – 234 б.
- 64.Поспелов Г.Н. Проблема литературного стиля. – М., Наука, 1970. – С. 240.
- 65.Потебня А.А. Эстетика и поэтика. – М., Наука, 1976. – С. 344.
- 66.Рашидов А. Чингиз Айтматов олами. –Т.: Ўқитувчи, 2-нашри, 2011.– 256 б.
- 67.Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. – Т.: Шарқ нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Бош таҳририяти, 2007. – 336 б.
- 68.Расулов А. Танқидчилик уфқлари. – Т.: Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1985. – 147 б.
- 69.Раҳимов А. Роман санъати. – Фарғона, ФарДУ, 2001. – 100 б.
- 70.Раҳимжонов Н. Асқад Мухтор поэтикаси. – Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2003. – 72 б.
- 71.Раҳимов З. “Кўҳна дунё” романи поэтикаси. – Фарғона, Фарғона, 2005. – 108 б.
- 72.Ритм, пространство и время в литературе и искусстве. – Ленинград: Наука, 1974. – С. 300.
- 73.Саримсоқов Б. Бадиият асослари ва мезонлари. –Т.:Фан,2004.–194 б.
- 74.Солижонов Й. Нутқ ва услуб. Адабий-танқидий нашр. – Т.: Чўлпон, 2002. – 128 б.
- 75.Солижонов Й. Мўъжизалар сеҳри. –Т.: Adib, 2013, – 148 б.
- 76.Санжар Содик. Янги ўзбек адабиёти тарихи. – Т.: Ўқитувчи. 2019. – 480 б.
- 77.Содик Санжар. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси. Адабий-танқидий мақолалар. – Т.: 2005. – 320 б.

- 78.Султонова М. Ёзувчи услубига доир. – Т.: Фан, 1973. – 114 б.
- 79.Субҳон Завқиддин. Тоғай Мурод насрида образлар поэтикаси. Монография. – Т.: Muharrir nashriyoti, 2020. – 160 б.
- 80.Тўраев Д. Ўзбек романларида бадиий тафаккур ва маҳорат муаммоси. (60-80-йиллар). – Т.: Университет, 2001. – 168 б.
- 81.Тўраев Д. Рангин тасвирлар жилоси. Адабий-танқидий мақолалар. – Т.: “Akademnashr”, 2014. – 200 б.
- 82.Тўраев Д. Маънавий олам талқинлари. Адабий-илмий мақолалар. – Т.: “Akademnashr”, 2020. – 288 б.
- 83.Тўйчиев У. Ўзбек адабиётида бадиийлик. Мезонлари ва уларнинг маромлари. – Т.: “Янги аср авлоди”, 2011. – 508 б.
- 84.Тўйчиев А. Ўзбек романларида макон ва замон. – Т.: “Мумтоз сўз”, 2009. – 152 б.
- 85.Тўлаганова С. Бадиий асар морфологияси. – Т.: Турон замин зиё, 2016. 2016. – 176 б.
- 86.Теракопян Л. Ўтмиш ва бугуннинг ибратли сабоқлари // Одил Ёқубов. Сайланма. Уч жилдлик. 3-жилд. – Т.: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1987. – 526 б.
- 87.Умуоров Ҳ. Бадиий психологизм ва ҳозирги ўзбек романчилиги. – Т.: Фан, 1983. –148 б.
- 88.Умуоров Ҳ. Қаҳрамоннинг маънавий олами ва эпиклик. – Т.: Фан, 1995. – 48 б.
- 89.Умуоров Ҳ. Адабиёт назарияси. – Т.: Шарқ, 2002. –256 б.
- 90.Уоррен О., Уэллек Р. Теория литературы. – М.,Прогресс,1978. – С. 308
- 91.Улуғов А. Қалб қандили. Адабий-танқидий мақолалар. – Т.: Akademnashr, 2013. – 288 б.
- 92.Хазегаров Г.Г., Лобанов И.Б. Основы теории литературы. Ростовна Дону, Феникс, 2009. – С. 316
- 93.Хилл Т.И. Современные теории познания. – М.,Наука, 1965, – С. 251.

- 94.Холмуродов А. Роман ва руҳият. – Т.: Фан, 1999. – 90 б.
- 95.Худойбергганов Н. Ишонч. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988. – 248 б.
- 96.Храпченко М.Б. Творческая индивидуальность писателя и развитие литературы. –М., Наука, 1970. –С. 328.
- 97.Чечерин А.В. Возникновение романа – эпопеи. – М., Сов. писатель, 1975. – С. 376.
- 98.Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти.– Т.: Шарқ, 2004.–640 б.
- 99.Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. –Т.: Маънавият, 2004.–528 б.
- 100.Шарафиддинов О. Сардафтар саҳифалари.–Т.: Ёзувчи, 1999.– 224 б.
- 101.Шофиев О. Эркин Аъзам насри бадиияти. – Тошкент, 2018 – Б. 172
- 102.Шпет Г. Введение в этническую психологию. – М., 1927. – С. 63.
- 103.Эйзенштейн С.М. Избранные произведения в 6 ти т. Т.3. – М., 1964. – С. 277.
- 104.Ўлжабоев У. Замон талаби ва ижодкор мсўулияти. – Т.: Ўзбекистон, 2012. – 376 б.
- 105.Ўлжабоев У. Хотирада чизилган излар китоби. – Т.: Шарқ, 1992. – 200 б.
- 106.Ўлжабоев У. Ҳикоячиликда давр нафаси. – Т.: “Turon zamin ziyo”, 2016. – 256 б.
- 107.Ўрта Осиё ва Қозоғистон халқлари адабиётидаги роман жанрини типологик ўрганиш. – Т.: Фан, 1991, – 272 б.
- 108.Қаршибой М. Талотўздан уйғунлик сари. – Т.:Маънавият,1998.–80 б
109. Қуронон Д. Чўлпон насри поэтикаси. – Т.: Шарқ, 2004. – 288 б.
- 110.Quronov D. Adabiyotshunoslikka kirish. – Т.: Fan, 2007. – 228 б.
111. Quronov D. Adabiyot nazariyasi asoslari. – Т.: Akademnashr, 2018. – 480 б.
- 112.Қўшжонон М. Ойбек маҳорати. – Т.: Ўзфан, 1965. – 353 б.
- 113.Қўшжонон М. Ҳаёт ва қаҳрамон. – Т.: Гафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1979. – 366 б.

- 114.Қўшжонов М. Ҳаёт ва маҳорат. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат, 1979. – 200 б.
- 115.Қодиров П. Халқ тили ва реалистик проза. – Т.: Фан, 1973.– 165 б.
- 116.Қосимов У. Адабиётнинг ҳаётбахш кучи. –Т.: А.Навоий номли ЎМКН, 2008. – 208 б.
- 117.Қосимов А. Адабиётда типологик ўхшашликлар ва ўзаро таъсир. – Т., Фан, 2004. – 134 б.
- 118.Қўчқарова М. Бадиий сўз ва руҳият манзаралари. – Т.: Мухаррир, 2011. – 232 б.
- 119.Ғафуров И. Ўттиз йил изҳори. – Т.: Фан, 1987. -398 б.
- 120.Ҳаққул И. Ҳаёт, адабиёт ва абадият. – Тошкент, Тафаккур қаноти, 2019. – 320 б.
- 121.Ҳамдам У. Янгиланиш эҳтиёжи. – Т.: Фан, 2007. – 196 б.
- 122.Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. – Т.: Ўқитувчи, 1983. – 328 б.

III. Диссертация ва авторефератлар:

- 123.Бобониёзов А.Ю. А.Қодирий «Ўткан кунлар» романида тасвирий воситалар ва тил бадиияти: Филол.фанлари номзоди дисс. – Т.:ЎзФА ТАИ, 1995. – 144 б.
- 124.Жўраев Т. Онг оқими ва тасвирийлик: Филол. фанлари номзоди дисс. –Т.: ЎзФА ТАИ,1994. – 139 б.
- 125.Имомова Г.М. Типик миллий характерлар яратишда бадиий нутқнинг роли: Филол. фан. номзоди дисс. – Т.: ЎзФА ТАИ, 1994. – 134 б.
- 126.Имомкаримова М. Ў.Ҳошимов асарларида миллий қадриятлар талқини: Филол. фанлари номзоди дисс. – Т.: ЎзФА ТАИ, 2004. – 152 б.
- 127.Каримов Ҳ. Ҳозирги ўзбек насрида ҳаёт ҳақиқати ва инсон концепцияси: Филол. фанлари док. дисс. – Т.: ЎзФА ТАИ, 1994. – 368 б.
- 128.Мирзаева С.Р. Ўзбек халқ романтик дostonлари поэтикаси. Филол. фанлари доктор. дисс. автореферати. – Т.: 2013 – 42 б.

129.Тўраев Д. Ҳозирги ўзбек романларида бадий тафаккур ва маҳорат муаммоси (60-80 -йиллар).Филол. фан. док. дисс. автореферати. – Т.: “2003. – 53 б.

130.Расулова У. XX аср ўзбек қиссачилиги (поэтик изланишлар ва тараққиёт тамойиллари): Филол. фан. док. (DSc) дис. автореф. – Тошкент, 2020. – 72 б.

131.Ҳамраев К. Ҳозирги ўзбек ҳикоясида композиция поэтикаси. Фил.фан. бўйича фалс.д-ри (PhD) ...дис. – Тошкент, 2018. – 137 б.

IV. Бадий адабиётлар:

132.Айтматов Ч. Асрга татиғулик кун. Романлар. Рус тилидан А.Рашидов, И.Ғафуров таржималари. – Т.: 1989. – 560 б.

133.Несин Азиз. Ғаройиб болалар. Роман ва ҳикоялар. – Т., “Юлдузча”, 1988. 198-бет.

134.Норқобилов Н. Бўрон кўпқон кун. Қисса ва ҳикоялар. – Т.: Шарқ, 2007. – 304 б.

135.Норқобилов Н. Овул оралаган бўри. Қиссалар. –Т.: Шарқ, 2005. –256 б.

136.Норқобилов Н. Дашту далаларда. Роман.–Т.: Шарқ , 2008.-218 б.

137.Норқобилов Н. Қорақуюн. Роман. – Т.: Ўзбекистон, 2016. – 216.

138.Норқобилов Н. Зангори кўл. Ҳикоялар. – Т.: “Юлдузча”, 1987. – 80 б

139.Норқобилов Н. Тоғдаги ёлғиз одам.– Т.: Ўзбекистон, 2011.–304 б.

140.Холмирзаев Ш. Сайланма. III жилдлик. 3-жилд. Ҳикоялар. – Т.: “Шарқ”, 2006. – 512 б.